Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№№ 65—66 (20. 632—20. 633) • 1990 йил 18 март, якшанба • Баҳоси 5 тийин.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1990 йил 16 мартда КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини давом эттирди. Пленумда КПСС Уставининг лойиҳаси ва кун тартибидаги бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Пленум ишида шаҳар, район, баъзи бошланғич партия ташкилотлари партия комитетларининг секретарлари, шунингдек, КПССдан СССР халқ депутатлари қатнашдилар.

Музокараларда СССР Олий Совети Экология ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш комитетининг раиси Қ. Саликов, Қарағанда металлургия комбинатининг пўлат қуювчиси К. З. Романов, Украина Компартияси Полтава область комитетининг биринчи секретари А. С. Мякота, Тюмень области КПСС Ханти-Мансилар округ комитетининг биринчи секретари В. А. Чурилов, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачев, Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи А. Д. Лизичев, КПСС Татаристон область комитетининг биринчи секретари М. Ш. Шаймиев, «Ижевск» механика заводи ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари Г. В. Сивец, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий Фанлар академиясининг ректори Р. Г. Яновский, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. А. Назарбоев, Москва шаҳар Ворошилов район партия комитетининг биринчи секретари А. И. Земсков, Донецк область Макеевка шаҳридаги «Советская» шахтаси партия комитетининг секретари С. В. Рафаилов, Иркутск политехника институти партия комитетининг секретари Б. Б. Пономарев, Литва Компартияси (КПСС ҳаракат дастурига амал қилувчи) муваққат Марказий Комитетининг биринчи секретари М. М. Бурокявичус, КПСС Марказий Комитетининг секретари Л. Н. Зайков, Украина Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари С. И. Гуренко, Москва Олий партия мактаби партия комитетининг секретари В. И. Митрохин, КПСС Тува область комитетининг биринчи секретари Г. Ч. Ширшин, Куйбишев авиация заводининг йиғувчи слесари Г. И. Ануфриев, КПСС Ростов область комитетининг биринчи секретари Б. М. Володин, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Ю. А. Прокофьев, Минск соатсозлик заводи партия комитетининг секретари В. В. Чикин, Украина Компартияси Черкасси область комитетининг биринчи секретари А. А. Ружицкий, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. А. Ниёзов, Москва область, Жуковский шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Ю. Н. Шогин сўзга чиқдилар.

КПСС Устави лойиҳасини пухта ишлаб чиқиш ва Марказий Комитет Пленумининг бошқа ҳужжатларини тайёрлаш таҳрир комиссиясидан Г. П. Разумовский сўзга чиқди.

Пленум «КПССнинг XXVIII съездини чақириш, партияда ҳисобот-сайлов кампаниясини ўтказиш муддатлари, вакиллик нормаси ва съезд делегатларини сайлаш тартиби тўғрисида» қарор қабул қилди.

Пленум тушган мулоҳазаларни ва бўлиб ўтган муҳокамани эътиборга олиб, КПСС Устави лойиҳасини пишиқ-пухта ишлаб чиқишни таҳрир ҳайъати билан Марказий Комитет Сиёсий бюросига топширди (лойиҳа матбуотда эълон қилинади).

Пленумда Россия партия конференциясини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Пленум КПСС Марказий назорат-тафтиш комиссияси тўғрисидаги низом лойиҳасини маъқуллади.

КПСС Марказий Комитетининг Пленумида М. С. Горбачев якунловчи нутқ сўзлади.

Шу билан КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тугаллади.

М. С. ГОРБАЧЕВ МУХБИРЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

Илгари хабар берилганидек, 15 март куни СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съезди ўз ишини тамомлаши биланоқ Кремлда М. С. Горбачев мухбирлар билан учрашди.

Президент бундай деди: хайрли кеч, ҳурматли хонимлар ва жаноблар, қадрли ўртоқлар! Мамлакатимиз учун, қайта қуриш сиёсати учун муҳим бўлган, менинг назаримда асосий масалаларни ҳал қилиш учун чақирилган СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи Съезди ўз ишини тамомлади. Қайта қуриш жараёнлари мантиқининг ўзи бизни ҳокимиятнинг олий поғонасида туб ўзгаришлар қилишга, мамлакатимиз тарихида биринчи марта президентлик идора усулини жорий этиш билан боғлиқ туб қарорларни қабул этишга ундади.

Бундан бир йил аввал ва ҳатто бир неча ой аввал биз мамлакатимиз шароитида бу иш мақсадга мувофиқ эмас, деган фикрга асосланар эдик. Ҳозир воқеалар жўшқинлиги ошди, зиддиятли жараёнлар юз бермоқда. Биз бир ойда босиб ўтаётган йўлни эволюция шароитида эҳтимол ўн йиллар мобайнида ўтган бўлардик. Шу сабабли бундан бир неча ой аввал тўғри бўлиб туюлган нарсалар янги шароитда етарли бўлмай қолаётир. Жамиятимиз ҳаётининг ҳамма соҳаларини — иқтисодиётни ҳам, сиёсий жараённи ҳам, ижтимоий ва маданий соҳани ҳам қамраб олган демократиялаш жараёнлар, маҳаллийлаштириш, совет федерациясини қайтадан ташкил этиш — буларнинг барчаси Марказдан қочирма тусдаги қудратли кучларни келтириб чиқарди. Натижада биз бунга муқобил, кемамизни чайқатиб юбормаслиги учун ана шу жараёнларни мувозанатга келтирадиган воситалар кераклигини ҳис қилдик.

Ҳозирги вазият ва унинг кескинлиги, қайта қуришни жадаллаштириш эҳтиёжи ҳам бизнинг ижро этиш дастуримизни такомиллаштириш заруратини келтириб чиқарди. Чуқур ўзгаришлар қилишга умид боғланган қўпгина қонунлар жуда секин рўёбга чиқарилаётганлигини кўрдик. Бунга тоқат қилиб бўлмайди, жамиятда шу муносабат билан ташвиш тугилмоқда.

Биз бир системадан, буйруқбозлик— маъмуриятчилик системасидан воз кечдик, бироқ демократия, туб иқтисодий ва сиёсий ислоҳот шароитида янги усуллар тўла ишга тушгани йўқ. Жамият ўзига хос ўтиш даврида туриб қолди, у катта синовларга дуч келмоқда, вазиятнинг беқарорлашиш хавфи мавжуд. Мана шу ўтиш даврини қисқартириш, мумкин қадар камайтириш керак, иқтисодиёт ва сиёсатда янги дастурларни тезроқ ишга солиш керак. Шундай экан, туб қарорлар қабул қилишни фақат стратегик мўлжалларимизгина талаб қилиб қолмасдан, иш билан бирга реал вазият ҳам ана шунга ундади. Қабул қилинган қарорларнинг аҳамиятини бўрттириб юбормоқчи эмасман, лекин уларга етарли баҳо бермаслик ҳам мумкин эмас.

М. С. Горбачев совет ва чет эл мухбирларининг саволларига жавоб берди.

«Новости» матбуот агентлиги: Сиз ўзингизнинг Президент сифатидаги биринчи халқаро ташаббусингизни қандай тасаввур қиласиз?

Жавоб: Мен ўзимнинг янги ваколатларимдан биз илгари сурган ташаббусларга янада кўпроқ жўшқинлик бахш этиш учун фойдаланаман. Гап дунёни яна бир марта қандайдир янги таклиф билан ҳайрон қолдиришда эмас, балки илгари айтилган таклифлар янада кўпроқ жўшқинлик касб этишидадир.

«Правда» газетаси: Сизнинг назарингизда президентлик ҳокимияти қарор топиши учун қанча вақт керак бўлади?

Жавоб: Ҳақиқатан ҳам президентлик ҳокимиятини жорий этиш учун шунчаки Президент сайлаб қўя қолишгина эмас, шу билан бирга бутун бир системани вужудга келтириш керак. Президент дарҳол ишга киришиб кетиши учун вақтни бой бермасдан ҳаракат қилиши лозим. Дарвоқе, Литвадаги вазият муносабати билан съездда унга дастлабки топшириқлар берилди ҳам. Шундай қилиб, ўйлаб кўриш учун алоҳида вақт бўлмайди. Ҳам ҳаракат қилишга, ҳам президентлик бошқаруви системасини яратишга тўғри келади.

«Известия» газетаси: Биз ҳар куни парламентда қарорлар қабул қилиш теварагида фикрлар курашига дуч келамиз, кўпинча шундай бўладики, бу қарорлар натижада ўзларининг ҳаракатлантирувчи кучини йўқотиб қўяди, улар ёмон бажарилади. Президентлик ҳокимияти ана шундай вазиятни бартараф этишга қанчалик ёрдам бера олади?

Жавоб: Мен президентлик идора усулининг имкониятларини ишга солиб юборгач, янада самаралироқ ижроия идора усулига эга бўламиз, деб умид қиламан ва бунга ишонаман. Бу нарса ҳокимиятнинг бўшанглигини, унинг мужмаллигини енгиш имконини беради. Буни ҳамма нарсага балогардон деб ҳисобламаймиз, бундай ўйлаш жиддий бўлмайди. Ўз ишини фаол суръатда тезлаштириб бораётган, ваколатли бўлиб бораётган Олий Советни республикаларда ва жойларда бўлиб ўтган сайловлар асосида тузилаётган совет ҳокимиятининг янги идоралари билан, ҳукуматдаги кучларни қайта гуруҳлаш билан боғлаш ишимизни янада самаралироқ олиб боришга имкон беради. Лекин энг аввало биз коллегиаллик баҳонасида, ҳар бир масала коллегия томонидан ҳал қилинсин деган талаб туфайли вужудга келган масъулиятсизликни енгишимиз керак. Масъулиятни ошириш — ижроия ҳокимиятининг идора усули сифатида президентликни жорий этишнинг энг муҳим натижаси бўлиши керак, деб умид қиламиз.

«Время» программаси: Давлат бошлиғи сифатида Сизнинг олдингизда ҳозир кўп муаммолар турганини биламиз. Лекин, эҳтимол, битта ёки иккита ҳеч кечиктириб бўлмайдиган муаммо бўлса керак. Булар қандай муаммолар?

Жавоб: Мен ҳар ҳолда олдимизда турган муаммо битта эмас, деган бўлардим. Биз иқтисодий ислоҳотни чуқурлаштиришимиз керак. Зудлик билан иттифоқ шартномасини ва федерацияни янгилаш билан шуғулланиш керак. Одамларнинг хавфсизлигини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш учун жуда қаттиқ чоралар кўриш зарур. Умуман эса биз қайта қуришни ва демократияни ҳимоя қилишимиз керак.

«Гардиан» газетаси (Буюк Британия): Жаноб Президент, ўртоқ Президент! Сиз яна КПСС Марказий Комитетининг Бош секретарисиз, лекин кейинги вақтда илгари коммунистик партиялар назарияси ва практикасида учраб турган бир қанча позициялардан, чунончи, пролетар диктатураси, бир партиялилик ва ҳоказолардан воз кечдингиз. Сизнинг сиёсий фалсафангизнинг қандай аниқ жиҳатлари сизни социал-демократлардан фарқлашини тушунтириб бера оласизми ва Сиз ўзингизни коммунистдан кўра кўпроқ социал-демократ деб ҳисоблайсизми?

Жавоб: Мен ўзимни фақат коммунистик партия аъзоси, деб эмас, балки коммунист, деб ҳисоблайман. Бу нарса менинг бошқа социалистик оқимлар вакилларига, уларнинг изланишларига бўлган ҳурматимни камайтирмайди, бундан ташқари, биз — бир цивилизация эканлигимизни, ўзаро боғлиқ дунё доирасида яшаётганлигимизни ва ҳар бир халқ ўз йўлини танлаб олиш билан бирга цивилизация ютуқларидан ҳам фойдаланаётганлигини англаш бизнинг ҳам қайта қуриш орқали социализмга янгича жўшқинлик бахш этишга, унинг қудратини очишга қарор қилиб, шу билан бирга бошқаларнинг тажрибасидан ҳам фойдаланишимизни, лекин ўз шароитимизга татбиқ қилган ҳолда фойдаланишимизни тақозо этади. Энг муҳими, биз бир модел бошқаларга зўрлаб қабул қилдирилиб, ёки ундан нусха кўчиришга ҳаракат қилиб, социалистик ғоянинг рўёбга чиқаришга катта зарар келтирган нарсадан қочишимиз керак. Шу муносабат билан шундай бузилишларга йўл қўйилдики, улар бизга қимматга тушди ва маълум даражада социалистик ғоянинг ўзига ҳам зарар келтирди.

Лекин мана шуларнинг ҳаммасидан ўтганидан кейин ҳам, тақдирнинг ҳамма зарбаларини бошдан кечирганидан кейин ҳам халқимиз социалистик ғояга содиқ бўлиб қолди. Бу нарса ўтмишнинг бутун тажрибасини идрок этиб, жаҳон цивилизациясининг ютуқларидан ҳам, шу жумладан жаҳондаги социалистик ҳаракатларнинг ютуқларидан ҳам фойдаланиб, биз қайта қуриш деб атаган социалистик сиёсатимизни бойитиш ҳамда 1917 йилда танлаб олган йўлимизни амалга оширишнинг негиздир. Биз ўзгалар тажрибасидан нусха кўчирмаймиз, ўзимиздаги қайта қуришни ҳеч кимга тиқиштирмаймиз. Биз ана шу йўлга қадам қўйган дастлабки кунларданоқ мен қайта қуриш бизга керак, бу оғир бўлса-да, жамиятимиз шунга қарор қилди, биз танлаб олган йўлимизни ҳеч кимга тиқиштирмаймиз, деб такрорлаб келдим. Агар қизиқувчилар бўлса — тажрибамизни ўргансин, агар у фойдали бўлса — қабул қилсин. Биз бошқа ҳаракатларга нисбатан ҳам ана шундай иш олиб борамиз.

«Маяк» Бутуниттифоқ радиоси: Юмшоқ қилиб айтганда, бир жойда депсиниб турган иқтисодиётни соғломлаштириш учун сиз кўрадиган дастлабки тадбирлар қандай бўлади?

Жавоб: Дастлабки ишларимиз иқтисодий ислоҳотни қатъийлаштириш билан боғлиқ тадбирларни ўз ичига олади. Мен шунга аминманки, муаммоларга буйруқбозлик-маъмуриятчилик системасига қайтиш асосида эмас, балки янги механизмларни жадаллиқ билан ишга солиш асосида жавоб топиш мумкин. Дастлабки қадамлар худди ана шу йўналишда бўлади. Энг аввало булар бозорда аҳволни нормаллаштириш соҳасидаги кечиктириб бўлмайдиган ишлардир. Истиқбол масаласига келсак, мулкчилик тўғрисидаги, ер тўғрисидаги, ижара тўғрисидаги ва ҳоказо қонунлар билан боғлиқ бўлган янги имкониятлардан фойдаланиш керак. Биз уларни давлат тасарруфидан чиқариш йўлидан боришимиз, ташаббус, изланиш учун имкониятларни кенгайтириш йўлидан боришимиз керак. Иқтисодиётдаги эркинлик натижалар бериши керак.

«Рабочая трибуна» газетаси: Сиз ишчилар ҳаракатига қай даражада таяниш ниятидасиз ва сиз ишчилар регионларидан келаётган ахборотдан қониқяпсизми?

(Давоми иккинчи бетда).

ТЕЛЕГРАММА

Вильнюс шаҳри, Литва ССР Олий Совети, Литва ССР Олий Советининг Раиси В. Ландсбергисга

СССР халқ депутатлари навбатдан ташқари учинчи съездининг 1990 йил 15 мартда қабул қилинган қарорини юбораяпман.

Ушбу қарорни бажариш тадбирлари ҳақида, уч кун муддат ичида хабар қилинг.

СССР Президенти М. ГОРБАЧЕВ.

ЕР ФАРЗАНДЛАРИГА ТАЪЗИМ!

Эртага жумҳурият қишлоқ хўжалик ходимлари қурултойи ўз ишини бошлайди



Узбекистон ССР халқ рассоми А. АБДУЛЛАЕВ чизган расм.

Шода жавоҳир ичра марварид дурдонаси,
Асл меҳнат элининг асрлик кошонаси,
Шу табаррук Ватандир Ўзбекистон имзоли, —
Кушойишлар отаси, осойишлар онаси.
Шу табаррук Ватандир бобомни боққан замин,
Отамнинг томирида қон бўлиб оққан замин,
Шу табаррук Ватандир онамнинг чеккасига
Фасли баҳор айёми чучмўма таққан замин.
Шу табаррук диёрдир элга эл қўшган замин,
Инсонлик дарахтида Оқибат пишган замин.
Шу табаррук диёрдир меҳридан ғазал пайдо,
Не-не донишсиймолар меҳри туташган замин.
Табиат суюб уни қуёшли осмон берган,
Деҳконим деб элига тўкин дастурхон берган,
Пилласини доналаб, пахтасини эгатлаб,
Меваснни саралаб, тиллосини кон берган.
Боболар ўтган йўлда гул кўрдим, дарахт кўрдим,
Ворис деҳқон ўғлонин тилагида шаҳд кўрдим.
«Бир чинор соясида бутун бир эл соялар» —
Донишманд халқ мақолин замонамда ҳақ кўрдим.
...Эй, юртим қучоғида жилваланган ҳур шамол,
Ҳар ўғил-қиз қалбига жасорат, шафоат сол,
Не-не тошқин дарёлар оқиб ўтган Ватан бу,
Сен Аму, Сир бўлиб, қадим Орол бўлиб қол!.

Саъдулла ҲАКИМ.

Савлат тўкиб турган баланд тоғ фонида худди қуйма ҳолда адл қоматларини тик тутиб турган Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари — Назарали Ниёзов, Мамажон ота Тошматов ва Ризамат ота Мусамуҳамедовлар ўзбек халқ эртакларидаги уч оғанини ботирларни эслатади. Зеро, эртакдаги ана шу ботирлар меҳнатсевар, халқ ғами учун қайғурадиган серҳаракат одамлар эди. Бу асардаги уч отахон эса жумҳуриятимиз қишлоқ хўжалигининг алп паҳлавонлари сифатида эл хотирасида абадий қоладилар.

(Қурултойга бағишланган мақолалар билан газетанинг 4- ва 5-саҳифаларида танишасиз).

Улкамизда она-замин билан тиллашаётган, ундан беқиёс саховат ундираётган қишлоқ хўжалик ходимлари жуда кўп. Сиз ушбу суратлар орқали шундай фидойи инсонлар билан танишасиз: пахтакор — М. Раҳмонова (Олот ноҳияси «Оқ олтин» жамоа хўжалиги); бош чўпон — Х. Боймирзаев (Китоб ноҳияси, «Зарафшон» давлат хўжалиги); сут соғувчи — Р. Полвонова (Хива ноҳиясидаги В. И. Ленин номли жамоа хўжалиги); лимончи — Ф. Рустамов (Самарқанд ноҳиясидаги «Москва» жамоа хўжалиги); пахтачилик бригадири М. Равшанова (Нишон ноҳиясидаги «Ленинобод» давлат хўжалиги); байналмилалчи жангчи — Урол онаси Т. Мамирова билан (Пахтакор ноҳиясидаги А. Икромов номли давлат хўжалиги).

М. С. ГОРБАЧЕВ МУХБИРЛАР БИЛАН УЧРАШДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Жавоб: Агар Сиз эътибор берган бўлсангиз, мен бугунги нутқимнинг охирида совет халқига мурожаат қилганимда, қўллаб-қувватлашларига умид қилиб, биринчи айтган сўзим ишчилар синфига қаратилган. Аминманки, бу — социалистик ғояга, қайта қуриш учун курашга ғоят садоқатли бўлган ижтимоий кучдир. Ишчилар синфининг фикри, унинг тутган мавқеи барча ишларимизнинг муваффақиятини белгилаб беради. Шу сабабли мен ишчилар ҳаракатига, унинг қайта қуришдаги ролига жуда катта аҳамият бераман. Ахборот масаласига келсак, мен уни турли йўллар билан оламан, лекин шахсий мулоқотларни ҳаммадан кўра кўпроқ қадрлайман. «Рабочая трибуна» газетасидан миннатдорман. Менимча, у ўз қиёфасига эга бўлиб бормоқда ва унинг, айтайлик ишчиларга хос характери сезилиб турибди.

«Пенс» газетаси (Испания): Шу кунларда биз мудофаа кенгаши энди бўлмаслигини ва унинг вазифалари Президент кенгаши ихтиёрига ўтишини эшитдик. Мудофаа кенгашининг тарқатиб юбориш ҳақидаги қарор нимага асосланган, унинг нимаси қаноатлантирмади? Яна. Сизнинг ваколатингиз доирасига фармонлар чиқариш имконияти ҳам киради. Сиз фармонлар чиқармоқчи бўлаётган масалаларнинг рўйхатида, масалан, ҳукумат программасида санаб кўрсатилганларга қараганда янада қатъийроқ бўлган иқтисодий чоралар борми?

Жавоб: Биринчи савол юзасидан шундай изоҳ бермоқчиман. Принципиал жиҳатдан олганда, аҳвол жуда ҳам ўзгараётгани йўқ. Олий Совет Раиси мудофаа кенгашига бошчилик қилар эди. Бугун Президентнинг ҳуқуқ, доирасига Қуролли Кучларга раҳбарлик қилиш, хавфсизлик, мудофаа масалалари киради. Мудофаа кенгашининг иши билан боғлиқ бўлган арбобларнинг кўпчилик қисми бундан буён шу ишда қатнашаверадилар ва ушбу масалаларни ҳал қилишда Президентга ёрдам кўрсатаверадилар, деб ўйлайман. Хуллас, бу соҳада тўла изчиллик бор.

Иккинчи саволга келсак, биз энг аввало ҳукумат таклиф қилган программани бажариш механизмини янада самаралироқ қилишимиз керак. Лекин бизнинг ҳукумат программаси бўйича анча кейинги муддатларга кечиктириб келинаётган кўпгина муаммоларни ҳал қилишни тезлаштиришимизга тўғри келар.

Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси: Ҳурматли ўртоқ Президент, бир неча кундан кейин, 21 март куни кўпгина хорижий мусулмон мамлакатларида, шунингдек бизнинг Ўрта Осиё республикаларимизда Наврўз байрами — баҳор, янги йилнинг биринчи куни байрами кенг нишонланади. Совет Иттифоқининг биринчи Президенти ўзининг биринчи иш кунида совет ва чет эл шарқи халқларига қандай сўзлар айтишни истар эди?

Жавоб: Шарқ халқларига чуқур ҳурмат сўзларини айтаман. Мен кўп мамлакатларни ўз ичига қамраб олган бу регионда муаммолар кўплигини ҳам биламан. Ўйлайманки, энг аввало тинчликка интилиш Шарқ халқларига хосдир. Чунки бу регион бетинч бўлганлиги учун ҳам улар яхшироқ яшашга интилишади. Одамларнинг орзу-умидлари рўёбга чиқишига умид билдирмоқчиман.

Бу бизнинг мамлакатимизга ҳам тааллуқлидир. Бугун бу ерда юз бераётган ҳодисалар Ўрта Осиё республикаларидаги ўзгаришларга ҳам самарали таъсир кўрсатади. У ерда катта ўзгаришлар қилиш зарурати етилди, деб ўйлайман.

«Призив» газетаси (Владимир шаҳри): Съезд давомида икки депутат депутатлар корпусидан чиқишни айтди. Сиз ушбу фактлар тенденция вужудга келаётганлигидан далолат беради, деб ҳисобламайсизми, сиз уларга қандай қарайсиз?

Жавоб: Ўшаларнинг бири билан мен суҳбатлашдим ва менимча, бу жараён ҳали орқага қайтариб бўлмайдиган тус олгани йўқ. Бу гап айниқса Олий Совета кирувчи депутатларга тааллуқлидир. Вазият ўзгарди, одамларнинг аҳволи ўзгарди, улар янги шароитда ишлаб кўришди, бу ўзларига мақбул ёки мақбул эмаслигини таққослаб кўришмоқда. Ҳар ҳолда баъзилар ўзлари берган ваъдаларининг ҳаммасини ҳам бажара олмасликларини сезишмоқда. Умуман мен нормал жараён деб ўйлайман. Бунда ҳеч қандай фожиа кўрмаётирман ва депутатлар корпусидан оммавий суратда чиқиш мумкин, деб ўйламайман.

ТАСС: Дам олишга кетган вақтингизда ўрнингизни ким эгаллаб туради?

Жавоб: Президент қаерда бўлмасин, шу жумладан дам олаётганида ҳам, раҳбарликни амалга ошираверади. Кундалик ишларнинг бир қисми Президент кенгаши аъзоларига топширилади, албатта. Лекин биронта ҳам принципиал масала Президентсиз ҳал қилинмайди.

Эм-би-си телекомпанияси (Жанубий Корея): Ҳурматли жаноб Президент, Сиз Совет Иттифоқи билан Жанубий Корея ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш истиқболини қандай баҳолайсиз?

Жавоб: Яхши баҳолайман.

«Московский комсомолец» газетаси: Олий Совет, афтидан, республикаларнинг СССРдан чиқиши тўғрисидаги қонунни қабул қилишда кечикканлиги ҳозирнинг ўзидаёқ равшан бўлиб қолди. Вазият мураккаб, тез орада қабул қилинадиган қонун қандайдир жазолаш руҳида бўлмайдими ва ана шунга йўл қўймаслик учун нима қилиш керак?

Жавоб: Биринчидан, бизда кечикиб қолиш, қатъиятсизлик, ярим-ёрти чоралар кўриш ва ҳоказолар тўғрисида фикр-мулоҳазалар кўп билдириляпти. Жуда эҳтиёт бўлиш керак. Мен бу гапларни бизнинг совет матбуотимизга қарата айтган бўлардим. Ғарб матбуотига келганда бу — унинг иши. Сизга эса мен Президент сифатида ўз истакларимни айтишим мумкин. Бугун сўзга чиққан вақтимда мен бизда мулкчилик тўғрисидаги, ер тўғрисидаги, туб иқтисодий ислоҳотга доир ҳамма масалалар бўйича қонунлар қабул қилишда кечикиб қолдик, деган гап-сўзлар кўплигини айтган эдим. Билсангиз, бу ҳам тўғри, ҳам нотўғри. Ҳа, олдинроқ бўлса яхши бўларди. Биз билимимиз, тажрибамиз, ваколатимиз етишмаётганлигини, ҳаёт тажрибасини тўплаб бораётганлигимизни ҳозир ҳам ҳис этиб турган бир пайтда бу ишларни олдинроқ бажариб кўрингчи. Биз пудратни хўжалик ҳисобини, ўз-ўзини бошқаришни, директорлар сайлашда демократияни ва ҳоказоларни синаб кўрдик. Буларнинг барчаси янги шакллардир ва уларни қонун тусига киритиш, ҳуқуқий негиз яратиш учун, ҳар ҳолда, бир пуд туз ейиш керак. Афтидан, бир пуд тузни ҳеч кимнинг егиси йўқ. Катта сиёсатда воқеаларнинг, ана шундай бурилишида — биз эса тарихий бурилиш ясамоқдамиз, жамиятимизнинг характерини ўзгартириб юборадиган шарт-шароитларга асос солмоқдамиз — шошқалоқлик қилиш керак эмас. Айтайлик, ёшларни, «Московский комсомолец»ни улар катталаги шоширишса, мен кечиришим мумкин — бу яхши. Бошқаларга келсак, мен дабдабали атамаларга учмаган бўлардим.

Аммо матбуотга бусиз жуда қийин, уни ҳатто ўқимасликлари ҳам мумкин. Сарлавҳалар мана бундай бўлиши керак — мақола ичида нималар ёзилгани аҳамиятсиз, муҳими, сарлавҳаси чиройли бўлсин. Лекин биз қилаётган ишларни қандай ёритиш кераклигини ҳамма жуда пухта ўйлаб кўриши керак. Чунки жуда катта, тарихий, жаҳоншумул ишлар қиляпмиз. Биз қилаётган ишлар мамлакатимизнинг тақдирини ҳам, социалистик ғоянинг тақдирини ҳам белгилаб беради, мамлакатнинг реал салмоғини ҳисобга оладиган бўлсак, бутун дунёдаги вазиятга таъсир кўрсатади. Шу сабабли биз ҳар ҳолда ҳам жасур, қатъиятли, айни вақтда вазмин, эҳтиёт бўлишимиз керак. Чунки бизнинг мамлакатимиздагина 300 миллион қиши яшамоқда.

«Политика газетаси» (Югославия): Сизнинг янгича фикрлаш сиёсатингиз беш йилдан бери дунёда ўзгаришлар қилиш учун катта-катта ижобий ташаббусларни ўртага қўймоқда. Сиз бугун блоклар системалари биргаликдаги хавфсизлик ташкилоти билан алмаштирилсин, деган қатъий ғояни илгари сурдингиз. Бундай қатъий ғоянинг муваффақиятини қандай аниқ тадбирлар билан таъминлашга умид боғлайсиз?

Жавоб: Ҳаёт бизнинг фикримизни ҳам, изланишларимизни ҳам, сиёсатимизни ҳам илгарилатмоқда. Хусусан, Германияни бирлаштириш тўғрисидаги масала табиийки немислар интилаётган мана шу иш натижасида хатога йўл қўйилмаслиги, кучлар мувозанати бузилмаслиги ҳақида ўйлашга мажбур қилмоқда. Шу сабабли биз ҳозир фақат фикр юритибгина қолмай, шу билан бирга ўз ҳаракатларимизни амалий изга ҳам кўчиришимиз керак. Энг аввало ҳозир мавжуд бўлган блокларни янгича мазмун билан бойитиш йўлидан бориш, янги структуралар тузиш керак. Яъни баъзи структураларнинг табиатини ўзгартириш ва бошқаларини яратишни рағбатлантириш керак. Шу тариқа ташкил этиладиган система асосида Европа хавфсизлигининг янги биноси барпо этилиши мумкин. Ўйлашимча, Вена жараёни орқали, Хельсинки орқали бирлаштириш, иқтисодий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий алоқаларни йўлга қўйиш соҳасидаги янги қадамлар орқали биз мустаҳкам ва ишончли хавфсизликка эга бўлган Европа сари илгарилаб борамиз. Эҳтимол, бу манзаранинг тафсилотлари ҳали чизилмагандир, лекин мен худди ана шу йўлдан борамиз, деб тасаввур қиламан.

Озарбайжон телевидениеси: президентлик идора усули жорий этилиши билан Тоғли Қорабоғ автоном областида президент ҳукмронлиги эълон қилинмайдими? Иккинчи савол. Сиз СССР Олий Советини, иттифоқдош республикаларнинг Олий Советларини тарқатиб юбориш ҳуқуқига эгамисиз?

Жавоб: Тоғли Қорабоғ автоном области бўйича ва умуман Озарбайжон ва Арманистондаги вазият бўйича бир неча бор ўтказилган очиқ ва ёпиқ мажлислар, ошкора, шу билан бирга ҳурмат руҳида ва бевосита ўтказилган суҳбатлар натижасида биз янги босқични бошлаб берадиган қарорга келдик. Бошқа нарса тўғрисида эмас, балки ана шу ҳақда ўйлаш керак, деб ҳисоблайман.

Иккинчи савол хусусида, менимча, киритилган ўзгартишлар эълон қилинди. У ерда Президентнинг Олий Советни тарқатиб юбориш соҳасида ҳуқуқлари қатъий белгилаб қўйилган. Палаталар ўртасида нормал ишни бузадиган вазият вужудга келган тақдирдагина ана шундай бўлиши мумкин. Шунда Президент халқ депутатлари Съезди олдига масала қўйиши мумкин. Лекин унинг ўзи Олий Советни тарқатиб юбора олмайди. Иттифоқдош республикаларнинг Олий Советларини тарқатиб юборишга келсак, бу нарса мутлақо мумкин эмас, деб ўйлайман. Умуман Президент Конституцияга қатъий риоя этишим керак, деб қасамёд қилди. Конституция эса айниқса биз янги иттифоқ шартномаси тузиш сари бораётганлигимизни ҳисобга олиб, иттифоқнинг ҳуқуқ доираси билан республиканинг ҳуқуқ доирасини қатъиқ чегаралаб қўйиши керак. Бунга ҳамма қатъий риоя қилмоғи лозим.

«Московская правда» газетаси: Сизнинг ёшлик йилларингиз Москвада кечди. Сиз шу ерда Герцен кўчасидаги университетда ўқидингиз, юридик факультетни тамомладингиз. Москва Сизнинг ҳаётингиз билан чамбарчас боғланган, Сиз бу ерда Президент қилиб сайландингиз. Лекин Москванинг муаммолари кўп ва биз ҳозир пойтахт шаҳарлари мақоми етишмаётганлигини ғоят сезиб турибмиз. Сиз Совет Иттифоқининг пойтахти бўлган Москва тўғрисида Қонун қабул қилиш зарурлигига қандай қарайсиз, бу нарса Москванинг келажакдаги ривожланиши ва мамлакат учун қандай аҳамиятга эга бўлади?

Жавоб: Ёшлик йилларимни эслатганингиз учун раҳмат — бу ҳамма вақт ёқимли. Мен ўзимни москвалик, деб ҳис қиламан, бу ерда шахсий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётимдаги кўп нарсалар қарор топди. Мен Москвани севаман, москваликлар ва шу шаҳар тўғрисида қайғураман. Агар Москванинг ўзида, Москва областида неча миллионлаб одамлар яшашини, бунинг устига ҳар куни миллионлаб кишилар келиб кетишини ҳисобга оладиган бўлсак, бу оддий шаҳар эмас — жуда катта, мураккаб бир дунё кўз олдимизга келади. Шу сабабли мен Москва мамлакат Президенти унинг ривожланиши ҳақида шахсан ғамхўрлик қилиши ва эътибор беришига муҳтож, деб ҳисоблайман. Ҳозир пойтахт мақоми тўғрисидаги масала муҳокама қилинмоқда ва у тугаганидан кейин бу ҳужжат нима бўлади-қонунми ёки бошқа қарор бўладими, деган саволга жавоб бериш мумкин. Ҳар ҳолда Москва ўзининг бугунги куни ва келажагини пухта ўйлаб кўришга муҳтож. Бу жуда долзарб масаладир.

«Известия» газетаси: Сиз Олий Совет Раиси билан ва Олий Совет Раиси билан ўз муносабатларингизни қандай ташкил этасиз? Сиз мажлисларда нечоғлик тез-тез қатнашмоқчисиз?

Жавоб: Ижро этувчи ҳокимият ва мамлакат Президенти бўлган олий мансабдор шахснинг олий қонун чиқарувчи орган билан ўзаро алоқалари нормал ва мунтазам кечади. Лекин ҳар ҳолда мен диққат-эътиборимни кўпроқ Президент кенгаши ва федерация кенгаши ишига қаратаман. Бугун Олий Советнинг янги Раиси сайланди, умид қиламанки, Олий Совет илгарилаб боради, биз ундан муҳим қарорлар кутамиз.

Москва радиоси, чет элларга эшиттириш ва «Интерфакс» хизмати: Олий Советнинг Раиси бўлган вақтингиздаги қандай фазилатлар Президент сифатида Сизга ўтади ва маъзур тутинг, қайси хислатларингиздан Сиз воз кечишни истар эдингиз?

Жавоб: Мен қандай бўлсам шундайлигимча қоламан. Жуда кўп истаклар билдирилмоқда, мен мана шу лавозимга даъвогар бўлиб қолганимда қанча ва қандай шаклларда истаклар билдирилганини ўзингиз эшитдингиз. Шунга қарамай, назаримда, менинг бир хусусиятим бор — мен ўз ҳолимча қоламан.

Киодо-Цусин агентлиги (Япония): Бугун съездда Литва муаммосига доир қарор қабул қилинди. Сиз уни ҳал қилишнинг бирдан бир йўли Литва билан сиёсий мулоқот қилишдир, деган ғояга қандай қарайсиз? Яна бир савол. Сиз президентликни вужудга келтириш керак, деган фикрга қачон келгансиз?

Жавоб: Биз Литвада юз берган ҳодисаларга ва бу республика ҳокимиятининг олий органлари қабул қилган қарорларга Съезднинг муносабатини билдиришни зарур, деб ҳисоблаймиз. Литва халқи ҳам, мамлакат ҳам биздан шуни кутишмоқда, деб ҳисобладик, гап урушдан кейинги ривожланиш жараёни доирасида вужудга келган реал воқелик хусусида борар экан, масала Европада яшаётган ҳамма халқларга ҳам тааллуқлидир. Мунозара натижасида Съезд қатъият ва принципиаллик кўрсатди: қабул қилинган қарорларни ғайриқонуний деб баҳолаб ва уларнинг амал қилишини тўхтатиб қўйиб, у айни вақтда ҳар бир халқнинг ўз тақдири ўзи белгилаш ҳуқуқини тасдиқлади ва Президентга ана шу республикада яшаётган барча одамларнинг қонуний ҳуқуқларини таъминлашни, ССР Иттифоқининг манфаатларини муҳофаза қилишни топширди. Мен музокаралар олиб бормоқчи эмаслигимизни айтдим, лекин Литва халқлари билан, унинг ҳокимият органлари билан келажакдаги муносабатларимиз хусусида мулоқот олиб борамиз, ҳурмат руҳида мулоқот қиламиз. Менинг назаримда, бунинг учун вақт керак бўлади. Литва халқи ва иттифоқ энг аввало янги иттифоқ шартномаси асосида федерациядаги табақаланган алоқаларни таъминлаб, иттифоқимизни сақлаб қоладиган қарорлардан манфаатдордир. Агар пировардида референдум асосида Литвада яшаётган халқлар Совет Иттифоқидан чиқишга қарор қилсалар, бу масалаларнинг бутун бир мажмуини қараб чиқишни ўз ичига оладиган жараён бўлиши керак, бунинг натижасида Литванинг ҳам, Совет Иттифоқининг ҳам манфаатлари рўёбга чиқарилади.

«Ал-Мусаввар» журнали (Миср): Муҳожирларнинг босиб олинган араб территорияларига жойлаштирилиши муносабати билан кўп баёнотлар берилди. Сиз табиийки, ўз қонунларингизни ҳисобга олган ҳолда ана шу вазиятдан қутилишнинг йўли қандай деб ҳисоблайсиз?

Жавоб: Ҳа, биз ушбу масалалар бўйича ўз қонунларимизни халқаро ҳуқуққа мос ҳолга келтирдик. Бу ҳол аҳволни ўзгартирди ва мен араб дунёсида бизни ушбу масалага умуминсоний қадриятлар, халқаро ҳуқуқ позициясида туриб ёндашишдан бошқа ҳеч қандай ниятимиз йўқлигига ишонишларини истар эдим. Бу жараён ҳозир аввалгига қараганда анча жўшқин кечмоқда, лекин биз яқин келгусида ҳамма ишлар осойиштароқ боришини кутмоқдамиз. Бу масалалар юзасидан маслаҳатлашишдан ўзимизни четга олаётганимиз йўқ. Чунки булар ҳаммани ташвишлантириб турган масалалардир. Бу муаммони бир-биримизни тушунишимиз асосида, ҳамкорлик руҳида тўғри баҳолашимиз ва шунга яраша ҳаракат қилишимиз керак.

«Красная Звезда» газетаси: Сиз — Қуролли Кучлар олий бош қўмондонисиз. Ҳозир ҳарбий ислоҳот ҳақида кўп гапиришмоқда. Сиз бу тушунчага қандай маъно берасиз?

Жавоб: Бизда янги ҳарбий доктрина пайдо бўлди ва уни амалга ошириш Қуролли Кучларни қайта қуришни талаб қилмоқда. Қуролсизланиш жараёнлари ҳам шуни талаб қилмоқда. Ҳарбий соҳадаги ислоҳот ҳам мамлакатдаги, ҳам дунёдаги ҳозирги реал вазиятга қараб юз бермоғи керак. Лекин бир нарса равшан: бу ҳақда бугун мен бир марта гапириб ўтдим, бизнинг Қуролли Кучларга муносабатимиз ўзгармайди, биз офицерлар ва солдатлар ҳақида доимо ғамхўрлик қилаверамиз. Бу соҳада муаммолар тўпланиб қолган бўлиб, уларни ҳал қилиш керак. Мудофаа соҳасини ислоҳ қилиш натижасида биз замонавий армияга эга бўлишимиз керак, у ҳеч бўлмаганда иккита муҳим жиҳати билан ажралиб турмоғи лозим. У касб жиҳатидан тайёрланган бўлиши ва ўз ихтиёрида замонавий самарали қуролга эга бўлиши керак.

«Руде право» газетаси (Чехословакия): Буш билан учрашувда қандай катта қарорлар қабул қилинади. Сиз бу ҳақда ўз программавий баёнотингизда гапирган эдингиз?

Жавоб: У ерда муаммоларнинг катта бир туркуми намоён бўлмоқда. Биз ўша вақтгача стратегик қуролларни 50 фоиз қисқартириш хусусида янада кўпроқ даражада битимга келамиз ва ҳар иккала томоннинг кучғайратлари туфайли шартнома учун негиз тайёрлашга муваффақ бўламиз, деб умид қиламиз. Бизда Европадаги жараённинг бориши хусусида фикр алмашиш учун имконият бўлади. Менинг назаримда, бу соҳада ҳамкорлик қилиш учун катта имкониятлар бор. Биз ҳамма вақт Европадаги жараёнда АҚШ ва Канада албатта иштирок этишлари керак деб ҳисоблаб келганмиз, бу хусусда ҳеч қандай шубҳа бўлиши керак эмас. Менинг фикримча, АҚШнинг иштирок этиши — реал баланснинг излаш учун шароит яратувчи муҳим омилдир. Олдимизда олий даражадаги учрашув — 2-Хельсинки турибди. Европа жараёнларининг жўшқинлиги мунтазам маслаҳатлашиб туришни талаб қилмоқда. Дарвоқе, ҳозир шундай ҳам бўлмоқда: телефон орқали ҳам сўзлашилмоқда, хатлар ҳам ёзилиб турилибди.

Кимёвий қурол масаласига келсак, бу соҳада иккала томон биргаликда куч-ғайрат сарфламоқда. Шу билан бирга ядро қуроли синовларини тўхтатиш масалаларини ҳам айтиб ўтаман, ҳар ҳолда бу 1974 ва 1976 йилдаги шартномаларга тааллуқлидир; ушбу муаммо бўйича фикр алмашишни давом эттириш муҳимдир. Менинг назаримда, иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш хусусида жиддий гап бориши керак. Биз регионал муаммоларни муҳокама қиламиз, деб ўйлайман, улар ҳамма вақт Совет — Америка учрашувларининг диққат марказида бўлиб келган. Умуман, бу катта музокаралар бўлади, деб ҳисоблайман.

Сўнгра мухбирлардан бирининг саволига жавоб қайтара туриб, М. С. Горбачев матбуот ходимлари билан мунтазам учрашиб туриш ниятида эканлигини айтди. СССР Олий Совети Матбуот-марказининг мудири А. А. Масленников ана шу ваъдадан мамнун эканлигини айтиб, журналистларга охирги иккита саволни беришни таклиф қилди.

«Медицинская газета»: Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида президентлар СПИДга қарши кураш бўйича ҳукумат комиссияларига бошчилик қилишмоқда. Бу кулфат муқаррар суратда мамлакатимизда ҳам тарқалаётганини ва ўйлаб ўтириш учун умуман вақт йўқлигини ҳисобга олиб, Сиз мана шундай ҳукумат комиссиясига бошчилик қилишни ўйлаяпсизми?

Жавоб: Очиғини айтаман, бундай комиссияга бошчилик қилишни ўйлаганим йўқ, лекин бу муаммо мендан эътибор беришимни талаб қилишига аминман.

СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети: Сиз ўз нутқингизда Хитой Халқ Республикаси билан муносабатларнинг ривожланиб бораётганлигидан мамнуният изҳор қилдингиз, мамлакатимизнинг Владивосток ва Красноярск ташаббусларига содиқ эканлигини тасдиқладингиз. Узоқ Шарқда, хусусан, бизнинг ХХР билан ўзаро муносабатларимизда тўпланган ижобий тажрибани, имкониятларни ошириш учун Сизнинг назарингизда нималар қилиш керак?

Жавоб: Ҳозирнинг ўзидаёқ ХХР Бош министрининг мамлакатимизга қиладиган сафарига тайёргарлик кўрилмоқда. Бу катта воқеа бўлади, у менинг Хитойга қилган сафаримдан кейин вужудга келаётган муносабатларга янги жўшқинлик бахш этади, деб ўйлайман. Биз бу муносабатларни юксак даражада қадрлаймиз, эъзозлаймиз ва бу муносабатларнинг кундан-кунга кучайиб бориши учун ҳамма ишни қиламиз. Бизда катта-катта имкониятлар бор ва ўйлайманки, бўлажак сафарнинг диққат марказида турадиган муаммолар кўп. Бу муаммолар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларга ҳам, Осиё — Тинч океани регионидаги аҳволга ҳам тааллуқлидир. Ишончим комилки, Хитой билан муносабатларимиз барқарор бўлади, ривожланиб бораверади.

Журналистлар билан учрашувда Е. М. Примаков, И. Т. Фролов қатнашдилар.

(ТАСС).

Литва ССР Олий Советининг 1990 йил 10-12 мартдаги қарорлари муносабати билан СССР халқ депутатлари навбатдан ташқари учинчи Съезднинг қарори

Литва ССР Олий Совети 1990 йил 10—12 мартда «Литва давлатининг мустақиллигини тиклаш» тўғрисида, республика территориясида Литва ССР Конституциясининг ва СССР Конституциясининг амал қилишини бекор этиш ҳақида қарор қабул қилди.

Иттифоқдош республика ўз тақдирини ўзи белгилаш юзасидан конституцион ҳуқуққа эга бўлса ҳам, шу билан бирга Федерацияга кириш пайтида ҳам, ундан чиқиш пайтида ҳам рўй берадиган сиёсий ижтимоий-иқтисодий территориал, ҳуқуқий ва бошқа муаммоларни эътиборга олмаслиги мумкин эмас.

Халқ депутатлари Съезди Литва ССР Олий Советининг мазкур қарорларини қонуний ҳуқуқий кучга эга эмас, деб ҳисоблайди.

СССР халқ депутатлари Съезди шуни қайд этадики, СССР Конституциясининг 74 ва 75-моддаларига мувофиқ ССР Иттифоқининг суверенитети ва СССР Конституциясининг амал қилиши Иттифоқдош Совет Социалистик Республикаси сифатида Литва территориясига тааллуқли бўлиб қолаверади.

СССР халқ депутатлари Съезди **қарор қилади:**

1. Съезд ҳар бир иттифоқдош республиканинг СССРдан ўз эрки билан чиқиш ҳуқуқини (СССР Конституциясининг 72-моддаси) тасдиқлаш билан бирга Совет Иттифоқи таркибидан чиқиш ва унинг оқибатлари қонун билан белгилаб қўйилгунга қадар Литва ССР Олий Советининг СССР Конституцияси 74 ва 75-моддаларига зид келадиган бир ёқлама қарорлари ҳақиқий эмас, деб белгилайди.

2. СССР Президентига, СССР Олий Советига, СССР Министрлар Советига мазкур масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилингунча Литвада истиқомат қилувчи ҳар бир кишининг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишни, шунингдек Литва ССР территориясида СССРнинг, шунингдек иттифоқдош республикаларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя этилишини таъминлаш топширилсин.

3. Литва ССР давлат ҳокимияти ва бошқаруви идоралари республика территориясида қонун ва ҳуқуқ-тартибот бузилмаслиги учун ҳамма чораларни кўрсинлар.

Москва, Кремль.
1990 йил 15 март.

СОЦИАЛИЗМНИ ҲИМОЯ ҚИЛАМИЗ

16 март куни Москвада уруш ва меҳнат ветеранлари Бутуниттифоқ кенгашининг пленуми бўлди. Унда КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳаси муҳокама қилинди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачев доклад қилди.

Ҳаракат дастурининг лойиҳаси, деб уқтирди докладчи, чинакам инсоний, демократик социализм сари, қайта қуришнинг етилган долзарб муаммоларини ҳал этиш сари ҳаракатимизнинг сиёсий йўналишларини белгилаб беради.

СССР Президенти лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши — ҳақиқий куч ҳисобланиб, у жамиятни бирлаштириши, демократияга, социализмга янги таянч нуқталарини бахш этиши керак. Айни вақтда, ҳозир кулфатларнинг олдини олиш учун демократик негиздаги партия бирлигидан бошқа восита йўқ, партияни ичидан туриб унга путур етказаётганларга қарши қатъий кураш олиб бориш керак. Коммунистларнинг, бошланғич партия ташкилотларининг аҳамияти ва масъулиятини ошириш, кўп партиявийлик муҳитида ҳаракат қилишга тайёр бўлиш зарур. Партия ўзини такомиллаштиришга ва қайта қуришга қодир.

КПССнинг жамоат ташкилотлари, ҳаракатлар, меҳнаткашлар, ёшлар, уруш, меҳнат ва қуролли кучлар ветеранлари тузилмалари билан алоқаларни кучайтириш энг асосий масала бўлиб қолди.

Пленум қатнашчилари музокаралар чоғида КПСС Марказий Комитети Ҳаракат дастури лойиҳасига тааллуқли бир қанча таклифларни ўртага қўйдилар, партия Марказий Комитети шаниға танқидий мулоҳазаларини айтдилар.

Пленум уруш ва меҳнат ветеранлари Бутуниттифоқ кенгашининг КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳаси юзасидан мурожаатнома қабул қилди.

Пленумда ташкилий масала кўриб чиқилди. Совет Иттифоқи маршали Н. В. Огарков уруш ва меҳнат ветеранлари Бутуниттифоқ кенгашининг раиси қилиб сайланди.

ОРБИТАДАН ДАРАКЛАР

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 16 МАРТ. (ТАСС). Анатолий Соловьев билан Александр Баландиннинг бугунги иш куни ўзларини тиббий кўрикдан ўтказиш билан бошланди. Космонавтлар ўзларининг оғирликларини ўлчадилар, вазнсизлик шароитида кам ҳаракат қиладиган мушак-мускуллари қандай ишлаётганлигини аниқладилар.

Бугун экипаж учувчи бошқарадиган «Мир» орбитал комплексининг иш режалари ҳамда унинг фаолиятини олдиндан текшириш режаларига мувофиқ, кема ичига ўрнатилган электрон-ҳисоблаш машинасининг айрим қисмларини «Прогресс М-3» юк кемасида олиб келинган янги қисмлар билан алмаштириши керак.

Кеча «Назорат» деб аталган техникавий тажриба ўтказилди.

Акустик узатиш қурилмалари ёрдамида қўшимча жиҳозлаш модули қурилмаларининг мустаҳкамлигига баҳо бериш ана шу техникавий тажрибадан кўзда тутилган мақсад эди.

Комплекснинг ташқи юзасидан ўрнатилган аппаратлар ёрдамида ер атрофидаги кенгликда кичик метеорлар оқимини ўлчаш ва турли материалларнинг ҳоссаларига очиқ фазо омилларининг таъсирини тадқиқ этишга доир тажрибалар давом этмоқда. Телеметрия каналлари орқали ерга юборилаётган ахборотлар ишлаб чиқилиб, ўрганилмоқда.

«Мир» орбитал комплексининг парвози кўнгилдагидек ўтмоқда. Иккала космонавт соғ-саломат, ўзларини яхши ҳис этишмоқда.

М. С. Горбачев СССР Президенти қилиб сайлангани муносабати билан чет элларда билдирилаётган фикрлар

● ТОКИО.

Япония бош министри Тосики Кайфу М. С. Горбачев СССРнинг биринчи Президенти қилиб сайланганини қутлади. «Мамлакатнинг янги раҳбари Шарқ билан Ғарб ўртасидаги кескинликни чинакамига юмшатишга эришиш, шунингдек Осиё-Тинч океан регионидаги барқарорликни сақлаб қолиш ишида раҳбарликни ўз қўлига олишидан умидвормиз», — деб таъкидлади у журналистларнинг саволларига жавоб бераётиб.

Совет Иттифоқида президентлик идора усулининг жорий этилиши қайта қуришнинг бундан кейинги илгари силжиши учун кучли президент ҳокимияти зарурлиги концепциясида асосланган, дейилади Япония ички ишлар министри Таро Накаямонинг баёнотида. Япония ҳукумати бу воқеани Совет Иттифоқининг сиёсий ислоҳотлар жараёнидаги муҳим қарори деб ҳисоблайди.

Мамлакат ҳукумати биринчи совет Президенти М. С. Горбачев раҳбарлигидаги янги президентлик идора усули СССР олдида турган иқтисодий қийинчиликларни ва миллатлараро муносабатлар муаммоларини бартараф этиши ва қайта қуришни амалга ошириш манфаатлари йўлида фаолият кўрсатишидан жуда умид қилади.

● ПАРИЖ.

«Монд» газетаси СССРда президентлик ҳокимияти жорий этилганини октябрь инқилобидан буён ўтган вақт ичида Совет Иттифоқи сиёсий тузилишида қилинган энг катта ва туб ўзгартиш деб атамоқда.

«Круа» газетаси давлат ҳокимиятини партия эмас, давлат бошлиғи олишини таъкидлади. Президентлик системасига ўтилиши Совет Иттифоқининг ҳуқуқий давлатга айланаётганини тасдиқлайди. Гарчи, СССР халқ депутатлари президентлик ҳокимиятини дастлабки лойиҳадагига нисбатан анча чеклаб қўйган бўлсаларда, Совет давлатининг раҳбари илгари ўзи эга бўлмаган ҳокимиятни қўлга киритади, деб уқтиради «Эко» газетаси. Бироқ президент зарурат туғилган пайтда тез ва қатъий ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлади, деб ҳисоблайди газета.

● ЛОНДОН.

СССР халқ депутатлари навбатдан ташқари Съезднинг СССР Президенти лавозимини таъсис этиш тўғрисидаги қарори шу пайтга қадар партия аппарати қўлида бўлиб келган реал ҳокимият мустақил ва нуфузли парламентга ўтганидан далолат беради, деб таъкидлайди Ай-Ти-Эн телекомпанияси.

Би-би-синнинг айтишича, депутатларнинг СССРнинг биринчи Президентини бевосита Съездда сайлаш тўғрисидаги қарори мамлакатдаги барқарор вазиятни сақлаб қолиш ниятида қабул қилинган.

● ВАШИНГТОН.

«Совет конгресси ижро этувчи президент ҳокимиятининг қудратли идора усулини яратди, шунингдек кўп партиявий демократик система ва бозор иқтисодиёти учун асос бўладиган бир қанча кенг конституцион ислоҳотларни қабул қилди, — деб ёзади «Вашингтон пост» газетаси. — СССР халқ депутатлари навбатдан ташқари Съезднинг қарорлари СССР сиёсий ва иқтисодий системасида эҳтимол большевикларнинг 1917 йилдаги революциясидан буён қилинган энг муҳим ўзгартишларни мустаҳкамлаб қўйди».

(ТАСС).

КПСС Марказий Комитети Пленумининг 1990 йил 16 мартдаги қарори

КПСС XXVIII съездини чақириш, партияда ҳисобот-сайлов кампаниясининг ўтказиш муддатлари, вакиллик нормаси ва съезд делегатларини сайлаш тартиби тўғрисида

1. КПСС Марказий Комитети 1989 йил сентябрь Пленумининг қарорлари ўзгартирилиб, Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXVIII съезди 1990 йил 2 июлда Москва шаҳрида Кремлнинг Съездлар саройида чақирилсин.

2. Съезд муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилсин:

1) Қайта қуришнинг бориши ва партиянинг вазифалари тўғрисида. КПСС Марказий Комитетининг Ҳисоботи. Докладчи — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев.

2) КПСС Марказий тафтиш комиссиясининг ҳисоботи. Докладчи — КПСС Марказий тафтиш комиссияси раисининг ўринбосари ўртоқ А. А. Низовцева.

3) КПССнинг «Инсонпарвар, демократик социализм сари» Ҳаракат дастури тўғрисида.

4) КПССнинг Устави ҳақида.

5) КПСС Марказий Назорат-тафтиш комиссияси тўғрисидаги низом ҳақида.

6) Партиянинг марказий органларини сайлаш.

КПСС Ҳаракат дастури ва Устави билан боғлиқ масалалар биринчи масала юзасидан қилинадиган докладда баён этилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

3. КПСС XXVIII съездига вакиллик нормаси партиянинг 4 минг аъзосидан бир делегат қилиб белгилансин.

4. КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлаш кенг демократик асосда, мусобақалашув ва муқобиллик вазиятида, барча коммунистларнинг бевосита иштирокида ўтказилиши зарур, деб ҳисоблансин.

КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлаш тартиби тўғрисида КПСС Марказий Комитетининг партия қурилиши ва кадрлар сиёсати масалалари комиссияси томонидан партия ташкилотларининг, коммунистлар ва партиясизларнинг таклифлари асосида ишлаб чиқилган таклифлар қабул этилсин (илова қилинади).

Қабул этилган тартибга мувофиқ, сайланган делегатларнинг рўйхатларини область ва ўлка партия конференциялари, иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездлари, Украина, Белоруссия, Ўзбекистон ва Қозоғистон Компартияларида— область партия конференциялари, Москва шаҳрида — КПСС район конференциялари расмийлаштириб, КПСС XXVIII съездига тақдим этадилар.

Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз Флоти, ички ва чегара қўшинлари партия ташкилотлари ҳисобида турувчи коммунистлар КПСС XXVIII съездига делегатларни тегишли қўшилмалар, қўшин турлари ва Қуролли Кучлар турлари партия конференцияларида сайлайдилар.

Чет эллардаги совет муассасалари партия ташкилотлари ҳисобида турувчи коммунистлар КПСС XXVIII съездига делегатларни Москва шаҳрида ўтказиладиган ўз партия конференцияларида сайлайдилар.

5. Партия ташкилотларидаги ҳисобот-сайлов кампаниясини ўтказиш тартиби ва муддатларини иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, РСФСРдаги КПСС ўлка, область комитетлари белгилайдилар.

Шаҳар (район партия структурасига эга бўлган шаҳарларда), округ, область, ўлка партия конференцияларига, иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездларига делегатлар сайлаш тартибини тегишли партия комитетларининг пленумлари белгилайдилар. Конференция ва съездларга делегатлар сайлаш ва партия органларини тузиш давомида ушбу қарорда КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлаш учун белгиланган ёндашувлардан ва КПСС янги Устави лойиҳасининг қоидаларидан фойдаланиш тавсия этилсин.

6. Конференция ва съездларга делегатлар сайловини, шунингдек раҳбар партия органларига сайловни демократиялаш мақсадида қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

Бошқа номзодларга нисбатан энг кўп овоз олган, аммо йиғилишда қатнашган КПСС аъзолари, конференция, съезд делегатлари, партия комитети аъзолари ёки сайлаб қўйилган бошқа орган аъзолари овозларининг ярмидан кўпини олган номзодлар сайланган ҳисобланади;

тегишли партия ташкилоти ёки Компартиянинг олий органи бўлмиш партия йиғилиши, конференция, съезд партия комитетининг биринчи секретари (партия комитетининг секретари)ни ёки сайлаб қўйиладиган бошқа шахсни йиғилиш, конференция ёки съезднинг бутун состави билан сайлаш тўғрисидаги масалани ҳал этишга ҳақлидир. Айни вақтда сайлаб қўйиладиган муайян шахсни келгусида алмаштириш тартиби белгиланади.

КПССнинг янги Устави қабул этилгунга қадар шу қоидаларга амал қилинсин.

7. Иттифоқдош республикалар Компартияларининг ҳисобот-сайлов йиғилишларида, конференцияларида, съездларида партия ташкилотларидаги ишларнинг аҳволи, партиявий ишни тубдан яхшилаш тадбирлари чуқур ва атрофлича кўриб чиқилсин, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури, КПСС Устави лойиҳалари муҳокама қилинсин. Ҳисобот ва сайловлар, партия съездига бутун тайёргарлик ишлари коммунистларнинг ҳар хил нуқтаи назарларини аниқлаш имконини бериши, улар ҳар қандай фикрга, озчиликнинг ўз позициясини билдириш ҳуқуқига ҳурмат билан қарши руҳида ўтказилиши муҳимдир. Йиғилишлар, конференциялар ва съездларнинг амалий тусда ўтишини, партиянинг жамиятдаги роли ва фаолиятининг, партия ички турмушини демократиялашнинг туб масалаларига, партиялилар оммаси ҳокимиятини қарор топтиришга оид таклифлар коллектив бўлиб ишлаб чиқилишини таъминлаш зарур.

КПСС XXVIII съездига тайёргарлик ишлари коммунистларни ғоявий ва ташкилий жиҳатдан жипслаштиришга, ҳар бир партия ташкилотининг иш қобилиятини оширишга, КПССнинг жамиятдаги пешқадамлик ролини мустаҳкамлашга, қайта қуришни чуқурлаштириш вазифаларини ҳал этишда партиянинг фаолиятини кучайтиришга кўмаклашмоғи лозим.

Қайта қуриш ишига садоқатли, партия ташкилотларининг мададига сазовор бўлган, партиявий-сиёсий усулларни эгаллаб олган коммунистлар орасидан янги, навқирон кучларни партиявий ишга жалб қилишга, КПССни янгилашга партия XXVIII съезди қарорлари асосида таъсирчан тус бера оладиган кишиларни партиядаги раҳбарлик лавозимларига кўтаришга алоҳида эътибор берилиши лозим.

8. XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг йўл-йўриқларига биноан, бўлғуси партия съездларида ва конференцияларида ягона назорат-тафтиш комиссиялари сайланиши мумкин. Назорат-тафтиш комиссиялари КПСС XXVIII съездигача ўз амалий ишида КПСС Марказий Комитети тасдиқдаган мувақкат низомга амал қилишлари мумкин («Известия ЦК КПСС», 1-сон, 1989 йил).

9. Марказий Комитетнинг Сиёсий бюросига КПСС XXVIII съездига тайёргарлик билан боғлиқ бўлган ишларни КПСС Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзолигига номзодларни, жойлардаги партия фаолларини кенг жалб қилиб, ошкора ва рўй-рост ўтказиш топширилсин. Съездга сайланган делегатлар орасидан КПСС съездига асосий ҳужжатлар ва қарорларни ишлаб чиқадиган комиссиялар (группалар) тузиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

КПСС XXVIII СЪЕЗДИГА ДЕЛЕГАТЛАР САЙЛАШ ТАРТИБИ

КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлаш тартиби партияда кенг кўламда муҳокама қилинмоқда. Коммунистлар съезднинг натижалари, аввало делегатлар составига боғлиқ бўлади, деб адолатли фикр юритиб, бу масалага катта аҳамият бермоқдалар. Партия аъзолари КПСС съездига делегатлар сайлаш ҳам иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездларига, ўлка, область партия конференцияларига делегатлар сайлаш каби муқобил тусда бўлиши, ҳар бир коммунистга мамлакатнинг олий партия анжумани составини таркиб топтиришда , иштирок этишга имкон бериши лозимлигини кенг кўламда маъқуллаб чиқмоқдалар.

Партия ташкилотлари, коммунистлар, жамоатчиликнинг фикрини ҳисобга олиб, КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлашнинг қуйидаги тартиби таклиф этилади.

Бошланғич партия ташкилотлари съезд делегатлигига номзодларни кўрсатмоқдалар. Аъзолари кам бўлган ташкилотларда коммунистлар бу имкониятларни қўшма йиғилишларда амалга оширадилар, бундай йиғилишларни район ва шаҳар партия комитетлари ўтказадилар. Бу ҳолда рақобатни, муқобиллик, номзодларнинг сиёсий ва маънавий фазилатларига холисона баҳо берилишини таъминлаш керак. Бу кишилар партиянинг обрўли аъзолари, ишчилар синфи, деҳқонлар ва зиёлиларнинг муносиб вакиллари бўлиши, қайта қуриш жараёнида улар ижобий фазилатларни намоён этган бўлишлари ҳамда партия сиёсатини ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришда фаол иштирок этишга қодир бўлишлари муҳимдир.

Номзодлар партия ташкилотларида ва оммавий ахборот воситаларида партия сиёсати ва амалий ишнинг асосий масалалари юзасидан ўз позицияларини баён этиш имкониятига эга бўлишлари керак. Партия ташкилотлари ўз номзодларини бошқа партия ташкилотларида қўллаб-қувватлаш ишларини ўтказишлари мумкич.

Делегатларни сайлаш тартибига боғлиқ тарзда кўрсатилган номзодлар район, шаҳар партия конференцияларида кўриб чиқилиши мумкин. Бунда район ёки шаҳардаги КПСС аъзоларининг умумий сони, муқобил таклифлар тақдим этиш имконияти ҳисобга олинади. У ёки бу номзод нечоғли кенг кўламда ва фаол қўллаб-қувватланаётгани ҳам эътиборга олинади. Йиғилишлар ва конференцияларда номзодлар кўрсатиш юзасидан қарор қатнашувчиларнинг ихтиёрига кўра очиқ ёки яширин овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Кўрсатилган номзодлар рўйхати эълон қилинади.

КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлаш тартибини коммунистларнинг фикри ҳамда партия ташкилотлари фаолиятининг шарт-шароитларини ҳисобга олиб, область, ўлка партия ташкилотлари, иттифоқдош республикалар Компартияларининг пленумлари белгилайдилар. Бунда партиявий бир мандатли ва кўп мандатли сайлов округлари бўйича делегатларни бевосита сайлаш имконияти бор.

Бир мандатли сайлов округларидаги сайлов. Бу ҳолда Пленум КПСС XXVIII съездига делегатлар сайловини ўтказувчи комиссияни сайлайди. Бошланғич партия ташкилотларининг, район, шаҳар партия комитетларининг таклифига кўра, КПСС Марказий Комитети тасдиқлаган партиявий структура ва вакиллик нормаларини ҳисобга олиб, комиссия партиявий сайлов округини тузади. Округлар бир нечта район (шаҳар) партия ташкилотларини қамраб олиши мумкин. Округларда округ сайлов комиссиялари тузилади.

Округ сайлов комиссияси бошланғич партия ташкилотларида сайловни ўтказиш устидан назорат ўрнатади, коммунистлар съезд делегатлигига номзодлар билан танишувлари учун шарт-шароит яратади, округ бўйича сайлов бюллетени матнини тасдиқлайди, бюллетенлар тайёрланишини ва мазкур бюллетенлар бошланғич партия ташкилотларига етиб боришини таъминлайди, округ бўйича сайлов натижаларини белгилайди.

КПСС XXVIII съездига делегат сайлаш юзасидан яширин овоз бериш учун ҳозирлаб қўйилган бюллетенга округдаги бошланғич ташкилотлар кўрсатган барча номзодлар киритилади, округлар бир нечта район (шаҳар)ларни қамраб олган бўлса, район (шаҳар) партия конференцияси қўллаб-қувватлаган номзодлар ўша бюллетенга киритилади.

Сайлов округи доирасида съезд делегатини сайлаш юзасидан яширин овоз бериш бошланғич (бошланғич ташкилот ҳуқуқларига эга бўлган цех ташкилотлари) партия ташкилотларида ўтказилади. Шу мақсадда улар ҳисоб комиссиясини сайлайдилар Овоз бериш мазкур ташкилотда ҳисобда турган коммунистлар рўйхати бўйича район, шаҳар партия конференцияларига делегатлар сайлашга ўхшаб ўтказилади.

Агар сайловда округдаги КПСС аъзоларининг ярмидан кўпроғи иштирок этган бўлса, сайлов ўтказилди, деб ҳисобланади. Номзодлардан бирортаси ҳам сайловда иштирок этган коммунистларнинг ярмидан кўпроқ овозини олмаган округларда биринчи даврада энг кўп овоз олган икки номзод такроран овозга қўйилади.

Партия комитетининг пленуми тузган комиссия КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлаш якунларини область, ўлка партия конференциясига ёки иттифоқдош республика Компартиясининг съездига маълум қилади. Башарти округда сайлов бўлмади деб эътироф этиладиган бўлса, шунингдек овозга қўйилган номзодлардан бирортаси ҳам, жумладан такроран овозга қўйишдан кейин ҳам зарур миқдорда овозлар сонини олмаган бўлса, бўш мандатга КПСС съездига делегатни бевосита область, ўлка партия конференцияси, иттифоқдош республика Компартиясининг съезди сайлайди.

Кўп мандатли сайлов округларида сайлов. Бу ҳолда пленум район, шаҳар партия конференцияларида қўллаб-қувватланган барча номзодларни кўриб чиқади ҳамда область, ўлка, республикадаги барча партия ташкилотлари учун ягона бўлган КПСС XXVIII съезди делегатлигига номзодлар рўйхатини тасдиқлайди.

Пленум КПСС XXVIII съездига делегатлар сайловини ўтказиш юзасидан область, ўлка, республика комиссиясини тузади.

Ҳар бир номзоднинг қисқача таржимаи ҳоли баён этилган номзодлар рўйхати матбуотда эълон қилинади. Шу рўйхатга асосан комиссия яширин овоз бериш учун бюллетенни тасдиқлайди, зарур миқдордаги бюллетенларни тайёрлайди ва уларни район, шаҳар партия комитетларига жўнатади, мазкур партия комитетлари бошланғич партия ташкилотларида сайловни ташкил этадилар. Шу мақсадда район, шаҳар партия комитетлари ҳисоб комиссияларини тузадилар. Ҳисоб комиссиялари бошланғич (цех) партия ташкилотларида ҳам сайланади.

Партия комитети пленуми томонидан тузилган комиссия овоз бериш натижаларини область, ўлка партия конференцияларига, иттифоқдош республика Компартиясининг съездига маълум қилади. Агар область (ўлка) партия ташкилоти, иттифоқдош республика Компартияси составининг ярмидан кўпи овоз беришда иштирок этган бўлса, сайлов ўтди, деб эътироф қилинади. Башарти, сайлов ўтмаса ёки бўш мандатлар қолса, делегатлар сайлови бевосита область, ўлка партия конференцияларида, иттифоқдош республика Компартиясининг съездида ўтказилади.

Кўп мандатли сайлов округлари район (шаҳар) партия ташкилотларининг группаси бўйича тузилиши мумкин. Бу ҳолда уларнинг ҳар бирида округ сайлов комиссиялари тузилади.

Область, ўлка партия комитети, иттифоқдош республика Компартияси Марказий Комитетининг пленуми қарорига кўра съездга делегатлар сайлаш ҳуқуқи коммунистлар сони КПСС Марказий Комитети белгилаб қўйган вакиллик нормасига мос келган ёки мазкур нормадан кўпроқ бўлган бошланғич партия ташкилотларига бевосита берилиши мумкин. Бу ҳолда партия ташкилоти бир мандатли ёки кўп мандатли сайлов округини тузади. Сайланган делегатлар область, ўлка партия ташкилотлари, иттифоқдош республикалар Компартияларидан КПСС XXVIII съездига сайланган делегатларнинг умумий сонига қўшилади.

КПССнинг амалдаги Уставига биноан партия съездига делегатлар область, ўлка партия конференцияларида ва иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездларида ёпиқ (яширин) овоз бериш йўли билан сайланиши мумкин. Агар шундай тартиб қабул қилинса, сайлов жараёнини имкони борича демократиялаш лозим бўлади. Бу ҳолда сайлов муқобил негизда бошланғич партия ташкилотларида кўрсатилган ҳамда район (шаҳар) партия конференцияларида қўллаб-қувватланган номзодлар ҳисобидан ўтказилади.

Овоз бериш натижалари аниқланаётганида, КПССнинг ҳозир амалда бўлган Уставида кўзда тутилган тартибдан фарқли тарзда, бошқа номзодларга нисбатан кўпроқ овоз олган, аммо овоз беришда иштирок этган КПСС аъзолари, конференция, съезд делегатларининг ярмидан кўпроғи овозини олган номзодларни КПСС XXVIII съездига делегатлар қилиб сайланди, деб ҳисоблаш лозим бўлур эди.

Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз Флоти, ички ва чегара қўшинлари партия ташкилотларидан КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлаш тартибига ўзгартиришлар киритиш зарурати пайдо бўлди. Илгари улар территориялардаги партия ташкилотлари делегатлари билан биргаликда сайланар эди. Бу гал эса уларни ҳарбий округлар, флотлар, бирлашмалар, Қуролли Кучларнинг турлари, ички қўшинлар бошқармалари ва чегара қўшинлари округлари партия конференцияларида бевосита сайлаш таклиф этилмоқда.

Чет элда турган Совет Армияси, Ҳарбий-Денгиз Флоти қисмлари партия ташкилотларида ҳисобда бўлган коммунистлар ҳақида гапирадиган бўлсак, улар илгаригидек, ҳозир ҳам XXVIII съездга делегатларни ҳарбий қўшилмаларнинг партия конференцияларида сайлайдилар. Бунда ҳарбий хизматчи бўлган коммунистлар территориал конференциялар, иттифоқдош республикалар Компартиялари съездларининг ишида таркиб топган практикага кўра иштирок этадилар, улар тегишли партия органларига сайлашлари ва сайланишлари мумкин. Аммо территориялардаги партия ташкилотларидан КПСС съездига делегатлар сайлашда иштирок этмайдилар.

Чет элларда ишлаётган совет муассасаларидаги партия ташкилотларидан съездга делегатларни Москва шаҳрида ўтказилиши мумкин бўлган партия конференциясида сайлаш имкониятини бериш мақсадга мувофиқдир.

Комиссиянинг фикрича, КПСС XXVIII съездига делегатлар сайлашнинг таклиф этилаётган тартибидан партиянинг бошқа съездлари ва конференцияларига делегатлар сайлашда фойдаланиш мумкин бўлур эди.

Область, ўлка партия конференциялари, иттифоқдош республикалар Компартияларининг съездлари КПСС XXVIII съезди номига партия ташкилотларидаги фикрларни ҳисобга олиб, ишлаб чиқилган партиянинг марказий органлари составига номзодлар кўрсатиш юзасидан таклифларни жўнатишларини белгилаб қўйиш ҳам лозим бўлур эди.

КПСС Марказий Комитетининг Партия қурилиши ва кадрлар билан ишлаш сиёсати масалалари комиссияси

КПСС Марказий Комитети 1990 йил 16 мартдаги қарори

Россия партия конференцияси тўғрисида

1. КПССнинг XXVIII съездига қадар Россия партия конференциясини чақириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

2. Россия Федерациясининг партия ташкилотларидан КПСС XXVIII съездига сайланган делегатлар конференциянинг делегатлари бўладилар, деб белгилансин.

3. Конфернцияни тайёрлаш ва ўтказиш КПСС Марказий Комитетининг Россия Бюросига топширилсин. Шу мақсадда тегишли партия комитетларининг пленумларида сайланган ўлка, область, округ, Москва шаҳар партия ташкилотларининг вакиллари орасидан (ҳар бир ташкилотдан бир киши) тайёргарлик комитети тузилсин.

ПЛЕНУМ ЯКУНЛАРИ ХУСУСИДА

КПСС Марказий Комитети март Пленумининг аҳамияти у партия XXVIII съездига тайёргарликнинг муайян босқичини ниҳоясига етказганлиги, съезд олдидан кенг мунозараларни авж олдириш учун зарур ҳужжатларни ишлаб чиққанлиги билан белгиланади. 16 март куни СССР Ташқи ишлар министрлигининг матбуот марказида совет ва чет эл журналистлари билан учрашувда шу ҳақда гапирилди. Учрашувни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари В. А. Медведев билан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига номзод, Марказий Комитет секретари Г. П. Разумовский олиб бордилар.

Пленум КПССнинг бўлажак съезди билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди, жумладан уни чақириш муддатини белгилади, партияда ҳисобот-сайлов кампаниясини ўтказишнинг асосий йўналишларини, вакиллик нормалари ва съездга делегатлар сайлаш тартибини ишлаб чиқди, деб таъкидлади В. А. Медведев. Пленум партия Устави лойиҳасини асосан маъқуллади. Ушбу ҳужжат муҳокамасини ҳисобга олиб, унинг матнига ўзгартишлар киритилади, шундан кейин лойиҳа яқин кунларда матбуотда эълон қилинади.

XXVIII съезд олдидан Россия партия конференциясини ўтказиш тўғрисида ҳам махсус қарор қабул қилинди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси унда Россия партия ташкилотини тузиш билан боғлиқ барча масалалар муҳокама қилинади, деган фикрни билдирди. Конференциядаги ана шу муҳокама якунлари партия XXVIII съезди кўриб чиқиши учун тақдим этилади.

Пленум иши СССР халқ депутатлари навбатдан ташқари III Съездининг фаолияти билан ҳам кўп даражада боғлиқ бўлди, деб таъкидлади В.А . Медведев.

Г. П .Разумовский Пленум партия съездига делегатлар сайлаш тартибининг бир неча йўлларини назарда тутаётганлиги хусусида гапириб берди. Бу ерда гап, жумладан, республикалар, ўлкалар ва областлар партия ташкилотларида тузилган бир мандатли округлар доирасида муқобиллик асосида бевосита яширин овоз бериш йўли билан делегатлар сайлаш тўғрисида бормоқда. Афтидан, партия ташкилотларининг кўпчилиги шу усулдан фойдаланса керак, деб ҳисоблайди КПСС Марказий Комитетининг секретари. Делегатлар сайлашнинг бошқа усулларида кўп мандатли рўйхатлар асосида бир неча номзод кўрсатиб, бевосита яширин сайлов ўтказиш назарда тутилади. Шунингдек, аҳолиси сийрак жойлашган территорияларда делегатларни партия съездлари ёки конференцияларида сайлаш усулидан ҳам фойдаланишлари мумкин.

(ТАСС мухбири).

Литвада чегара постлари

Вильнюс, 16 март. (ТАСС мухбири К. Усцила). «Советская Литва» газетасининг номи бундан буён «Эхо Литви» деб юритилади, Кеча республика Олий Совети Президиумининг мажлисида шундай қарор қабул қилинди. Мажлисда республикадан молларнинг назоратсиз олиб чиқиб кетилишини чеклаш чоратадбирлари ҳам муҳокама қилинди. Шу мақсадда яқин вақт ичида 37 та чегара назорат пункти барпо этиш режалаштирилди.

Литвада парламент раҳбарлари сайлови натижалари, аниқроғи республика Олий Советининг раиси этиб А. Бразаускас эмас, В. Ландсбергис сайланганлиги аҳолининг муайян бир қисмини мамнун этмаганлиги сабабли шу хусусда имзолар тўпланмоқда. Кеча В. Ландсбергис билан А. Бразаускас бирга республика телевидениеси орқали гапирдилар. Улар аҳолига сайлов натижалари шубҳадан холи эканини, бу натижаларни тан олмаслик Литва душманларига қўл келишини, Литва учун ҳозир иноқлик ва осойишталик кераклигини уқтирдилар. В. Ландсбергис Литвада юз бераётган жараёнлар муқаррар бўлиб, СССР билан музокаралар албатта ўтказилади, деган фикрни билдирди.

Кеча тунда республика телевидениеси орқали биринчи бор «Давлат студияси» кўрсатуви намойиш этилди. В. Лансбергис СССР халқ депутатлари Съездининг Литва Олий Совети қарорлари тўғрисидаги қарори муносабати билан нима қилиш керак, деган саволга жавоб қайтариб, бу ўзга мамлакатнинг қарори ва уни бажариш биз учун шарт эмас, бизнинг қарорларимизни бекор қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, биз бу қарорга бутунлай эътибор бермаслигимиз ва ўз ишимизни бундан буён ҳам давом эттираверишимиз керак, деди. СССРдан бошқача жавобни кутишнинг ҳам ҳожати йўқ эди, ҳеч қиси йўқ, бугун тан олмасалар, вақти келиб тан оладилар, деди у.

Олий Совет раиси Литвадаги КПСС ташкилотининг мақоми хусусида тўхталиб, бу пайтга қадар ҳеч бир қонун ҳужжатларида «бегона давлат сиёсий ташкилоти»нинг фаолият шарт-шароитлари кўзда тутилмаган, шунинг учун Олий Советнинг навбатдаги сессиясидаёқ бу масалани ҳал этиш керак, деди.

Ҳукумат бошлиғи вазифасини вақтинча бажараётган К. Прунскене ўша телекўрсатувда СССР билан музокараларга қандай тайёргарлик кўрилаётганини, иш тартиби, шартнома лойиҳаси қандай тайёрланаётганини айтиб берди. У Литва чегараси, бу ердаги ҳарбий қисмларнинг мақоми масалаларини ҳал этиш ишлари олиб борилаётганини маълум қилди.

Бугун телевидение орқали сўзлаган СССР халқ депутати Э. Бичкаускас СССР билан музокара олиб борувчи делегацияни 17 март куни Олий Совет сессиясида тасдиқлаш керакдигини айтди.

Республика оммавий ахборот воситалари Олий Совет Президиуми аппаратининг «Минтис» нашриётининг ва Эльта телеграф агентлигининг коллективлари сиёсатдан холи этилганини, бу муассасаларда партия ташкилотларининг фаолияти тўхтатиб қўйилганини хабар қилди.

Грузияда оппозициядаги кучлар конференцияси

Тбилиси, 16 март. (Грузинформ — ТАСС). Грузиянинг оппозициядаги ижтимоий-сиёсий ҳаракатлари, ижодий уюшмалари ва илмий зиёлилари вакиллари конференциясининг қатнашчилари уч кунлик жўшқин мунозаралардан кейин миллий анжуман составини сайлаб, унга республиканинг оппозициядаги барча сиёсий кучлари съездини тайёрлашни топширдилар.

Март ойининг охирида бўладиган Грузия ССР Олий Советига сайловни бойкот қилаётган ашаддий сўл ташкилотлар конференция ўтказиш ташаббускори бўлиб чиқдилар. Уларнинг фикрича, ҳозир бу ерда амал қилаётган парламент ваколатлари юридик асосга эга эмас, чунки у гўё 1918—21 йилларда бўлган мустақил Грузия республикасига қарши агрессия оқибатида тузилган эмиш.

Сайловда қатнашмаслик ғоясини Грузия халқ фронти раиси Н. Натадзе қўллаб-қувватламади. Унинг фикрича, республиканинг муқобиллик асосида сайланадиган бўлғуси Олий Совети Грузия давлатчилигини тўла-тўкис қайта тиклай олади.

Грузиядаги либералроқ оппозициячи ҳаракатларнинг бошқа таклифларига қарамай, конференция оппозициядаги «парламент»га кейинроқ сайлов ўтказиш ҳақида кўпчилик овоз билан қарор қабул қилди. Бу «парламент» республика тўла мустақилликка эришгунича унинг ҳукумати ҳаракатларини назорат қилиб туради.

СЕССИЯ ИШ БОШЛАДИ

Нукусда ўн иккинчи чақириқ Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг биринчи сессияси очилди. Депутатлар автоном республика Олий Совети органларини тузиш, Министрлар Советини, Олий Советга ҳисобот берувчи бошқа органларни ташкил этиш масалаларини муҳокама қилмоқдалар.

Сессияда Т. А. Ешимбетова Қорақалпоғистон АССР Олий Советининг раиси этиб сайланди. А. Ҳ. Тожиев Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг раиси қилиб тайинланди.

Сессия ўз ишини давом эттиради.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

АНДИЖОН, 17 март (ЎзТАГ). Андижон область партия комитетининг бугун бўлиб ўтган пленумида КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил февраль, март Пленумлари якунлари ва область партия комитетларининг ўз фаолиятларини тубдан қайта қуриш, иш юритиш сиёсий усулларини эгаллашга оид вазифалари муҳокама қилинди. Пленумда область партия комитетининг биринчи секретари К. Х. Холмирзаев доклад қилди.

Пленум иштирокчилари коммунистлар XXI область партия конференциясида ва кейинги пленумларида билдирган танқидий фикр-мулоҳазалар ва таклифлар қандай бажарилаётгани тўғрисидаги ахборотни ҳам тингладилар.

Пленум навбатдаги область партия конференциясини 1990 йил май ойида чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДА ИШЛАШГА ЎРГАНАЙЛИК

16 март куни Тошкентда бўлиб ўтган семинар-кенгашда республика ўз-ўзини бошқариш ва ўзини ўзи пул билан таъминлашга ўтиши муносабати билан умумий иқтисодий таълимни, мутахассислар ва ишчиларни муайян мақсадни кўзлаб ўқитишни ташкил қилиш муаммолари муҳокома қилинди. Семинар-кенгашни Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, республика Фанлар академияси уюштирди. Машғулотларда бутун молия механизмини, кредит-пул дастурларини маҳаллий хўжалик ҳисоби шароитида қайта қуриш масалаларига, территориал хўжалик юритишнинг ҳуқуқий шаклларига мумкин қадар кўпроқ эътибор бериш зарурлиги таъкидланди.

(ЎзТАГ).

Деҳқонки дона сочар, ерни

• ҚҚАССР

Деҳқончиликда ўтган йили коллектив пудрат 20,1 процент, оилавий пудрат 28,2 процент ва ижара пудрати асосида ишлаётган коллективлар сони 51,7 процентни ташкил этди. Хўжалик ҳисоби чорвачиликда ҳам кенг татбиқ этилмоқда. Ўтган йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб хўжалик юритишнинг янги усули — деҳқончилик-фермерлик оилавий хўжаликлар ташкил этиш кенг тус олди. Ҳозирги пайтда ана шундай оилалар 700 дан ошиб кетди. Уларнинг қарамоғида 7 минг бош қорамол, жумладан 2503 бош соғин сигир бор.

Ўтган йили давлатга пахта, полиз, пилла, сут ва қоракўл тери сотиш планлари ошириб бажарилди. Бироқ сувсизлик туфайли шоли сотиш плани 77,2, макка дони сотиш эса 78,2 процентда қолиб кетди. Бу йил ўтган йилги хатоларни такрорламаслик учун сув кам талаб қиладиган экинлар экиш ниятидамиз.

Автоном республика аҳолисининг ҳозирги шарт-шароити ҳеч кимга сир эмас. Аҳволни ўнглаш учун имкониятлар қидиряпмиз. Ҳозир «Узагроинторг», «Агропромсервиз» сингари чет эллар билан алоқа қилувчи ташкилотлар орқали маҳсулотларимизни хорижга сотиш йўлларини излаяпмиз. Ундан келадиган валютага қайта ишлаш корхоналари учун янги техника ва технология харид қилиш ниятидамиз.

С. ЕРЖАНОВ,
Қорақалпоғистон АССР қишлоқ хўжалиги давлат кооператив комитети раиси.

• АНДИЖОН

Жумҳурият ҳукуматининг ер бериш тўғрисидаги қарори чиққанидан буён аҳолига қўшимча 14.0 минг гектар ер ажратиб берилди. Бу эса агросаноат уюшмаси мутахассислари олдига мураккаб ва долзарб вазифа — шахсий томорқалар ривожланишини мувофиқлаштириш вазифасини қўйди. Бу секторнинг Озиқ-овқат программасини бажаришга салмоқли таъсир этишини таъминлаш лозим.

Шу йилнинг ўзида мавсумгача яна 10 та, йил охиригача 25 та, жами 50 та кичик ҳажмдаги консерва цехлари ишга туширилади.

Колхоз-совхозларни мустақил хўжалик ҳисобига ўтказишда биринчи навбатда уларга бериладиган моддий-техника ресурслари ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нарх-наволари кўриб чиқилиши керак. Бундан ташқари жумҳурият раҳбар органларининг ёрдамисиз вилоят агросаноат уюшмаси қуйидаги икки муаммони ҳал қила олмайди.

Биринчидан, ҳозирги ажратилган маблағлар яқин ўртада ерларимиз мелиоратив ҳолатини ўнглаб олишга имконият бермайди, шунинг учун бу соҳа бўйича оператив тадбирлар ишлаб чиқилиши лозим.

Иккинчидан, қайта ишлаш саноатининг ўсиб бораётган талабларини қондириш мақсадида реконструкция қилиш ва қувватини ошириш учун етарли даражада капитал маблағлар ажратиш лозим.

Б. ОЛИМЖОНОВ,
область агросаноат уюшмасининг раиси.

• БУХОРО

Областда хўжалик юритишнинг янгича шакллари тобора кенг ёйилмоқда. Ўтган йили давлатга топширилган 543 минг тоннадан кўпроқ ҳосилнинг деярли етмиш фоизини оилавий пудратчилар етиштиришди. Бу йил уларнинг сони 85-90 фоизга етиши кутилмоқда.

Худди шундай тарзда чорвачилик, сабзавотчилик, полизчилик, мевачилик ва бошқа соҳаларда ҳам ижарачилик, пудратчилик, якка деҳқон хўжалиги сингари илғор усуллар қўллаб-қувватланмоқда.

Когон районидаги чорвачилик комплекси Ғиждувон ва Бухоро районларидаги бройлер фабрикалари ишга тушгани туфайли гўшт етиштиришни кескин кўпайтиришнинг ишончли резервига эга бўлдик.

Айни маҳалда областда 1860 деҳқон хўжалиги муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг сафини кенгайтириш учун катта имкониятларга эгамиз. Лекин ҳанузгача республикада бундай хўжаликлар тўғрисида низом ишлаб чиқилмаган, қонунчиликка тегишли ўзгартиришлар киритилмаган.

Қайта қуриш бунга ўхшаш кўпгина муаммоларни олдимизга қўймоқда. Ўйлайманки, эртага очиладиган агросаноат ходимлари республика қурултойида уларни ҳал қилиш йўллари тўғрисида самарали фикрлашув бўлиб ўтади.

Ш. ГАТАУЛИН,
область ижроия комитети раиси.

• ЖИЗЗАХ

Сўнгги йиллар тажрибалари шуни кўрсатдики, чўл шароитида ижара пудратисиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириб бўлмайди. Бу усул аввало ишлаб чиқаришда энг зарур бўлган тартиб-интизомни мустаҳкамлайди. Қишлоқ аҳлининг иқтисодини яхшилаб, турмуш даражасини юксалтиради. Қолаверса хўжаликлар, районларнинг узоқ муддатли қарзларидан қутулишлари учун ёрдам беради. Эътибор қилинг, қўриқ Дўстлик райони жуда қисқа фурсатда 30 миллион 400 минг сўмлик, Бахмал райони эса 24 миллион сўмлик қарзларидан қутулдилар. Демоқчиманки, ижара чўлнинг, чўлқуварларнинг келажагини белгилайди.

Деҳқонларимиз ва мутахассисларимиз ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сувдан унумли фойдаланиш билан бирга ҳосилдорликни оширишга эришишлари лозим. Бу борада Мирзачўл райони деҳқонлари амалга ошираётган ишлар таҳсинга лойиқ. Ўтган йили бу ерда областда биринчи бўлиб хўжаликларга сув сотиш йўлга қўйилди. Хўжаликлар бундан катта фойда кўришди, шунингдек, 50 миллион кубометр сув иқтисод қилинди. Бошқача қилиб айтганда, пахта етиштириш учун ҳар йилдагидан 4 минг сўм маблағ кам сарфланди.

Пахта етиштирилаётган экин майдонларининг камайтирилиши ғаллачилик, полиз ва сабзавотчиликни кескин ривожлантириш имконини бериши барчага аён.

У. ОЛИМОВ,
область ижроия комитети раиси.

• НАМАНГАН

Вилоятимизда чорвачилик узоқ йиллардан буён оқсаб келарди. Шунингдек, мева, сабзавот, умуман аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда талай муаммолар тўпланиб қолганди. Социал, маданий соҳалар каби бу борада ҳам қисқа вақт ичида жиддий бурилиш ясаш лозим эди. Аниқроғи, одамларнинг қайта қуришга бўлган ишончи ва уни қай даражада қўллаб-қувватлаши кўп жиҳатдан шу муаммонинг ҳал этилишига боғлиқ эди. Шу боис область партия комитети бу масалага катта эътибор берди.

Ўтган йили областимизда 1755 гектар экин майдони ижарачилар ихтиёрига берилди. Айниқса, Наманган районидаги «Ленинград» колхози, Янгиқўрғон районидаги Киров номли совхозда ижара пудратини такомиллаштиришнинг ҳамма имкониятларидан самарали фойдаланилмоқда.

Хўжаликларда ижара пудратини кенг оммалаштириш мақсадида 20 дан ортиқ қўлланма ва плакатлар юборилди. Бу ўз самарасини беряпти, масалан, ўтган йили Чуст районидаги «1 Май», «Партия XXII съезди», Поп районидаги «Навбаҳор» совхозларида фойдаланиш қийин бўлган ерларни ижарага бериб, ҳар гектаридан 700-800 сўмдан соф даромад олинди.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, ижара пудрати усули ҳаммабоп, изчил, кенг қўламда қўлланилиши лозим бўлган иқтисодий самара берувчи усул ҳисобланади.

Б. АЛЛАМУРАТОВ,
область партия комитетининг биринчи секретари.

• САМАРҚАНД

Вилоятдаги 122 та колхоз ва 102 та совхознинг аксарияти пахтачилик билан шуғулланади. Бор-йўғи 27 та қайта ишловчи корхона мавжудлигини айтсак, тарози шайини қайси томонга босиб кетгани аён бўлади. Тўққиз йилдирки, вилоятда пахта плани бажарилмайди. Бунинг сабаблари ҳақида кўп гапирилган. Ер хаста, сув етишмайди. Планлар нореал, нарх арзон... Ана шундай сабаблар кўп.

Вилоятда пахта яккаҳокимлигини тугатиш учун ҳам изчил иш бошланган. Мева-сабзавотчилик, узумчилик равнақини таъминламоқ зарур. Чунончи, «Самарқанд» ва «Булунғур» сингари агрокомбинатлар фаолиятини тубдан яхшиламоқ керак. Ҳозир барча хўжаликларда боғлар, узумзорлар уларнинг ҳеч бўлмаса ўз эҳтиёжларини таъминлаши лозим, деган қоидага амал этяпмиз. Айни пайтда ихтисослашган хўжаликларни кўпайтираяпмиз. Аҳолига 19 минг гектар ер томорқа сифатида тақсимлаб берилганини ҳам шу тадбирга йўғидган бўлсак, демак яқин орада Самарқанд саховати яна ўз кўркини намойиш этади.

Хуллас, бугун энг катта муаммомиз шуки, дастурхонда неъматлар оз, бозорда нарх-наво баланд. Ваҳолонки, Самарқанд саховатли юрт ҳисобланган. Ана шу саховатни тиклаш биз фарзандларнинг бурчи, вазифасидир.

Р. АБДУЛЛАЕВ,
область агросаноат уюшмасининг раиси.

ЯЙЛОВГА БАҲОР КЕЛДИ

Қизилқум бағрига кўпдан бери орзиқиб кутилган дамлар келди. Қишнинг бўронли, изғиринли совуқлари ортда қолди. Қирадирлар яшиллиққа, гўзалликка бурканди. Чўлни ҳамиша ясантириб, бу ерда яшайдиган барча мавжудотга ризқ-насиба берувчи янтоқ, шувоқ, саксовуллар ҳам яшил либос кийди. Бундай пайтларда барча тирик жонзотлар қиш мудроғидан уйғониб, кундан-кунга чирой очиб бораётган табиат бағрида яйрай бошлайдилар.

Бепоён саҳроларда отар кетидан юрган чўпон-чўлиқлар ҳам баҳорни интиқлик билан кутишганди. Бироқ улар яйловларда ва ўтлоқларда, боғлар ва сой бўйларида келинчакдек сепини ёяётган Наврўз айёмидан лаззатланиш, баҳра олишга ҳар доим ҳам имкон топавермайдилар. Ҳозир отарларда қўзи олиш мавсуми қизғин давом этмоқда. Чўпоннинг баҳори ҳам, қувончу шодлиги ҳам мана шу тадбирнинг муваффақияти билан белгиланади.

Бухоро вилоятининг Шофиркон районидаги «Ғалаба» совхози бош чўпони Осқаден Қўзиевнинг қалбини ҳам ана шундай ҳиссиётлар қамраб олган. Отарда соғлом, дуркун қўзилар тобора кўпаймоқда. Илғор чўпон ҳар юз бош совлиқдан 115 тадан қўзи олишни режалаштирган. Нияти — қўзиларнинг 80 фоизини ўстиришга олиб қолиш...

...Лекин қанчалик банд бўлманг, фаслар эркасининг таровоти бир зум бўлса-да хаёлингизни олиб қочиши тайин. Ана яшил гиламга ёнбошлаган Осқаден жилмайди. Қизиқ, баҳорнинг шўх еллари унинг қулоғига нималар деб шивирлади экан.

Суратни К. КАРИМОВ тасвирга туширган.

• *Ер тўғрисидаги Қонун—амалда*

ЁРУҒЛИК

Ҳамма ерда бўлгани каби Наманган области меҳнаткашлари ҳам жумҳурият партия-ҳукуматининг «Колхозчилар, совхоз ишчилари шахсий томорқа хўжалигини ривожлантириш ҳамда икки тартибда уй-жой қурувчилар учун ер участкаси ажратиб бериш тўғрисида»ги қарор ҳамда яқинда қабул қилинган Ер ҳамда Мулкчилик ҳақидаги Қонунларни ғоят хушнудлик билан кутиб олдилар ва буни халқ бахт-саодатини ўйлаб қилинган катта ғамхўрлик деб тушунмоқдалар. 1990 йилнинг 9 январига қадар 110 минг оиланинг турар жой ва томорқа учун ер сўраб ёзган аризалари қондирилди. Жумладан, 31100 оилага уй қуриш, 79600 кишига эса шахсий томорқа хўжалигини ривожлантириш учун жами 1122 гектар миқдорида ер майдонлари ажратиб берилди.

Кўпгина колхоз-совхозларнинг раҳбарлари бу вазифани бажаришга ўта масъулият билан ёндашмоқдалар. Томорқа ери бериш ҳақидаги ҳужжат матбуотда ёритилган дастлабки кунларданоқ унинг ижросига тааллуқли тадбирлар ишлаб чиқилди. Тўрақўрғон районидаги Карл Маркс номли колхозда зудлик билан мазкур масала билан шуғулланадиган комиссия тузилди. 1990 йилнинг январь ойи охирламасданоқ уй-жой ҳамда томорқа хўжалигига зарур ер майдонлари бўлиб берилди. Умуман райондаги 5630 хонадон янги турар жойлар қуриб турмушини тубдан яхшилаш имкониятига эга бўлди.

Янгиқўрғон районидаги Киров совхоз маъмурияти ҳам бу масалада активлик кўрсатмоқда. Хўжалик раҳбарлари ер тақсимлаб берилишини таъминлаш билангина кифояланмасдан моддий жиҳатдан камқувват оилаларга ёрдам қўлини чўзмоқдалар. Узоқ муддатга мўлжалланган қарзлар ажратилиши билан бир вақтда қурилиш материаллари етказиб бериш чорасини кўрмоқдалар. Қисқа фурсат ичида оҳак тайёрлаш, ёғоч тилиш цехлари ишга тушди. Маҳаллий шароитда эшик ва деразалар тайёрлаш ўзлаштирилди.

Қанийди, ҳамма колхоз-совхозда бу соҳадаги иш ана шу мисоллардаги каби силлиқ бораётган бўлса! Афсуски, баъзи жойларда бу йўсинда қўйилган талаб ўддаланишига панжа орасидан қараш, ўзибўларчилик, тўраларча муносабат давом этмоқда. Масалан, Косонсой районида 1989 йил охирида тайёрлаб жўнатилган маълумотномага кўз ташласангиз, гўё 6139 аризачи тўла қаноатлантирилган ёки сўровлари ер ажратиш масаласи билан шуғулланувчи комиссияларида ўрганилиб ҳамма масига ер участкалари ажратилган. Ўтказилган текширишлар чоғида эса бунинг акси кўзга ташланди. Чунончи, «Коммуна» колхозида ҳатто, тақсимланаётган турар жой, томорқа ёрдамчи хўжалиги учун мўлжалланган ер участкаси берилганлиги қайд этилган бўлишига қарамасдан бу нарса ҳеч қандай ҳужжатда расмийлаштирилмаган. Бундан ташқари, қишлоқ Советига шу мақсадда тушган 87 та хат колхоз правлениесида қараб чиқилмаган.

Куйбишев номли колхозидаги аҳвол бундан ҳам баттар. Бошқачасига айтганда, маълумот тайёрлашда кўзбўямачилик, қўшиб ёзиш фактлари учрамоқда. Районга 171 хонадонга ер участкаси ажратилганлиги хабар қилингани ҳолда амалда бу рақам 101 тани ташкил этади холос. Текшириш ўтказилган кунгача тўпланган аризанинг биронтаси қараб чиқилмаган. Худойбердиев номли совхозда 1988—1989 йилларда кўплаб оилалар турар жой шароитини яхшилаш ва томорқа учун ер сўраб ёзганларига қарамасдан атиги 26 кишининг талаби қондирилган.

Наманган районидаги «Коммунизм» колхозида ҳам 1990 йилгача тушган 199 аризанинг биронтаси ҳал этилмаган.

Чортоқ районида ҳам юқорида тилга олингани сингари ноҳуш фактларни истаганча тилга олиб ўтиш мумкин. Шу райондаги Караскон қишлоғида шахсий томорқа хўжалиги атиги 1 сотихга оширилиб, 6 сотихга етказилган.

Область партия, совет ташкилотлари жумҳуриятимизда тўпланиб қолган социал-иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг муҳим омилларидан бўлган ушбу қарор рўёбга чиқарилишини қатъий назорат қилиб бормоқдалар. Область партия комитетининг кенгайтирилган бюросида шахсий томорқа хўжалигини ривожлантириш ҳамда якка тартибда уй-жой қурувчилар учун ер участкаси ажратиб берилиши бўйича текширишлар якуни муҳокама этилди. Аниқланган камчиликлар айбдорларига нисбатан тегишли чоралар белгиланди, рўй берган нуқсонларни бартараф этиш учун зарур йўл-йўриқлар ишлаб чиқилди. Бу эса ҳозирдаёқ ижобий ўзгаришларда ўз ифодасини топмоқда.

...Яқинда Норин районидаги «СССР 50 йиллиги» колхозига борганимда ўн болани тарбиялаб вояга етказаётган, кам таъминланган ва камтаргина ҳаёт кечираётган оила соҳиби, механизатор Суюнбой Тўйчиев суҳбатда шундай деди:

— Партия-ҳукуматимизга мингдан-минг раҳмат. Деҳқонга ер берилганлиги бу — катта ёруғлик! Бизнинг кўп болали эканлигимизни эътиборга олишиб, уй қуриш ва томорқа хўжалигимиз учун 15 сотих ер ажратиб беришди. Шундан 5 сотихида уй ҳайвонлари учун хашак етиштираман. Қолганида йилига икки мартадан ҳосил оламан. Зора, шу билан турмушимиз ўнгланиб кетса!

Ха, Суюнбой Тўйчиев айтганидек, деҳқон кўксига офтоб тегадиган, қисқа вақт ичида меҳнаткашлар уй-жой шароитини яхшилаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун замин яратадиган замон келди. Ҳамма гап унга соя соладиган нуқсонларни таг-томири билан бартараф этишда.

О. ЖУМАНАЗАРОВ.

ТЎКИЛСА МАНГЛАЙ ТЕРИНГ, УНУМЛИ БЎЛАР ЕРИНГ

Баҳорги беғамлик — кузги пушаймонлик.
Бирни кессанг — ўнни эк!.
Бир киши ариқ қазийди,
Минг киши сув ичади.
Боғ жамоли — боғбондан.
Гап билан ваъда берма,
Иш билан далда бер!
Гап қувган балога йўлиқар,
Иш қувган — хазинага.
Ер—бойликнинг онаси бўлса,
Отаси — меҳнат.
Ерга ошатсанг, ош битар,
Ошатмасанг, тош битар.
Ери бойнинг — эли бой.
Ерини алдаган оч қолар.
Ишлаб топганнинг оши лаззатли.
Ишлаган ерни яшнатар,
Ишламаган — қақшатар.
Ишлаганнинг оғзи ошга тегар,
Ишламаганнинг боши тошга тегар.
Меҳнатсиз топилган ошдан,
Меҳнатдан топилган тош яхши.
Тер тўкиб сочсанг уруғ,
Ер сени қўймас қуруқ.
(Эрта эккан хирмон қилур,
Кеч эккан армон қилур).
Ҳалол меҳнат — яхши одат,
Берур сенга саодат.
Боғли колхоз — ёғли колхоз.

• Қадриятларимиз

ОТАДАН ЁДГОРЛИК

Хатирчи районидаги «Москва» колхози музейида Йўлдош Охунбобоев ясаган омоч бор

Ҳайдар бобо бу омочни ҳеч кимга бермас, ўзидан бошқага ишонмасди. Қаерга десалар, ўзи билан олиб бориб, «раҳмат»ини эшитиб кетарди. У дам олсам қариб қоламан, қотган суяклар мўрт бўлади, дерди. Эринмасди, тиниб-тинчимасди.

Ҳайдар бободан ер ҳайдаётганда, сўрардилар:
— Ўша омочми?
— Ҳа-ҳа... Отадан ёдгорлик...

1933 йил 5 июль куни эди. Пахтага ишловда «темирни қизиғида босадиган» дамлар эди.

Шу куни: «Йўлдош ота Охунбобоев Хатирчига келганлар, бизнинг колхозга ҳам келадилар.» — деган дув-дув гап тарқалди.

Туш пайтлари эди. Келишди. Юқоридан, мен билмаган раҳбарлар ҳам қўшилишган денг. Шунда мен отани ўз кўзим билан кўрувдим: худди биздай колхозчи дейсиз, Асли деҳқон, ер фарзанди-да. Камтарин, ширин сўз... Уст бошлари ҳам содда, лекин сипо.

Йўлдош ота қўлларини қовуштириб, бир чеккада тик турмади. Шу десангиз, енг шимариб, бизлар билан бирга ишлашга тушди. Аскияга анча уста эканлар, манаман деганлар гап тополмасди. Қаҳ-қаҳа, ҳазил-мутойиба бир зумда ҳаммани бир-бирига бириктирди-қўйди.

Менинг қўлимдан омочни олдилар. Озгина силжидими-йўқми, бирдан тўхтаб, омочни тупроқдан суғуриб ташладилар.

— Нега тик? — мендан сўрадилар.

Елка қисдим.

Ҳамма «нима бўлди» дегандек жим.

— Меҳнатнинг ярми зоя кетаяпти-ку. Жўякларни тикка чуқурлаб, ғўза илдизига нам кам етиб боради. Ота бошларини сарак-сарак қилиб, бир зум ўйчан турдилар-да, раисмиз Бозорга дедилар:

— Омоч бўладиган ёғоч, болта, тешалар борми?

Кўп ўтмай отанинг айтганларини ҳозирладилар.

У кишининг турган-битгани меҳнатли одам экан. Болта-тешани қўлга олиб, омоч тарашладилар. Омочнинг тиш томонига келганда, илгаридек тик эмас, учининг икки бўкинини ясси қилиб ясадилар.

...Ҳайдар бобо ҳар гал шу воқеани ҳаяжонсиз сўзлаб беролмасди. Юрагидаги севинчини сира-сира яшира олмасди.

Орадан йиллар ўтди. 1968 йили омоч колхоз музейига топширилди. Қўйиб берсангиз асли Ҳайдар бобо Ҳамроев уни топширмоқчи эмасди-ю, аммо колхоз музейи директори Ҳомид Мавлонов сабабчи бўлди.

— Отадан ёдгорлик! — деди у ўшанда. — Табаррук. Қолаверса сиздан...

Р. ҚОДИРОВ,
Ўзбекистон ССР Журналистлар уюшмаси лауреати.

БАРҲАЁТ

Зайнаб ОМОНОВА
(1915—1981)

Ғиждувонлик бу мўътабар онахонинг исми-шарифи жумҳуриятимизнинг ҳар бир фуқароси қалбига куй бўлиб, қўшиқ бўлиб оқиб киради. Суронли ўттизинчи йилларни эслаймиз. Аммо ҳаммамиз ҳам унинг оддий колхозчи бўлганини, сўнгра звено бошлиғи, бора-бора бригада саркори вазифаларида ишлаганлигини, пахтачиликда рекорд кўрсаткичларга эришганлиги, ўзбек хотин-қизларидан биринчи бўлиб Ленин ордени билан мукофотланганлигини биламиз.

Мамажон ДАДАЖОНОВ
(1931—1973)

Ғарчанд Қувада туғилган бўлсада, унинг номи тилга олиниши билан ҳамма Мирзачўлни, аниқроғи, Дўстлик районидаги Ленин номли совхозни кўз олдига келтиради. Нега шундай! Чунки у чўл довулларига кўкрак тутиб, ғолиб келган инсон.

Бахтсиз ҳодиса рўй бермаганда табаррук отахон, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Дадажонов ҳозир бир кам олтмишга кирган, даврамизни тўлдириб, бизга ҳаёт сабоқларидан ҳикоя қилиб ўтирган бўлармиди!

Жумабой ДАУЛЕТБОЕВ
(1920—1974)

Умр йўли нақадар узун ва нақадар қисқа... Узунлиги шундаки, Жумабой ога ярим асрдан сал кўпроқ вақт мобайнида Чимбой районида (ҚҚАССР)даги қатор хўжаликларда фидокорона ишлади ва авлодлар хотирасида ўчмас из қолдирди. Шоличиликнинг машаққатли йўлларидан бориб, умумдастурхонимизни бойитишга муҳим ҳисса қўшди. Қисқалиги эса орзулари ва яхши ниятларнинг аро йўлда қолиб кетганлигида...

Абдусамат ТИЛЛАБОЕВ
(1912—1986)

Абдусамат Тиллабоев — Избоскан районидаги «Партия XX съезди» колхозининг раиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, республикада хизмат кўрсатган пахтакор... эди. Унинг инсонийлигини белгиловчи сифатлар фақат шуларминки! Бизнингча, табаррук оқсоқолнинг фазилатларини бирма-бир санашдан кўра, избосканликларнинг ягона баҳосини айтиб қўйган маъқулроқ: «А. Тиллабоев — колхоз ишлаб чиқаришининг генерали, дала академиги эди».

Меликўзи УМРЗОҚОВ
(1927—1964)

Меликўзи Умрзоқов Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони билан тақдирланганида 32-баҳорни қаршилаётган эди. Бу ёшда ўз меҳнати билан эл-юртга танилиш ҳаммаларнинг ҳам қўлидан келавермайди. 1944 йилда Попдаги МТС қошидаги бир йиллик тракторчилик курсини тамомлаган М. Умрзоқов умр бўйи механизатор бўлди, механизациялашган комплекс бригадага бошчилик қилди, техника — деҳқоннинг қаноти эканлигини амалий ишлари билан исботлади.

Ёрмоқ билан ризқ йўлин очдик

• СИРДАРЁ

Аввало Сирдарё областининг янгитдан ташкил этилиши муносабати билан вилоят меҳнаткашларининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматига миннатдорчилигини изҳор этмоқчиман.

Бу йил пахта майдонларимиз 9 минг гектар қисқарди. Пахтадан бўшаган ерларнинг 6 минг гектари аҳолига томорқа сифатида бўлиб берилди. Областимизда қишлоқ аҳлига ўртача 20 сотихдан томорқа ерлари ажратилаётганлиги кўпчиликни мамнун қилаётир. Пахтадан бўшаган бошқа ерлар беда, сабзавот, полиз, узум, сингари қишлоқ хўжалик экинларига ажратилди.

Область партия комитети қишлоқ турмуш даражасини юксалтиришга жиддий эътибор берди. Бу йил қишлоқ жойларида 79 минг сўмлик қурилиш ишлари бажарилади. 79400 квадрат метр уй-жой, 3500 ўринли янги мактаб, 1700 ўринли боғча ва 2 та маданият саройи, 20 километр йўл қурилади. 25 километр водопровод ва 28 километр газ қувурлари ўтказилади.

Сабзавот ва боғдорчилик маҳсулотларининг кўпайиши вилоятимизда қайта ишлаш корхоналари қувватини оширишни тақозо этади. Шу боисдан йилига 10 миллион шартли банка консерва ишлаб чиқарадиган Гулистон консерва заводини ишга туширишни мўлжаллаяпмиз. Шунингдек, 4700 тонна маҳсулот сақланадиган сабзавот омбори, 3 гектар ерда иссиқхона қуриш режаларимиз ҳам бор.

Ю. ЙЎЛДОШЕВ,
область партия комитети секретари.

• СУРХОНДАРЁ

Биз жумҳурият вилоятлари ичида биринчи бўлиб хўжалик ҳисобига ўтган эдик. Бунга ҳам мана икки йил бўлди. Шу қисқа даврда янги усул бир олам самара берди. Мен рақамларни санаб ўтирмайман. Пахта, гўшт, сут, тухум, сабзавот, полиз маҳсулотлари сотиш планлари анча ошириб бажарилди.

Бу йил пахта майдонларининг бир қисмини боғ-роғларга, томорқаларга ажратиб бердик. Сабзавот ва полиз экинларини ҳам серунум ва сувга яқин ерларга экаётирмиз. Бу — ҳаёт талаби.

Олдимизда катта вазифалар турибди. Бу йил тола ишлаб чиқаришни бирмунча кўпайтириш, унинг бир қисмини хорижий мамлакатларга валютага сотиш мўлжалимиз бор. Бир миллион тонна сабзавот учун бошлаган курашни давом этказамиз.

Кейинги йилларда сабзавот-полиз маҳсулотлари етиштириш кўпайганлигига қарамай, биз ҳали воҳанинг қулай иқлим шароитидан етарли фойдаланганимиз йўқ. Айрим хўжаликларда полиз маҳсулотлари, картошка, узум ва мевадан шу қадар паст ҳосил олинмоқдаки, ҳатто тилга олишга арзимайди.

Булардан жиддийроқ нуқсонларимиз ҳам бор. Нуқсон бу — иллат. Иллат қанчалик тез даволанса, ютуқлар шунчалик кўпаяди. Биз бунинг учун барча чора-тадбирларни кўрамиз.

Х. ШАРОФИТДИНОВ,
область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари.

• ТОШКЕНТ

Ўтган йили пахта ҳосилининг 79,5 фоизи техника ҳиссасига тўғри келди. «Зангори кема»ларнинг ҳар бири билан 112 тоннадан хом ашё йиғиштириб олинди. Лекин вилоят пахтачилигини механизациялашда ҳал қилинмаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Жумладан, пахтани тўкмасдан, тоза терадиган машина яратиб беришда олимларимиз ҳалигача биздан қарздорлар. Айниқса, ерга тўкилган пахтани терадиган машинага эҳтиёж тобора ортиб бораётир. 70-йилларда деҳқон оғирини енгил қилган «ПХП-1,8» маркали тўкилган пахтани терадиган машина ҳозир ишлаб чиқарилмаяпти. Янгиси тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Хўжаликлар эса бундай хом ашёни 4-сортга сотишдан наф кўрмаганлари учун уни ҳайдаб юборишади. Агар, шу сортнинг нархи оширилганда ёки уни сотишда колхоз-совхозларга мустақиллик берилганда шунча ҳосил нобудгарчилиги олди олинган бўларди.

Эртаги сабзавот маҳсулотлари етиштиришни плёнкасиз тасаввур этиб бўлмайди. Уни қўлга киритиш эса жуда қийин. Масалан, жорий йил учун кўзда тутилган 4100 тонна ўрнига ҳозиргача 2 минг тонна плёнка олдик, холос. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, вилоятимиз учун ажратилаётган моддий-техника ресурслари йилдан-йилга 6—7 фоизга камайиб бормоқда. Бунинг сабабларини ким тушунтириб беради?

Р. НУРМАТОВ,
область агросаноат уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари.

• ФАРҒОНА

Ўтган йили пахтакорларимиз ҳар гектар ердан 29,5 центнердан ҳосил олишиб, давлатга 533 минг 853 тонна юқори сифатли хом ашё етказиб бердилар.

Областдан ташқарига олиб кетилаётган пахта хом ашёсини ўзимизда қайта ишлаш учун қолдириш режаларини тузганмиз. Ҳозирги пайтда қўшимча 5 та пахта тозалаш заводи қурилиши мўлжалланган. Мавжуд енгил саноат корхоналарида янги қувватлар ишга туширилиши, янги фабрикалар барпо этилиши лозим. Бу ишга биз чет эл фирмаларини ҳам таклиф этганмиз. Давлат буюртмасидан ортиқча етиштирилган пахта хом ашёсини агросаноат уюшмаси орқали чет элларга сотиш йўлларини излаяпмиз.

Кейинги йилларда областда сабзавот ва полиз экинлари майдонлари кескин кўпайди. Аммо етиштирилган маҳсулотни қайта ишлаш билан боғлиқ бир қатор муаммоларимиз бор. 1989 йили сабзавот ва мевани қайта ишлайдиган 6 та кичик цех ишга туширилган эди. Бу йил Фарғона районидаги А. Навоий ва Ф. Турсунқулов номли колхозларда ана шундай яна икки цех фойдаланишга топширилади. Лекин масаланинг бошқа томони бор. Бу цехларнинг қиммати юқори. Уларни қуриш миллион сўмга тушади. Шу сабаб, саноатчилар хўжаликлар ҳамёни кўтарадиган кичик, лекин самараси катта цехлар яратиб беришлари лозим.

Б. ХОЛМИРЗАЕВ,
область агросаноат уюшмаси раисининг ўринбосари.

• ХОРАЗМ

Воҳамизда деҳқончиликнинг энг илғор ва самарали усуллари ҳаётга жадаллик билан жорий этилмоқда. 1989 йилда 97 фоиздан ортиқ коллектив бригада, оила пудрати, ижара усулида ишлади. Бунинг самарадорлиги ҳам катта бўлди.

Ўтган йили хоразмлик сабзавоткорлар, полизкорлар, боғбон-узумчорвадорлар ҳам баракали меҳнат қилишди. Улар мазкур йилни ҳам муваффақиятли бошлашди. Бироқ бу ҳали кўнгилни тўлдирмайди. Планлар бажарилаётгани билан аҳолининг эҳтиёжи тўла қондирилаётгани йўқ. Бизнинг биринчи навбатдаги вазифамиз озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришни медицина нормасига етказиш.

Халқимизда кенгашли тўй тарқамас, деган яхши нақл бор. Жумҳуриятимизнинг уста деҳқон ва чорвадорлари ушбу қурултойга амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш, истиқбол режаларини тузиб олиш учун тўпланишяпти. Табиийки, ҳаммамизнинг тилимиз учида, дилимизни куйдириб турган масалалар ҳақида фикрлашилади. Бу—Оролни қутқариб қолиш, қаҳта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид нархини ошириш, бу борада деҳқоннинг ўзига мустақиллик бериш, табиатни авайлаб-асраш каби долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган масалалар бўлиши тайин. Хоразмлик деҳқонларнинг ўй-дарди ҳам ана шунда, уларнинг ижобий ҳал этилишида.

Қ. ҲАЛИМБЕТОВ,
область ижроия комитети раиси.

• ҚАШҚАДАРЁ

Ўтган йили вилоятимизда пахта етиштиришда бой тажриба тўплаган Ғузор районидаги Карл Маркс номли, Косон районидаги Ленин номли, Шаҳрисабз районидаги Энгельс номли, Қамаши районидаги «Партия XXII съезди», Китоб районидаги Куйбишев номли колхозлар, Ульянов районидаги «Москва», Қарши районидаги Акмал Икромов номли, Муборак районидаги Аметхон Султонов номли, Нишон районидаги Беруний номли совхозларда гектарига 30—35 центнердан хирмон кўтарилди.

Аммо ишимизда бир мунча камчиликлар ҳам бор. Кўпгина турдаги қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги ва чорва молларининг маҳсулдорлиги пастлигича қолмоқда. Маҳсулот таннархи эса юқори. Бунинг кўпдан-кўп сабаблари бор. Озуқа етишмаслиги ҳам ишнинг белига тепмоқда. Мисол учун, чорва молларнинг 1 центнерлик тирик вазни 500 сўмдан ошиб тушмоқда. Биз бу йил ана шу нуқсонларни бартараф этмоқчимиз.

Вилоятимиз хўжаликларида томорқа участкалари ва якка тартибда уй-жой қуриш учун аҳолига ер ажратиш тўғри йўлдан бормоқда. Бу ишлар айниқса, Қарши, Косон ва Нишон районларида пухта амалга оширилябти.

Т. КАРИМОВ,
область агросаноат уюшмаси раиси.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

● 1985 йилда аҳоли жон бошига гўшт истеъмол қилиш 31 килограммни ташкил этган. Шундан кейинги йилларда яна камайиб, 29—30 килограммга тушиб қолди. 1990 йилда гўшт истеъмол қилиш даражаси 33,0 килограммга етказилади. Жон бошига сут истеъмол қилиш ҳам бу йил 27 килограммга кўпайиши, яъни 205 килограммга етказилиши кўзда тутилмоқда.

● Шу кунгача колхоз ва совхозларда 160 минг гектардан кўпроқ ер томорқа сифатида қишлоқ аҳлига тақсимлаб берилди.

● Октябрь инқилобининг илкида доҳий орзу қилган тракторлар бугунги кунда жумҳуриятимизнинг ўзида 199 минг 295 тани ташкил қилади. Шулардан 37 минг 360 таси ҳайдов тракторларидир.

● 1990 йилда якка тартибда уй-жойлар қуриш ҳажми ўсишини ҳисобга олиб, республика иттифоқ органлари олдига қўшимча равишда 650 миллион сўм пул ажратиш тўғрисидаги масала қўйилди. Ана шу маблағдан биринчи кварталда 110 миллион сўм кредит берилади.

● 9 миллион киши ёки жумҳурият аҳолисининг 45 фоизи жон бошига ҳисоблаганда ойига 75 сўмдан камроқ даромадга эга.

● Ҳозирги пайтда 800 дан кўпроқ колхоз, 50 та совхоз ва 85 та саноат корхонаси ўз маблағлари ҳисобидан оналарга, ветеран пенсионерларга қўшимча ҳақ белгиладилар.

ОЛТИН УНҒАЙ

Публицистика

Ҳамид ҒУЛОМ, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси.

Андижон вилоятининг Булоқбоши қишлоғида бундан эллик йил аввал кўрганим бир туп олма ҳамон кўз олдимдан кетмайди. Барқ уриб ўсган барваста дарахт шохларида оқ, қизил, сариғ, кўк ва яна аллақанча рангларда турли нав олмалар пишиб ётарди. Бу мўъжизани кўриш учун узоқ-яқиндан фақат боғбонлар эмас, бошқа касбдаги ҳавасмандлар ҳам тез-тез келиб туришарди.

Булоқбошида икки колхоз бўлиб, бирига машҳур пахтакор Жўра Полвон, иккинчисига эса, мўъжиза олма дарахтининг ижодкори Тоштемир ака раислик қилардилар. Бу икки хўжалик асосан пахтачиликка мосланган бўлса ҳам, кўптармоқли ҳисобланар, айниқса боғдорчилик, сабзавотчилик, полизчиликка кўп эътибор бериларди. Чорвачилик ҳақида гапирмаса ҳам бўлади, сабабки, ер эгаси бўлатуриб, бошқаёқдан емиш сотиб олиш деҳқон учун ҳам, боғбон учун ҳам уят ҳисобланарди.

Тоштемир аканинг бир туп олмасини мисол учун келтирдим, холос. Унинг ўнлаб нав узум, олма, нок, шафтоли, анжир, анор ва ҳоказо ширин-шакар серҳосил мевалар етиштириладиган боғлари, ям-яшил яйловлари Хўжаобод гузарига бориб туташганидай, Жўра полвон хўжалигининг анвойи боғлари қўшни Қирғизистон Ўш районига, Сулаймонтоғ этакларига бориб туташарди.

Мамлакатда халқ хоҳиш-иродасига зид равишда сталинча тўрабозлик ва буйруқбозлик, якка ҳокимлик усулидораси ўрнатилгач, халқ билан кенгашиб ишлашга барҳам берилди. Бўйсунмаганлар, сўз қайтарганларнинг тақдири нима бўлганлиги эндиликда ҳаммага аён.

Мен деҳқон ўз ерига эгалик туйғусидан, яъни деҳқонлик ғуруридан жудо қилинган йилларда содир бўлган сон-саноқсиз фожиаларга гувоҳ бўлганман. Шулардан бирини ҳикоя қилиб бераман.

Абдуқодир ака исмли кекса деҳқон оғайним бўларди. У асли Тошкентнинг Кўкча даҳасида яшарди-ю, лекин ери бўлмагани учун атроф қишлоқлардаги колхозлардан ижарага ер олиб, сабзи, пиёз, картошка, қовун-тарвуз экиб, тирикчилигини ўтказиб юрарди.

Абдуқодир ака — ёши олтмишдан ошган уруш қатнашчиси, чап оёғи калтароқ, ногирон, бироқ қўли қаттиқ, танаси пишиқ, халқ ибораси билан айтганда, чин мардикор. У уч азамат ўғли билан эрта кўкламдан кеч кузгача қишлоққа кўчиб кетади, ижарага олган тўрт-беш ботмон ерининг дўнг бир жойига чайла тикиб тонг саҳардан тун қоронғисига қадар меҳнат қилади. Унинг иш қуроли асосан кетмон. Тўрт азамат тинимсиз кетмон уриб тургандан кейин ҳар қандай тақир ернинг таслим бўлмай иложи йўқ: юмшайди, кўпчийди; қир-адирлардаги қўй қўтонларидан «қўқон арава»да ташиб келтирилган қийнинг кучи билан полиз дейсизми, сабзавот дейсизми, авж олади. Абдуқодир ака бозорга қатнамайди, унинг «ўғит солинмаган» яъни химия заҳри тегмаган сабзавоти-ю, қовун-тарвузларини харидорларнинг ўзлари машиналарда етиб келиб, ортиб кетишлари одат бўлиб қолган.

Хўш, Абдуқодир ака ижарага ер олиб ишлар экан, ижара ўзи нима деган гап, тўғрироғи яқинда СССР Олий Совети сессиясида Ер ҳақидаги Қонун асослари қабул қилинганга қадар, яъни халққа ернинг эгаси бўлиш ҳуқуқи берилгунга қадар амал қилиб келган ижара усули нима эди ўзи?

Қадрдоним Абдуқодир ака бундан беш йил аввал, яъни умрининг сўнгги йилида Оққўрғон районидаги колхозлардан бирида тўрт гектардан сал кўпроқ ерни ижарага олди. Ҳар қачонгидай, ўтган йили ҳам колхоз бошқармаси (тўғрироғи, раис) билан расмий шартнома тузилиб, имзоланди. Шартномада ҳосилнинг қанчаси колхозга топширилади, қанчаси ижарачилар ихтиёрида қолади ва ҳоказо шартлар аниқ кўрсатилди.

Абдуқодир ака аввал эртанги карам билан чинни тарвуз, кейин эса ҳосилдан бўшаган ерга кечки картошка экишга қарор берди. Шундай қилди ҳам. Аввал карам етилди. Деҳқон шартнома бўйича вазифасини бажарди, колхозга топширганидан ортган карамни шаҳардаги ошхоналарга кўтарасига пуллади.

Бироқ кутилмаганда заҳматкаш деҳқонларнинг бахтига бир иблис чанг солди. Бу иблисни ҳасад, рашк, очкўзлик, зўравонлик деган ифлос номлар билан айтиш ҳам мумкин.

Абдуқодир аканинг эрта пишган мўл чинни тарвуз ҳосилини кўрган раис (мен унинг отини аташдан ҳам ҳазар қиламан!) югурдакларидан бирини Абдуқодир ака чайласига юбориб, уни идорасига чақиртириб, олиб кетади-да, ўша вақт раҳбарларига хос виқор билан:

— Шартномадагида кўрсатилганидан ташқари тағин ўн тонна тарвуз топширасиз, — дейди.

— Не...не...га?.

Раиснинг буйруғидан ҳангманг бўлиб, тили калимага айланмай қолган Абдуқодир акага хўжайин ўшқирди:

— Гап тамом, вассалом! Тарвузни узиб қўйинг, эртага эрталаб машиналар боради.

— Хўжайин, раҳм қилинг. Жўжабирдай жонман... Абдуқодир ака деворга суянганча, вужудини мадор тарк этиб, тиззалари қалтиради.

— Сизга жавоб!!

Абдуқодир ака раиснинг серҳашам қабулхонасидан ночор бир аҳволда чиқиб кетди.

Абдуқодир ака чайла ичидаги кўрпачага ёнбошлаганча қош қорайгунча ўйини ўйлаб ётди. Кейин у чайладан чиқиб, қўшни бригада ерига ўтди ва у ерда, пахтазор этагида кимдир қолдириб кетган тракторни кўрди-да, унинг устига чиқиб, ўриндиққа ўтиргач, моторни юргизиб кўрди: бажо ишлаб турибди...

Ғира-шира тонгда далага чиққан колхозчилар Абдуқодир ака полизи трактор занжирлари остида буткул пайҳон қилинганини, жўяклар тарвузларнинг қип-қизил «қони»га бўялганини кўрдилар.

Шийпон ёнидаги ёлғиз тол шохига солинган сиртмоқда Абдуқодир ака осилиб турарди...

Мана сизга ердан маҳрум этилган деҳқоннинг, бағритош раҳбарлар яккаҳокимлиги қурбонининг аҳволи!..

Мен ўзим шоҳиди бўлганим воқеани ошириб-тошириб, ёлғон-яшиқ қўшиб, ҳикоя қилганим йўқ.

Абдуқодир ака ёлғиз бўлмаган. Абдуқодир акалар ўн минглаб, юз минглаб бўлган.

Мен одамлар орасида юриб, баъзан шундай гапларни эшитиб қоламан:

— Катталарнинг мажлис қилишдан бошқа иши бўлмаса керак.

— Сессия ойлаб давом этяпти, охири борми ўзи?

Бу пичинг-маломатларда жон бор, албатта. Бироқ мажлислар, сессиялар, съездлар нима учун ўтказиляпти? Баҳсмунозараларнинг мағзини чақиб кўрдингизми? Ахир, ҳафталаб, ойлаб муҳокамалар ўтказилмаса, донолар бош қотирмасалар, Ер, Мулк ҳақидаги Қонунлар қабул қилинармиди? Бинобарин, ердан умрбод фойдаланиш ҳуқуқини, ерни ўзларидан кейин бола-чақаларига мерос қилиб қолдириб кетиш ҳуқуқини тарихимизнинг буюк қайта қуриш даврида Қонун нақд қилиб берган Совет давлати, Бизнинг Олий Советимиз эмасми!

Ўзбек деҳқони зиммасида жуда муҳим, оғир ва мураккаб вазифа бор: у оғир беморни даволаши керак. Бул бемор — азиз еримиз, она заминимиз. Унинг куч-қуввати, дармони сўриб олинган. Кимёвий ўғитлар, заҳарлар тупроқни заҳил бир қоришмага айлантирган. Ҳаммаёқни ажриқ босиб ётибди. Дов-дарахтларни зарпечаклар ўраб ташлаган. Ёмғир ёғиб ўтгач, дарахт тагига нигоҳ ташланг: ерни зардоб қоплайди, халқоблар сил тусига киради. Бу ёзаётганларим муболаға эмас. Ҳар кун газета саҳифаларида, радио мавжларида, «зангори экран»да деҳқонларни, олимларни, ёзувчиларни ветеран оқсоқолларни кўрасиз. Улар экология мувозанати вайрон бўлганлиги, ерзамин заҳарланганги, сув шўр-заққумга айлангани ҳақида фарёд қиладилар, офатнинг олдини олишга жон-жаҳдлари билан даъват этадилар.

Биз умумхалқ таъна-танқидига тўла қўшилган ҳолда, аҳволимиз ниҳоятда танг бўлишига қарамай, нажот йўлларини ахтармоғимиз, кечикиб бўлса ҳам, ниҳоят қабул қилинган Ер ва Мулк ҳақидаги Қонунларни фидоий бир жонбозлик билан тўла амалга ошириш тадбирларини кашф этмоғимиз шарт.

Ўзбек халқи — ризқини ердан топган халқ. Ўзбек халқи қадим-қадимлардан Ўрта Осиёнинг икки буюк дарёси ўртасидаги кенг воҳада ўтроқ ҳаётини барқарор этган, қўҳна маданият яратган ноёб истеъдод соҳиби. У давр жароҳатларини даволашга, замин яраларини тузатишга, ота-боболаридан мерос қолган касб-корини тиклабгина қолмай, равнақ топтиришга, тупроқдан олтин ундиришга қодир.

Яқин орадан бутун диёримиз, эзгу-заминимиз Тоштемир аканинг Булоқбошидаги саховатли боғига монанд яшнашига ишончимиз комил.

Келинг, азиз юртдошлар, ардоқли Наврўз арафасида эзгу орзуларимизни баралла айтайлик:

Янги замон ҳаммамизга тинчлик-тотувлик, равнақ ва ривож, бахт ва омад келтирсин.

Муборак замонамизда баракани олтин ҳосили унсин!

ИБРАТ МАКТАБИ

«Бугунги кунда Тожихон номи бутун Ўзбекистон бўйлаб таралмоқда. Тожихон «Акмалобод» колхозининг ёш, ғайрат-шижоатга тўлган актив комсомолларидан. Пахта йиғим-теримида қатнашиб, у ажойиб янгилик яратди, яъни илгари Ўзбекистонда расм бўлгани каби чаноқни бир қўлда ушлаб, бошқа бир қўл билан териб эмас, балки бир вақтнинг ўзида ҳар иккала қўл билан тера бошлади. Ана шундай қилиб Тожихон биринчи бўлиб Ўзбекистонда қўш қўллаб пахта теришни ихтиро этди, бундай усулда кўпроқ терио, камроқ ҳориди, киши.»

«Руде право», 27 октябрь, 1935 йил.

Хўш, машҳур чехословак журналисти Юлиус Фучик қаламга олган Тожихоннинг бундан кейинги ҳаёти қандай кечди?..

Ая ўз ҳаётида ўчмас из қолдирган бундан бир неча ўн йиллар олдинги ўша тарихий воқеани эслаб шундай дейди: Бутуниттифоқ оқсоқоли Михаил Иванович Калининнинг ўзлари кўксимга Ленин ордени тақиб «Балли Тожихон, қизим, сиздан янги ғалабалар кутамиз», деб ишонч билан айтганларида ҳаяжонимни боса олмай: «Мен бу ишончни янги меҳнат зафарлари билан оқлайман, албатта», — дегандим...

Аянинг хонадонидамиз. Хўжа Зайниддин маҳалласидаги мўъжазгина ҳовли. Одатдагидай очиқ дарвозадан ичкари кирсам, набираларидан бири пешвоз чиқиб мени уйга бошлади. Ая билан сўрашар эканман, саксонга яқинлашган бу табаррук онахоннинг чеҳрасида йиллар ўз муҳрини босган бўлса-да, аммо вужудида ёшлик йилларидаги ғайрат сақланиб қолганини ҳис этдим. Ая билан узоқ суҳбатлашдик.

— Меҳнат қилган элда азиз, — дейдилар, суҳбатимизга якун ясаркан ая. — Мана меҳнат қилдик, эл-юрт шунча азиз тутди, бизни. Мен билан бирга ўзбек пахтачилигида из қолдирган не-не орден нишондорлари — Зайнаб Омонова, Файзулла Юнусов, Шарофбобо Ҳамроевлар бор эди. Гарчи улар бугунги кунда орамизда бўлмасалар ҳамки ўша фидойиларнинг номини азиз тутиб, махсус мукофот таъсис этилса айни муддао бўлурди. Бу билан ҳам уларнинг номини эъзозлаган, ҳам меҳнатни улуғлаган, қолаверса ёшларимиз учун ибрат мактаби яратган бўлардик...

Дарҳақиқат, машҳур адиблар, санъаткорлар ва бошқа соҳа мутасаддилари номи билан давлат мукофотлари таъсис этилганидек, биринчи ўзбек пахтакорлари номи билан ҳам мукофот таъсис этилишининг айни пайти келди.

Ҳ. АҲМЕДОВА,
«Бухоро ҳақиқати» газетаси мухбири.

СИЙМОЛАР

Норали БОЙМУРОДОВ
(1913—1967)

60-йилларда «Меҳнат-роҳат» колхози нафақат районда, балки бутун Сурхон воҳасида илғор, биринчилардан эди. Ҳозир эса биз «биринчи» сўзини эшитиш билан мийиғимизда кулиб қўямиз. Биринчимиз, демак, у «кўзбўямачи», деймиз. Йўқ, агар кураш ҳалол бўлса, биринчи бўлиш нақадар фахрли! Норали раис эса ҳалол курашди. Унга ғирромлик бегона эди. Шунинг учун ҳам элу халқ ҳали-ҳамон унинг исми ёнига «раис» сўзини қўшиб айтадилар.

Ким ПЕН ХВА
(1905—1974)

Узбекистон — бағри кенг диёр. Узбеклар қалби ва қўли очиқ эл. Буни биз айтаётганимиз йўқ. Бу — шу юртда яшаётган ва бу ўлкага меҳмон бўлиб келган юзлаб миллат вакиллари қайта-қайта такрорлайдиган калом. Ўрта Чирчиқлик машҳур раис, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ким Пен Хва ҳам бу гапни кўп бора такрорларди. Негаки у ўз бахтини шу ерда топди, тақдирини шу эл билан боғлади ва келажагини шу халқнинг истиқболи билан уйғун кўрди.

Ризамат ота
МУСАМУҲАММЕДОВ
(1880—1976)

Газетхонларга бу отахонни таништиришга ҳожат йўқ. Боғ ва боғбон тушунчаларнинг илкида туради унинг номи. Отахоннинг Қорақалпоғистон АССРда, Қирғизистонда, Бухорода ва жумҳуриятимизнинг бошқа вилоятларида яратган боғлари тафсилотлари ҳақида кўп эшитганмиз, ўқиганмиз. Ризамат отанинг машҳур боғбонлиги сирини ҳар ким ҳар хил изоҳлайди. Бизнингча, бу «сир» унинг одамохунлигида, тадбиркорлигида, сергайратлилиги ва ишининг «кўзи»ни билганлигида... эди.

Искандар ДУСОВ
(1916—1976)

Боғотлик Искандар Дўсовнинг иккита Ленин, Меҳнат Қизил Байроқ, Октябрь революцияси орденлари, бир қатор медаллари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган унвони ва иноҳат машҳур раис деган номи бор эди. Бир инсоннинг умр мазмунини безовчи бу жиҳатлар унинг ҳамюртлари томонидан яна тўлдирилди. Ҳозир Хоразмда битта хўжалик, битта мактаб ва Урганч шаҳри ҳамда Наримонов номли колхозда биттадан кўча машҳур пахтакор раис номи билан юритилади.

Чўли БЕГИМҚУЛОВ
(1902—1963)

Қашқадарёда Чўли Бегимқулов номидаги совхоз, Чўли Бегимқулов номли мактаб бор. Яқинда вилоятда биринчи бўлиб Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига сазовор бўлган бу фидокор деҳқон номи ўзи туғилиб ўсган Даштифайзнобод қишлоғидаги марказий кўчага ҳам қўйилди.

Чўли бобони билмаган-танимаганлар бир кишига шунчалик эътиборми, дейишлари мумкин. Бу саволни у билан бирга ишлаган одамларга берилса, улар «Меҳнат қилган элда азиз» дея жавоб беришлари тайин.

УСТАЛАР КЕРАК

Жумҳуриятимизда аҳолига томорқа ерлари берилиши муносабати билан кўплаб уй-жойлар қуриляпти. Ҳукумат ва маҳаллий органлар ҳозир қурилиш материалларини кўпайтириш йўлида изланмоқдалар.

Шу ўринда битта мулоҳаза бор. Маълумки, кооператив ва бошқа йўллар билан қурилган уйлар жуда қимматга тушади. Ҳар бир қишлоқда эса қўлида ҳунари бўлган усталар бор. Агар ана шу усталарнинг бошини бирлаштириб, ишга солинса, деҳқонларга тез, арзон уйлар қуриб берилган бўларди. Назаримда билим юртларида ҳам иморат усталари тайёрлаш ишига жиддий аҳамият бериш лозимга ўхшайди.

И. ХАЛЛИЕВ,
Тўрткўл район, Энгельс номли колхоз.

УВОЛ БЎЛЯПТИ

Тўрт йилдан бери оила пудрати усулида ишлаймиз. Ҳар йили мўл помидор ҳосили етиштирамиз-у, бирон маҳсулотни истеъмолчиларга вақтида етказолмай сарсон бўламиз. Бунинг сабаблари бор. Биринчидан хўжалик раҳбарлари пудратчи оилаларга жиддий ёрдам бермайдилар. Транспорт воситалари, яшчиклар қидириб сарсон бўламиз. Қолаверса, пудратчилар ўз даласида агрономни кўриш, унинг маслаҳатларини эшитишга зорлар. Хуллас, пешана тери билан етиштирган маҳсулотимиз нобуд бўлмасаю меҳнатимиз қадрланса деймиз.

Ф. МАДРАИМОВА,
Урганч район, Охунбобоев номли колхоз.

А. НИШОНОВ,
Поп район, Навбаҳор посёлкаси.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИДА

Илгари хабар қилинганидек, КПСС Марказий Комитетининг 11 март куни бўлиб ўтган Пленумида музокараларни КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари **Ю. А. Прокофьев** бошлаб берган эди. У Конституциянинг олтинчи ва еттинчи моддаларини ўзгартириш тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳаси юзасидан бир қанча танқидий мулоҳазалар айтди. Таклиф этилган қоида шу вақтгача Конституцияда бўлган моддаларнинг аслида юзаки таҳриридир. Энг аввало, Конституцияга одамларнинг турли партияларга ва жамоат ҳаракатларига бирлашиш ҳуқуқини эълон қилган моддани киритиш зарур, деб ҳисоблайман. Шу тариқа еттинчи модда Конституциянинг олтинчи моддасидан олдин бўлиши керак, деди у.

Айни шу ерда партияларни рўйхатга олиш, шунингдек, уларнинг фаолиятини тўхатиш механизми аниқ белгилаб берилиши лозим. Бунда жамиятда сиёсий фикрлар хилма-хиллигининг йўл қўйиладиган даражасини аниқлаб олиш, иҳтимоий, миллий ва диний адоватни авж олдирадиган миллатчилик, шовинистик, фашизмга хос тузилмалар ташкил этилиши йўлига ғов қўйиш зарур, албатта.

Нотиқ қабул қилинадиган қонунда олтинчи модданинг таклиф этилган таҳрирдаги сингари КПССни ажратиб кўрсатмаслик зарур, деган қатъий фикрни айтди. Нотиқнинг фикрича, унда умуман партиялар ва жамоат ташкилотлари фаолиятининг соҳаларини янада пухта баён этиб бериш зарур. Бундай фаолият лойиҳада ёзиб қўйилганидек, парламент фаолияти билангина чекланиши мумкин эмас.

Бизнинг нуқтаи назаримиз шундан иборатки, СССР Конституциясида ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳар қандай партиянинг ишлаб чиқаришда, шунингдек истиқомат жойларида иш олиб бораётган партия ташкилотлари орқали, оммавий ахборот воситалари орқали, халқ ҳокимияти органларига сайланган ва давлат муассасаларида ишлаётган партия аъзолари орқали ўз сиёсатини ўтказиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб берилиши керак. Бу ғоят муҳим масаладир, деди нотиқ. Мана шу қоидаларни Қонун лойиҳасига киритиш даркор. Ҳозирги таҳрирдаги қонун меҳнат коллективларида партиянинг фаол иш олиб боришига тўсқинлик қилиши мумкин ва корхоналарда, муассасаларда партия ташкилотлари тугатилиши учун реал асос бўлади. Бу эса партиянинг ташкилий жиҳатдан барбод бўлишига олиб келиши мумкин ва Польша Бирлашган ишчи партиясининг нохуш тажрибаси бизнинг кўз ўнгимиздадир.

СССР Конституцияси моддаларининг ўзгартирилиши сиёсий партиялар тўғрисида қонун қабул қилишни биринчи галдаги вазифалар қаторига қўяди, деб давом этди нотиқ. Бундай ҳолатда Марказий Комитет қонун лойиҳаларини таклиф этиш ҳуқуқидан фойдаланиши, сиёсий партиялар ва ташкилотлар ҳақидаги қонун лойиҳасини тайёрлаши керак, деб ўйлайман. Унда партияни рўйхатга олиш учун зарур бўлган, уни ташкил этиш тарафдорлари миқдорининг юридик нормалари, уларнинг сиёсий фаолияти учун партияларнинг масъулияти, сиёсий партиялар фаолиятини тўхатиш тартиби, сайлов кампанияларида, ваколатли органлар ишида қатнашиш ва бошқа масалалар батафсил баён этилиши лозим. Биз шундай қонун бўлмаса, чинакам демократиялашни, сиёсий турмуш эркинлигини амалга ошира олмаймиз, деди пировардида у.

Қирғизистон ССР Министрлар Советининг Раиси **А. Жўмағулов** иқтисодиётдаги танг вазият тўғрисида гапириб, ислоҳот, иқтисодий омиллар таъсир қилмаётганлигини айтди. Аммо бунда фақат ҳукумат ва унинг раҳбариятини айблаш ўринлими? Амалда ҳукумат раҳбарларини кабинетларга боғлаб қўйиб, уларнинг бир кун ҳам ижодий ишлашига имкон берилмаяпти-ку.

Нотиқ таъкидладики, Марказий Комитет, Сиёсий бюро биз ҳаммамиз ақл-заковат билан иш кўриб, вақтинчалик манфаатларни кўзламаслигимиз ва сиёсатимиз йўналишини танлашда шошма-шошарликка йўл қўймаслигимиз, эзгу орзуларимизга хиёнат қилмаслигимиз зарур, деб ўйлайман.

Партияни танг вазиятдан олиб чиқиш учун таъсирчан чоралар кўрмаслик йўл қўйиб бўлмайдиган хато бўлур эди, деб давом этди нотиқ. Бузғунчи сиёсий кучлар партиямиз бирлигига путур етказаётганлигигина эмас, бошқа нарса — партия ташкилотлари сафида КПСС Устави, партиянинг программавий йўл-йўриқлари амал қилмаётганлиги, КПССнинг миллий масалага доир ҳаракат дастури, шунингдек, Марказий Комитет Пленумларининг кўпдан-кўп қарорлари бажарилмаётганлиги, назоратнинг йўқлиги ҳам ташвишли ҳолдир. Коммунистларнинг бир қисми орасида ҳозирнинг ўзидаёқ партияни сиёсий майдондан четлаштиришга, асосий таълимотимиз — марксизм-ленинизмни унутишга ошкора даъватлар эшитилмоқда. Афсуски, биз бу борада КПСС Марказий Комитети секретариатининг ҳам, айни чоғда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг ҳам фаол позициясини сезмаяпмиз.

Бугунги кунда КПССни ҳокимиятни суиистеъмол қилишда ошкора айбламоқдалар, деди нотиқ. Аммо бундай дейиш нотўғридир. КПСС Марказий Комитетининг яқинда партия съездига қабул қилган ҳаракат дастурида КПСС ҳукмронликка, афзалликка, СССР Конституциясида ўзининг алоҳида мавқеини мустаҳкамлашга даъво қилмаслиги рўй-рост ёзиб қўйилганлигини эсга олинг. Лекин бу КПСС сиёсий майдондан четлашиши, мамлакатдаги аҳвол учун, ўзи бошлаган қайта қуриш учун масъулиятни ўз зиммасидан соқит қилиши керак, деган маънони билдирмайди.

Мамлакатда қайта қуришнинг соғлом кучларини бирлаштириш учун масъулиятни ўз зиммасига оладиган, сиёсий авангардлик ролини бажаришга қодир бўлган шундай сиёсий куч мамлакатда йўқ ва яқин вақт ичида юзага келиши амри-маҳолдир. Буни ҳамма — коммунистлар ҳам, партиясизлар ҳам англаб турибдилар. Биз шунга чуқур аминмизки, қайта қуриш ва янгиланиш ташаббусини партиядан тортиб олишга уринишлар, жамиятнинг кескинлашган муаммоларини янгиланган КПСС иштирокисиз ҳал этишга уринишлар фақатгина янада кўпроқ беқарорликка олиб келади, қайта қуришга тўсқинлик қилади. Қирғизистон республикаси коммунистлари ва партиясизларнинг мутлақ кўпчилиги бу фикрни қўллаб-қувватламоқдалар.

Қирғизистон ССР ҳукуматининг бошлиғи съездгача партияда ҳисобот-сайлов кампаниясини ўтказишга доир таклифларни қўллаб-қувватлаб, республика коммунистларининг аксарият кўпчилиги съездга делегатларнинг тўғридан-тўғри, яширин ва муқобиллик асосида сайланишини ёқлаб чиққанликларини айтди. Ўйлаймизки, бундай ёндашилганда съездга нуқтаи назари оддий партия аъзоларига яқин ва тушунарли бўлган коммунистлар сайланади.

СССР Конституциясининг олтинчи моддаси теварагида чўзилиб кетган мунозара ўз-ўзидан мамлакатда вужудга келган сиёсий ва иҳтимоий-иқтисодий вазиятда кўпчилик чуқур жараёнларни эмас, балки юзаки жараёнларни кўраяпти, деган фикрни уйғотади, деди Қозоғистон Компартияси Жамбул область комитетининг биринчи секретари **С. М. Бойжонов**. Жамиятда партиянинг раҳбарлик ролини Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилгани унинг мақомига, обрў-эътиборига бирор-бир улуш қўшмаганлиги ҳеч кимга сир эмас. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастури лойиҳасида ҳам шу ҳақда гапирилган.

Дарҳақиқат, 6-модда 12 йилдан ортиқ вақтдан буён амал қилмоқда, Совет ҳокимияти ўрнатилганига эса 72 йил бўлди. Ана шу вақт мобайнида Коммунистик партия амалда жамиятнинг раҳбар ва йўналтирувчи кучи бўлиб келди. Ишончим комилки, кўпчилик одамлар, шу жумладан бу ерда ҳозир бўлганлар ҳам 1977 йилда пайдо бўлган Конституциянинг янги моддасига эътибор ҳам беришмаган. Чунки партия ташкилотлари, унинг раҳбарлари бундан анча аввал бошқарув жиловини ўз қўлларига олишган эди. Шундай қилиб, гап 6-моддада эмас, балки оппозициячи кучларнинг КПССни совет жамиятининг ғоявий-сиёсий раҳбарлигидан четлатишга интилишидадир.

Ўйлайманки, коммунистларнинг ҳозирги авлоди бўлган бизнинг бунга йўл қўйишга ҳаққимиз йўқ, бундай ҳато учун тарих бизни кечирмайди. Ҳозирги вазиятда соғлом кучларни муайян даражада бирлаштиришга қодир бўлган, иқтисодий аҳволни барқарорлаштиришдаги хатти-ҳаракатларни мувофиқлаштиришга, мамлакатда кескинликни бартараф этишга қодир бўлган ягона куч КПССдир. КПСС ўз фаолиятини тубдан янгилагандагина шундай қила олади.

Шунинг учун ҳам олтинчи модда тақдири ҳозир бизни ташвишлантирмаслиги керак. Биз партиянинг ўзида демократиялаш жараёнини қандай қилиб тезлаштириш, у мамлакат аҳолисининг барча иҳтимоий қатламлари туб манфаатларини фақат баён этибгина қолмай, балки ўз фаол ҳаракатлари билан ҳақиқатан уларнинг ана шу манфаатларини ифодалашини исботлашига қандай эришиш тўғрисида кўпроқ ўйлашимиз керак.

Область партия комитети мизнинг бюро аъзолари, партия фаоллари кейинги вақтда коммунистлар ва партиясизлар билан кўп марта учрашдилар. Ҳозирги мураккаб вазиятда одамларнинг кўпчилиги партиянинг бунёдкорлик кучига ишонаётганига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Нотиқ учрашувларда коммунистлар ва партиясизлар давлат бюрократия аппарати асоссиз равишда кучайиб бораётгани, хўжалик турмуши барча соҳаларда чеклаб қўйилаётгани тўғрисида гапираётганларини таъкидлади. Одамлар марказий идораларнинг бюрократизми учун, улар ўзларини ёмон қайта қураётганликлари учун кўпинча маҳаллий партия органларини айбламоқдалар. Кўпгина министрликлар ими-жимида штатларни кенгайтириб, асосий ускуналар, материаллар барча фондларини ўз қўлларида сақлаб турганликлари, маҳсулотларни корхоналар ва аҳолининг эҳтиёжларини писанд қилмай тақсимлаётганликлари уқтириб ўтилди. Турли нормативлар билан корхоналарнинг хўжалик ҳисобига ўтиши жараёнини йўққа чиқармоқдалар. Буларнинг ҳаммасини меҳнат коллективларига тушунтириб бериш қийин, деди область партия комитетининг биринчи секретари. Шунинг учун ҳам маъмурий-буйруқбозлик системасини, регионларнинг хусусиятларини эътиборга олишни, уларни комплекс ривожлантириш муаммоларини ҳал этишни истамаётган марказий идораларнинг зўравонлигини бузиб ташлашни тезлаштириш зарур. Бусиз Советларга ҳокимиятни амалда бутун тўлалиги билан ўтказишни таъминлашнинг иложи йўқ. Бу партиянинг оммага таъсир ўтказиш шарти ҳамдир, Ленининг сўзлари билан айтганда «Ҳокимият кучи билан эмас, балки обрў-эътибор кучи, ғайрат-шижоат кучи билан, кўпроқ тажриба, кўпроқ билимдонлик, кўпроқ истеъдод билан» таъсир ўтказиш шартидир.

Нотиқ партиялар тўғрисидаги қонунни қабул қилиш борасида пленумда билдирилган таклифни қўллаб-қувватлади.

СССР ички ишлар министри **В. В. Бакатин** Ю. А. Прокофьевнинг партиялар тўғрисида қонун қабул қилиш ҳақидаги таклифини қўллаб-қувватлади. Ў 51-моддага ўзгартиш киритиш тўғрисида таклиф ҳам киритди. Бу моддада «СССР гражданлари жамоат ташкилотларига бирлашиш ҳуқуқига эгадирлар», деб ёзиб қўйилган. Унга фақат «жамоат ва иҳтимоий-сиёсий ташкилотларга бирлашиш ҳуқуқига эгадирлар», деб қўшимча қилиб қўйиш керак. Шунда масала ҳал бўлади, деди министр.

Сўз КПСС Тула область комитетининг биринчи секретари **Ю. И. Литвинцевга** берилди. Биз партиянинг давлат ҳокимиятидан воз кечиб, буни аввалги пленумда ўзимизнинг программавий ҳаракат дастуримизда баён этиб берган эдик, деди у. Шунга мувофиқ бугун СССР Конституцияси олтинчи моддаси тақдири тўғрисидаги масала қўйилди. Сиёсий структурада партиянинг раҳбарлик роли Конституция билан белгилаб берилишининг бекор қилиниши тўғрисидаги таклифни тўла-тўкис қўллаб-қувватлайман. Бу билан биз таркиб топган партия-давлат системасини қайта қуриш учун реал имкониятлар яратиб берамиз.

Янги позицияларни чуқур англаб олиш учун вақт кам, албатта. Лекин мени баъзи бир нарсалар таажжубга солмоқда, деб давом этди нотиқ. Менимча, 6-модданинг ҳозир биз ўқиётган таҳрири умуман келажакка қаратилган. Балки, бу СССР Конституцияси учун тўғри ҳамдир. Қачонлардир кўплаб сиёсий партиялар бўлади. Лекин бугунги кунда Коммунистик партия — бу реалликдир, бу жамиятни жипслаштирувчи сиёсий кучдир, агар биз унинг раҳбарлик ролини инкор этсак ҳам, у ҳукмрон партиядир, десам қўшиласиз, деб ўйлайман. Бошқа партиялар ёки ҳаракатлар КПССдек мавқега эга бўла оладими — бу ҳали номаълум, биз эса бугун КПССнинг жамиятимиздаги ўрнини аниқ белгилаб беришимиз лозим. КПСС сиёсат ишлаб чиқмоқда, унинг халқ томонидан эътироф этилиши учун курашмоқда ва айнан шу биланоқ, менимча, жамиятимизда биз кўриб турган бошқа барча жамоат ташкилотлари ва оммавий ҳаракатлардан анчагина фарқ қилади.

Шунинг учун ҳам шундай бир таҳрирни топиш керакки, бугунги жамият, бизнинг мавжуд тузумимиз Конституциясида ҳар қалай Коммунистик партия, яна қайтараман, ўз сиёсатини ишлаб чиқаётган сиёсий ҳукмрон куч сифатида ажралиб турадиган бўлсин, деб ўйлайман. У ўз сиёсатини давлат, жамоат ташкилотларига ва тегишли маҳаллий Советларга сайланган коммунистлар орқали давлат сиёсати тарзида юритиши керак, албатта. Йўқса, у сиёсий ҳукмрон партия сифатидаги моҳиятини йўқотади.

Агар мазкур модда шундай таҳрирда бўлганида, ўйлайманки, барчамиз ва, аввало, бизни вакил қилган коммунистлар партия мавқеида содир бўлаётган ўзгаришларни пайқаган ва янада аниқроқ тушуниб олган бўлур эдилар, деди нотиқ.

Иккинчидан, 7-моддада мавжуд иҳтимоий тузумни зўравонлик билан ағдариб ташлашни мақсад қилиб қўйган партиялар, ташкилотлар, ҳаракатлар тузилишига ва фаолият кўрсатишига йўл қўйиб бўлмаслиги тўғрисида гапирилган. Фикримча, «зўравонлик» сўзи бу ерда ноўриндир. Зўравонлик билан ағдариб ташлаш бу аниқ ҳаракатдир. Бунда ҳамма нарса аён. Бу фавқулодда вазият бўлади. Бундай вазият тегишли чораларни талаб қилади. Агарда қандайдир партия, қандайдир ташкилот ташвиқот, ишонтириш йўли билан жамоат фикрини шакллантириш йўли билан тузумимизни ўзгартиришга интиладиган бўлса, нима учун биз бунга муросa қилишимиз керак? Ахир у барибир Конституция тузумини ўзгартиришни назарда тутади-ку, ўйлайманки, Совет конституцион тузумимизни ўзгартиришни ўз мақсади қилиб олган партиялар бўлмаслиги керак, дейилса муҳимроқ бўларди.

Минбарга СССР Адлия министри **В. Ф. Яковлев** чиқади. Нотиқнинг фикрича, олтинчи ва еттинчи моддаларни амалдаги СССР Конституциясида баён қилингани тарзда сақлаб қолиш мумкин эмас. Аммо бу моддаларнинг текстини бошқа бирор нарса билан алмаштирмасдан шунчаки чиқариб ташлаш ҳам ярамайди. Ҳозирги кундаги реалликдан келиб чиқиш керак. Конституциядан ушбу моддаларнинг чиқариб ташланиши, биринчидан, биз сиёсий системамизда жамоат ташкилотларининг, шу жумладан партиянинг ҳам ўрнини белгилаб олмаганлигимизни; иккинчидан эса, оммавий ахборот воситаларидаги танқидлар тазйиқи остида чекиниб қўяқолганлигимизни, лекин бу хусусда бирор ижобий позиция ишлаб чиқа олмаганлигимизни англатади. Бу моддаларнинг янги таҳрири таклиф этилди, бинобарин, ҳозир уларни муҳокама қилиш ва энг мақбул вариантларни ишлаб чиқиш лозим.

Биринчидан Конституцияда Совет Иттифоқи гражданлари турли иҳтимоий ва иҳтимоий-сиёсий ташкилотларга бирлашиш ҳуқуқига эга эканликлари ҳақидаги қоида мустаҳкамлаб қўйилиши керак. Иҳтимоий-сиёсий ташкилот деганда одатда партиялар ҳам, шунингдек, иҳтимоий-сиёсий йўналишга эга бўлган бошқа ташкилотлар, шу жумладан ёшлар ташкилотлари ҳам англашилади. Иккинчидан, Конституцияда барча иҳтимоий ва иҳтимоий-сиёсий ташкилотлар фаолияти конституцион бўлиши ҳамда жамиятда амал қилувчи қонунларга мувофиқ келиши хусусидаги қоида албатта бўлиши керак. Конституцияда мустаҳкамланган ана шу муҳим қоида ҳуқуқий давлат ғоясига тамомила мувофиқ келади, уни Конституциядан чиқариб юборишга ёки ундан маҳрум бўлишга сира йўл қўйиб бўлмайди.

Конституцияда тегишли иҳтимоий ташкилотларни рўйхатга олишдаги юридик, ҳуқуқий тўсиқлар албатта кўрсатилиши лозим. Фаолиятнинг зўравонлик усулларини тарғиб қилувчи ташкилотлар тақиқ остида бўлиши керак. Нимага қарши қаратилганидан қатъи назар, ҳар қандай зўравонлик мақбул эмас, Конституцияга ва қонунларга, шу жумладан жиноий қонунга зиддир. Бунда «зўравонлик» атамаси албатта бўлиши керак. Акс ҳолда биз ўз қарашларимизга унча тўғри келмайдиган қарашларни тарғиб қилувчи иҳтимоий ташкилотларнинг яшашини ҳеч ким ишлатиб юридик таърифлар билан шубҳа остига олишга интилган бўлиб чиқамиз. Ҳозирги вазиятда бу соҳада ниҳоятда пухта бўлиш керак.

Нотиқ бу моддалардан кооперативларни чиқариб ташлашни таклиф қилди, чунки улар иҳтимоий ва иҳтимоий-сиёсий ташкилотлар эмас, балки товарлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича хўжалик ташкилотларидир. Кооперативлар Конституцияда кўрсатилиши мумкин, лекин олтинчи моддада эмас, балки мулкчилик ҳақида гап борган жойда акс эттирилиши мумкин.

В. Ф. Яковлев сўзининг охирида КПССни бошқа иҳтимоий-сиёсий ташкилотларга нисбатан алоҳида, имтиёзли ҳолатга қўйиш керак эмаслигини таъкидлади. Коммунистик партиянинг роли Конституцияда ёзилган таъриф билан эмас, балки партия халқ манфаатларини қанчалик ифодалаётганлиги билан белгиланиб келди, ҳозир ҳам белгиланаётир ва бундан кейин ҳам шу тарзда белгиланади. Агар у ишчилар синфи, деҳқонлар, меҳнаткаш зиёлиларнинг чинакам, туб манфаатларини ифодаловчи халқ партияси бўлиб қолса, демак у иҳтимоий-сиёсий ташкилотлар орасида ўзининг алоҳида мавқеини сақлаб қолади ва унга тенглаша оладиган ташкилот бўлмайди. Лекин бунга Конституция ёрдамисиз эришиш керак.

ВЦСПС секретари **В. М. Мишинга** сўз берилади: сизларни билмайману, деди у, лекин мен бугун КПСС Марказий Комитетининг аъзоси сифатида бизларга нисбатан катта ҳурматни сезмаётирман, чунки бугун мана шу минбарга чиқиб, иккинчи маҳлисдан 10—15 минут илгари олган ҳужжат хусусида фикр билдиришга мажбур бўлаяпман.

Нотиқ ҳужжат моҳияти хусусида гапириб, унинг фикрича, «партия ва бошқа иҳтимоий-сиёсий, касаба союз, ёшлар ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотлари» деб бошланадиган таъриф принцип жиҳатдан қўллаб-қувватлашга муносиб эканлигини айтди. Бизнинг реал ҳаётимизда партиялар ҳозирдаёқ мавжуд. Шовқин-сурон кўтариб ўзини партия деб атаётган машъум «демократик союз» эмас, балки масалан, Литвадаги «САЮДИС» назарда тутилмоқда. Бу барча белгиларга эга бўлган чинакам сиёсий партия бўлиб, буни у сўнгги сайловларда намойиш қилди.

Сўнгра нотиқ ўзини чуқур ҳаяжонлантираётган КПСС муаммоларига тўхталди. Унинг назарида партия оғир истиқбол бошланиши мумкин бўлган маррада турибди. Иҳтимоий Фанлар академияси социологларининг фикрича, бизнинг жамиятимизда КПССнинг прогрессив ролига ишонувчилар ҳиссаси бунинг аксига ишонувчилар ҳиссасидан биринчи бор кам бўлиб қолди. Бу эса партияга ишонч танглигининг миқдорий мезонидир. Биз кенг омма орасида партия обрўсининг пасайиб боришидан иборат ана шу тенденцияни ўзгартира оламизми—бу унча оддий масала эмас. Бу КПССнинг, балки бутун совет жамиятининг ҳаёт-мамот масаласидир. Бу масаланинг ҳал этилиши иккита омилга:

Биринчидан, партиянинг программавий ҳужжатлари (гап Ҳаракат дастури ҳақида ҳам, Устав ҳақида ҳам бораяпти) жамиятнинг демократик ривожланиш характерига қанчалик мувофиқ бўлишига, халқ манфаатларини қанчалик акс эттириши ва ёшлар учун қанчалик жозибадор бўлишига; Иккинчидан, омма онгида партиянинг тимсоли бўлиб қоладиган сиёсий раҳбарлар шахсини қанчалик жозибали бўлишига энг кўп даражада боғлиқ бўлади.

Маълумки, Сиёсий бюродаги келишмовчиликлар ҳақидаги гап-сўзлар ва мишмишларни раҳбарларимиз ўз нутқларида қанчалик қатъият билан рад этганлари сари улар шунчалик кенг тарқалмоқда. Масалан, В. М. Мишин ёзувчи А. Приставкин суҳбатидан парча келтирди: «Қайта қуришни КПСС бошлагани йўқ. Уни бир киши—Горбачев бошлади. Партияга акс ҳолда бошлади ва унга акс ҳолда давом эттирмоқда. Бунинг устига қайта қуришнинг беш йили КПСС унинг асосий тўғаноғи эканини кўрсатди». Менимча, ҳаммамиз ана шундай нуқтаи назарларга биринчи бор дуч келаётганимиз йўқ. Лоақал Москвада февраль ойидаги иккита митингни олиб кўрайлик. Менимча, Михаил Сергеевич Горбачевнинг ўзи учун ҳам унчалик ёқимли бўлмаган бу вазиятдан кўз юмиш мумкин, албатта, буни сиёсий муҳолифларимизнинг кирдикорлари деб ҳисоблашимиз мумкин. Лекин менинг фикримча, партия буни жиддий огоҳлантириш деб билса ва бундай фикрлар тарқалишининг объектив асосларини тан олса унинг учун фойдалироқ бўлур эди.

Айтайлик, Егор Кузьмич Лигачев кенг омма орасида қанчалик тез-тез нутқ сўзласа, унинг номи «партиянинг консерватив кучлари», «ўнг қанот», «демократик ўзгаришларнинг душманлари» тушунчалари билан шунчалик аниқ боғланмоқда. Е. К. Лигачев хизматларига, унинг шахсий поклиги, принципиаллигига муносиб баҳо бериб, ВЦСПС секретари шу билан бирга таъкидладики, сиёсий раҳбар сиймоси дафъатан вужудга келмайди ва ўзгармайди, балки кўпинча инсоннинг ўз иродаси ва хоҳишига боғлиқ бўлмаган жуда турли вазиятлар таъсири остида вужудга келади ва ўзгаради. Сиёсатчи Лигачев сиймоси кечагина ташкил топгани йўқ, унга тўғри сўзлилик, қатъият ва собитқадамлик, ўзининг ҳақли эканлигига ишонч сингари хислатлар хосдир. Яқиндагина бу фазилатлар ҳақиқий партия аъзосининг олийжаноб фазилатлари деб ҳисоб ланарди, партияни лаганбардорлик, мавҳумлик ва юқори лавозимдагиларга мослашиш сингари иллатларни нелтириб чиқарган турғунлик ботқоғидан қутқаришда ёрдам берган эди.

Лекин ҳозир замон ўзгараяпти. Ҳаёт партия раҳбарларига янги талаблар: энг зиддиятли фикрларни идрок этиш ва таҳлил қилиш маҳоратини, якдиллик йўлини излашни, танлаб олинган йўлдан чиқмасликни, характер қатъияти билангина эмас, балки фикр мантиқи билан, комиссарларга хос тазйиқ билан эмас, балки профессионал билимдонлик билан ишонтиришни талаб қилмоқда. Нотиқ партиядош ўртоқ ва КПСС Марказий Комитетининг аъзоси сифатидаги ўртоқ ҳуқуқидан фойдаланиб, Е. К. Лигачевга мурожаат қилди ва барча вазиятларни, мамлакатдаги ва партиядаги сиёсий вазиятни яна бир бор пухта тарозига солиб, ихтиёрий равишда истеъфо беришга, бошқа ишга ўтишга ёки муносиб тарзда пенсияга чиқишга даъват этди. Истеъфо бериш фожиа эмас, мағлубият эмас, деб тугаллади у ўз нутқини. Бу ўз ишини қилиб бўлган, ўз ролини бажарган кишининг онгли қадамидир.

Минбарга СССРнинг Польша Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси **В. И. Бровиков** чиқади. У партия тақдиридан ташвишланиш уни ана шу музокарада иштирок этишга мажбур этаётганини айтди. Бундан тўрт йил муқаддам КПСС XXVII съезди бўлиб ўтди. Съезд ўтмишни қатъий танқидий руҳда идрок этиб, умидбахш ва айни вақтда реал бўлган тарихан муҳим вазифаларни ишлаб чиқди. Келинглар, съезд нимага қарор қилганлиги билан амалда нималар бўлаётганлигини қиёслаб кўрайлик, деб давом этди нотиқ. Шунда биз съезд белгилаб берган йўлдан оғиб кетганлигимизни, ўша пайтда ўз режаларимизда акс эттирилган натижаларга эриша олмаганлигимизни сезиш қийин эмас. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг жадаллашуви ўрнига у сустлашиб бормоқда. Меҳнат аҳли турмуш даражасининг ошиши ўрнига пасайиб бораётганлигини кўряпмиз. Давлат ва хўжалик бошқариш системаси ислоҳ бўлиш ўрнига кўп жиҳатдан у бузилиб бормоқда. Ва, ниҳоят, партияни мустаҳкамлаш ўрнига уни заифлаштириш ва обрўсизлантириш йўли ўтказилмоқда. Бу йўлни турли кучлар: оппозициядаги кучлар ҳам, партиямиз ичидаги кучлар ҳам ўтказишяпти.

Буларнинг ҳаммасини қандай тушуниш керак? Съезд хулосалар ва йўл-йўриқларни белгилашда янглишдими, ёки Марказий Комитет, бизларнинг ҳаммамиз етарли даражада юксакликка кўтарила олмадикми? Аччиқ бўлса-да, иккинчи хулосани тан олиш керак. Марказий Комитет, аввало унинг Сиёсий бюроси ва секретариат съезд қабул қилган йўлни тегишли ташкилотчилик ва сиёсий иш билан мустаҳкамламади. XXVII съезддан кейин партия обрўси тушиб кетаётганлигининг сирларидан бирини мен ана шунда деб биламан, деди нотиқ.

Партия танқидга муносиблиги, партия аппаратининг бир қисми, партия йўлининг бузилишига йўл қўйган ва айниган кўпгина коммунистлар танқидга муносиблиги хусусида мунозара бўлаётгани йўқ. Аммо бир нарсани фарқлаб олиш зарур: пок одамларнинг танқид қилиши бошқа-ю лекин агар турли хилдаги сиёсий буқаламунларнинг, бунинг устига Ленин ибораларини рўкач қилиб танқид қилиши — бошқа гап. Энг алам қиладиган жойи шундаки, юқоридан ҳеч ким —Бош секретарь ҳам, унинг энг яқин сафдошлари ҳам партиянинг шаъни ва шарафини ҳимоя қилиш учун жиддий чоралар кўришмади. Бунинг сабаби ана шундай аҳвол уларга ёқаётганлигимикин ёки уларнинг ўзлари «танқидчилар» томонидан танқид қилинишларидан қўрқаётганлигимикан.

Нотиқнинг фикрича, бу нарса партиядагина эмас, балки жамиятда ҳам чалкашликларга олиб келади. Одамлар нима рўй бераётганини тушунмаётирлар, деди сўнгра нотиқ. Ўз тарихининг салкам 90 йиллиги арафасида қарийб 19 миллион кишини (бу эса СССР гражданларининг ҳар ўн нафаридан бири демакдир) бирлаштирувчи КПСС ҳар қачонгидан ҳам катта хавфга юзма-юз келиб қолди. Уни сиёсий ҳаёт чеккасига чиқариб қўйишга, ҳукмрон партиядан мунозара клубига, борингки, парламент ўрнининг субъектига айлантиришга тобора зўр бериб уринилмоқда. Бунга йўл қўйиш — менинг фикримча, мамлакат учун ҳалокат бўлур эди, чунки бизда интеграция қилувчи, иқтисодий ҳаётнинг ягона иқтисодий сиёсат асосида ўзаро боғланган ҳолда ривожлантира олувчи, бошқа куч, социализмнинг мустаҳкам асосларини таъминловчи бошқа куч йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Раҳбарларимиз партиянинг жамият етакчи кучи сифатидаги ролига барҳам беришга шошилаётирлар, тугатиладиган Сиёсий бюро вазифаларини Президентга топширишга шошилаётирлар, деган таассурот туғилаётир, деб сўзини давом эттирди нотиқ. У Президент ҳокимияти тўпланиб қолган иллатлардан мамлакатни қутқариши хусусида шубҳа билдириб, бундай жиддий иш хусусида халқ билан маслаҳатлашиш керак, деди ва референдум ўтказишни ёқлаб чиқди.

Менинг назаримда, қандайдир чала тадбирлар кўриб, вужудга келган аҳволдан чиқа олмаймиз. Тубли тадбирлар хусусида пухта ўйлаш керак ва съездгача қолган вақт ичида қандай бўлсада партия мавқеини ошириш, унинг обрўсини кўтариш учун, съездни мустаҳкам партия бўлиб чиқиш учун фойдаланиш керак, деди нотиқ.

Литва Компартияси (КПСС Ҳаракат дастурига амал қилувчи) муваққат Марказий Комитетининг иккинчи секретари **В. Н. Швед** Конституциянинг олтинчи моддасини ўзгартириш зарурлиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмаса керак, деди. Бу тадбир етилди ва ҳақиқатан ҳам партиянинг жамиятдаги роли ва обрўси одамларнинг ишончи билан белгиланади. Лекин бу гап ҳозир чўнтагида партия билети бўлган, билети билангина эмас, балки ғояси билан коммунист бўлиб қолган одамлар кўпчиликни ташкил қилган тақдирдагина тўғри бўлади.

Афсуски, биз ҳар қадамда шундай системага тўғри келяпмизки, унда чўнтагида билети бўлган кишилар модда бекор қилиниши биланоқ бу ғояни унутиб, мутлақо бошқа ғояларни тарғиб қила бошлаётирлар. Ана шундай вазиятда КПСС амалда ҳуқуқий жиҳатдан ожиз ва ҳимоясиз бўлиб қолмоқда. КПСС эса (менинг назаримда, бу ҳақиқатни такрорлаш керак эмас, лекин балки такрорлаш ҳам керакдир) бутун системамизнинг сиёсий ва мафкуравий ўзагидир, Зотан, коммунистлар бўлажак воқеалар олдида ҳуқуқий жиҳатдан ожиз бўлиб қолган пайтда иш кўпинча умуман жамиятдаги ниҳоятда жиддий ҳодисаларгача бориб етади.

Бугун Литвадаги «САЮДИС» сиёсий партия сифатида ўзининг раҳбарлик қилиш ҳуқуқини исботлади, деб айтилди. Ҳақиқатан ҳам республика Олий Советига сайлов якунлари шуни кўрсатдики, Литва (КПСС Ҳаракат дастурига амал қилувчи) Компартияси тўрттагина ўрин олди. Бунда шаҳарда яшаб рус тилида гаплашувчи аҳоли вакиллари Парламентга умуман ўтмади. Бунда гап КПССнинг ёки қайта тузилган Литва Компартиясининг обрўсидагина эмас, балки республикадаги бошқа тилда гаплашувчи аҳоли руҳининг тушиб кетганлигидадир, деди нотиқ.

«САЮДИС» катта иш қилди. У Литва халқи олдига мақсад қўйди ва туб аҳолининг ҳаммаси шу мақсадни ёқлаб овоз берди, бошқалар ҳақида эса бу гапни айтиб бўлмайди. Мен литваликларни русларга қарама-қарши қўймоқчи эмасман. Бугунги муаммо шундан юборатки, Литва аҳолисининг бир қисми истиқболдан ва унга ишонч истиқболдан ва унга ишончдан маҳрум бўлиб, овоз бермади. бу истиқболни мустақиллиқдан иборат, деб билган кишилар эса овоз беришда қатнашдилар. Биз коммунистлар эса ҳамиша ҳам бу истиқболни кўриб, уни одамлар онгига етказа олмаётирмиз.

Аммо бу вазиятда муҳолифларимиз ишининг аҳволи ҳам улар истаганича даражада яхши эмас, деди нотиқ. Афсуски, менда 7—8 мартдаги сайлов якунлари йўқ, лекин Литва ССР Олий Советининг 141 депутатидан биринчи ва иккинчи даврада сайланган 116 депутат республика барча сайловчилари овозининг 36,7 фоизини олди. «САЮДИС» тарафдори бўлган 116 кишидан 89 киши барча сайловчилар овозининг 28,3 фоизини олди. Ҳозиргача 131 депутат сайланди, лекин бу мавжуд рақамларга 8—10 фоиздан кўпроқ рақамни қўша олмайди. Мана сизга миллатнинг мандати! Шунга қарамай, бугун Литванинг бутун аҳолиси номидан 38-йилги республика давом эттирилади, деб эълон қилинади, бундан қандай оқибатлар келиб чиқишини айтиш қийин.

В. Н. Швед айтдики, Литва Компартияси (КПСС Ҳаракат дастурига амал қилувчи) сайловда мағлубиятга учраганига қарамай, республика аҳолиси каттагина қисмининг вакилидир. Айрим одамлар бизларни очиқдан очиқ, баъзилари яширин тарзда қўллаб-қувватламоқдалар. Лекин биз аҳолининг бу ишончини қандай қилиб оқлашимиз мумкин? Ҳуқуқий жиҳатдан биз ҳар қандай асослардан маҳрум бўлиб қолдик.

Нотиқ фикрини тасдиқлаш учун мисол келтирди: Клайпедада КПСС Ҳаракат дастурига амал қилувчи 6300 коммунист бор. Қайта ташкил этилган Компартияда — 3000 киши бор. Шундай бўлсада, партия ҳокимиятининг барча вазифалари, таъбир жоиз бўлса, барча белгилари партияга, унинг аппаратига тегишлидир. Иш шу даражага бориб етдики, биз сайлаган шаҳар партия комитети секретарини биринчи секретар кабинетига қўйишм

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИДА

(Давомн. Боши олтинчи бетда).

И. Т. Фролов пленумдаги Мишин билан Бровиков ўртоқларнинг нутқларига танқидий баҳо берди. Бу ерда, деб сўзини давом эттирди у, айни қайта қуриш йилларида партиянинг обрўси тушди ва тушаётир, деб айтишди. Бу — бўҳтон. Агар сиз одамлар орасига борсангиз, сизларга бундай дейишади: партиянинг обрўси биз турғунлик даври деб атайдиган йилларда, партия бузилаётган, том маънода ахлоқан бузилган йилларда туша бошлаган эди. Партия обрўси тўкилишининг манбаи ана шу ерда! Ҳозир партияга айб тўнкаладиган бўлса, бунда сталинизм қатағонлари ва жиноятлари, уюшган жиноятчилик, порахўрлик, аҳлоқий бузуқлик эсга олинадики, буларнинг ҳаммаси ўтмиш йилларида содир бўлган эди. Буларнинг ҳаммасини қайта қуриш йилларида рўй берган ўзгаришлар билан таққослаб бўладими, ахир? Ҳатто, лоақал, уларни бир-бирига яқин қўйиб бўладими, ахир? Йўқ, ҳамма гап ана шунда. Қайта қуришдан илгариги даврдан келган одамлар масалани шу тариқа кўтармоқдалар ва қўймоқдалар, улар ўз виждонларини оқлаш учун шундай қилмоқдалар.

Нотиқ партиянинг янги шароитдаги вазифаларига тўхталиб бундай деди: агар ҳозир биз Конституциянинг олтинчи моддасида берилган таърифлардан воз кечсак, дарҳол қуйидаги савол туғилади: партиянинг ўзи нима? Биз бугун ана шу масалани муҳокама қилишимиз керак.

Янги шароитда партия нима? Бу саволга жавоб берар эканмиз, муқаррар равишда шундай тўхтамга келамизки, партия — асосан ғоявий-сиёсий кучдир. Иқтисодиёт системасида ёки бошқа бирор жойда бошқариш бўғини эмас, балки айни ғоявий-сиёсий кучдир. Ҳар бир коммунист эндиликда ўзига айни шу нуқтан назардан қараши ва партиянинг қандайдир раҳбарлик ролини эсга олиб, ўтмиш пайтларни қўмсамаслиги керак. Партиянинг роли, шу жумладан пешқадамлик роли шубҳасиз янада кўпроқ мустаҳкамланади, лекин бунинг учун қандайдир ўтмишдан келмаган бошқа кишилар, бошқа кадрлар керак.

Нотиқ СССР Конституциясининг олтинчи ва еттинчи моддаларини ўзгартиришнинг таклиф қилинган таърифини асос деб қабул қилишга даъват этди. Унинг фикрича, касаба союз ташкилотларини ҳам ва айниқса кооператив ташкилотларни ҳам бирма-бир ҳисобламасдан, оддийгина қилиб, «ижтимоий-сиёсий ва оммавий ташкилотлар» дейилса маъқул бўлур эди.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари **В. И. Мироненко** бундай деди: ёшлар билан суҳбатлар партиянинг обрўси биз унинг ҳуқуқий кафолатларига ёпишиб олганлигимиз туфайли путурдан кетаётганлигини кўрсатмоқда. Ёшларнинг аксарияти партиянинг сиёсий пешқадам бўлиш ҳуқуқи давлатнинг асосий қонунида ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланмайдиган бўлсин, деган масала ҳал этилишининг пайсалга солинишини истамаётирлар. Ваҳолонки, ёшларнинг катта қисми партия снёсатини қўллаб-қувватлашга тайёрдир.

Бу масала амалий жиҳатдан ҳал этилаётган бугунги кунда айни КПСС Марказий Комитетининг ташаббуси билан олтинчи ва еттинчи моддалар таҳририни ўзгартириш ҳақидаги таклифларни халқ депутатлари Съезди муҳокамасига киритиш зарурлигини тўла-тўкис қўллаб- қувватлайман. Халқ онгидаги орзуларни тўғри ифодалаган тақдирдагина партия жамиятни бошқара олади.

Бу ерда ҳозир бирортамиз халқ ҳуқуқий кафолатларни партиянинг бугун тилга олинган барча муаммоларни ҳал этишда ўз пешқадамлик снёсий роли учун ҳақиқий кураш олиб бориши билан алмаштириш зарурлигини англаб етмаган дея олмаймиз, деди нотиқ. Бугун мазкур минбардан ҳақиқатан ҳам жуда кўп аччиқ ҳақиқатлар айтилганлигини яққол кўриб турибман. Биноборин ҳар биримиз, шу жумладан Марказий Комитет аъзоси сифатида мен ҳам, Марказий Комитетнинг барча аъзолари ҳам, Снёсий бюро аъзолари ҳам нималарга муваффақ бўлганимиз ва нималарни уддалай олмаганимиз учун жавоб беришимизга ва аввало КПСС XXVIII съездида жавоб беришимизга тўғри келади, албатта. Лекин биз ҳар ҳолда ҳокимият Советлар қўлига берилиши кераклиги хусусида қарор қабул қилган эканмиз, изчил бўлайлик. Мен коммунистнинг фарқини ҳамиша шундай тасаввур қилар эдимки, коммунистлар ўз снёсий ҳокимиятларини абадийлаштиришга ҳеч қачон даъво қилмаганлар, улар аввалбошданоқ бу ҳокимиятни халққа топшириш мақсадида қўлга олаётганликларини айтган эдилар. Ҳокимиятни топширгач, уни снёсий найрангбозлардан, авантюристлардан ҳимоя ҳам қилиш керак. Лекин ҳокимият халқ депутатлари Советларига топширилган, партия эса жамоат ташкилотлари билан бир қаторда, табиийки, халқ ҳокимиятининг ҳар қандай четга чиқишлардан ҳимоя қила оладиган қудратли, бақувват ижтимоий-снёсий ташкилот сифатида ўрин эгаллаган тақдирдагина буни ҳимоя қилиш мумкин.

Мен олтинчи ва еттинчи моддаларда КПСС Марказий Комитетининг Конституцияда партия пешқадамлик ролининг ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланишидан воз кечиш истаги изчил ифодаланиши тарафдориман, деди у.

Белоруссия Компартияси Гродно область комитети биринчи секретари **В. М. Семенов**нинг фикрича, партия ва давлат структурасининг бирбирига қўшилиб кетиши партия ва давлат бошқарувининг фақатгина энг юқори поғонасида, КПСС Марказий Комитети, Министрлар Совети ва Олий Совет даражасида бўлмоқда. Область даражасида ва ундан қуйида, биз буни нечоғлик истамайлик, бизнинг қўлимизда ана шундай моддий, молиявий ҳокимият бўлмаган.

Нотиқ жамиятимизда партия раҳбарларига худди консерваторлардек қараш хусусида ўз позициясини ифодалаб, аслида биз ушбу залда ва Снёсий бюро мажлислари ўтказиладиган залда қабул қилинган қарорларни амалга оширмоқдамиз, деди. Шунинг учун ҳам башарти қарорлар нотўғри бўлса ва айбдор бўлиб чиқамиз. Аммо нотўғри қарорлар қабул қилиниб, бизни шу қарорларни бажаришга мажбур этишса, масъулиятни бизга раҳбарлик қилаётган кишилар ўз зиммаларига олишлари керак.

Бугун биз снёсий ислоҳот иқтисодий ислоҳотлардан орқада қолмоқда, деб изоҳ бермоқдамиз. Айни вақтда коммунистлар бизга бундай дейишмоқда: агар биз снёсий ислоҳотларни ҳам худди иқтисодий ислоҳотлар сингари тез ўтказадиган бўлсак ва худди ўша иқтисодий ислоҳотлар сингари пухта ўйламасдан рўёбга чиқарадиган бўлсак, бошимизга яна кўпроқ кулфат тушади, деяверинг.

1985 йилдан бошлаб кейинги йилларда партия ва давлат бошқарувининг иқтисодиёт соҳасида биргаликда қабул қилган бironта қарори ҳам ижобий натижа бергани йўқ.

Область партия комитетининг секретари доклад ва устав лойиҳаси хусусида ўз нуқтаи-назарини баён этди. Уставни биз кечикиб муҳокама қилмоқдамиз, бу ҳужжатни Ҳаракат дастури лойиҳаси билан биргаликда эълон қилиш керак эди, деб ўз фикрини айтди нотиқ. Армиямиз, Давлат хавфсизлиги комитети, Ички ишлар министрлигида хизмат қилаётган коммунистларнинг: бу ерларда партия структураси қандай бўлади, деган саволларига жавоб берилмади.

Бир принципиал масала борки, мен ҳозиргача унга жавоб бера олмаяпман ва коммунистлар билан учрашувлар чоғида изза бўлиб турибман, деди нотиқ. Бизга қандай партия керак, у КПСС тарзида қоладими ёки социал-демократлар томонига ўтиб кетиш учун чамадонни йиғиштираверiш керакми? Бу саволга биз жавоб бера олмаймиз, чунки мамлакатдаги барча коммунистларга қандай жамият қурмоқчи бўлаётганимизни очиқ-ойдин айтганимиз йўқ. Агар биз буржуа-капиталистик жамиятни қурмоқчи бўлсак, партиямиз, яъни КПСС ҳозир оппозицияда бўлиши керак, агар социалистик жамият қурмоқчи бўлсак, партия авангард бўлиши лозим.

Нотиқ сайлов ўтказиш муддатларига тўхталиб қуйидаги таклифни киритди: маҳаллий партия ташкилотларининг ихтиёрига кўра ҳисобот-сайлов кампаниясини съездгача ёки съезддан кейин ўтказишга ижозат берилиши керак.

Минбарга академик **С. С. Шаталин** чиқади. Нотиқ СССР Конституциясининг олтинчи ва еттинчи моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисидаги таклифларни қўллаб-қувватлаб, қуйидагиларни таъкидлади: яна ҳам аниқроқ ҳаракат қилиш ҳамда КПСС ва бошқа ижтимоий-снёсий ташкилотлар ҳақидагина эмас, бошқа снёсий партиялар ҳақида ҳам сўз юритиш лозим.

Мен, деди академик, эътиқодимни кунора ўзгартиравермайман, ҳозир социал-демократлар позицияларини қўллаб-қувватлаяпман. Лекин мен жуда оғир дақиқаларда КПСС сафидан қочиб кетаётган кишиларга ҳеч қачон мансуб бўлмаганман ва мансуб бўлмайман. Аммо мен КПСС аъзоси сифатида партия раҳбариятини, партияни менга яқин бўлган ғояларни қабул қилишга ундаш ҳаракатида бўламан. Шундай ҳаракат қилишим билан партияга ҳалал бераман, деб ўйламайман. Аксинча, фойдам тегади деган фикрдаман. Агар биз ҳаммамиз бир хил бўлаверсак, снёсий жиҳатдан ўлган бўламиз, чунки снёсий ҳаракат учун бир хиллик ва ўлим айни бир нарсадир.

КПССга нисбатан «раҳбарлик қилувчи партия» ибораси ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилмаса, бунинг сира ҳавфли томони йўқ. Агар бирор бир одам иккинчисига нисбатан кучлироқ бўлса, ўша кучлироғи раҳбар бўлгани маъқул эмасми? Лекин бунинг учун кучлироқ эканингни исботлашга тўғри келади! Шу минбардан туриб, КПСС — ягона партия, ягона куч эканлиги ҳақида гапирилди. Эҳтимол шундайдир, ҳойнаҳой шундайдир. Лекин мен илгари гапирганимдек снёсий манманлик қилишга ҳожат йўқ. Хўш, нега энди биз ўзимизни ўзимиз мақтаяпмиз? Келинг, бизни бошқалар мақташсин ва ўшалар Коммунистик партиядан кучлироғи, яхшироғи бўлмаган эди, ҳозир ҳам йўқ, бундан кейин ҳам бўлмайди, дейишсин. Бу ҳалолроқ ва тўғириоқ бўлади. Биз халқ билан осойишта, очиқчасига гаплашишимиз керак Ва бундан сира чўчимаслигимиз лозим.

Ҳамонки, биз коммунистлар, кўп партияли системани эътироф этган эканмиз, ҳокимият учун бошқа партиялар ҳам курашиши мумкин. Хўш, нима қил демоқчисиз? Биз ҳам курашаверамиз, ғолиб чиқишимизга ишончим комил. Чунки тажрибамиз ҳам, кучимиз ҳам бор, ақлли одамлар ҳам бор. Ахир биз бошқа ижтимоий-снёсий ташкилотларга нисбатан ғўр эмасмизку. Шунинг учун ҳам ана шунга асосланайлик. Наҳотки биз кимгадир албатта ютқазиб қўйсак? Назаримда ютқазиб қўйишимиз шарт эмас.

Ниҳоят, сўнгги мулоҳаза. Ўйлашимча, агар биз ҳозир олтинчи ва еттинчи моддаларга тузатишларни қабул қилмасак, эртага ва индинга президентлик тўғрисидаги масала салбий ҳал этилиши мумкин. Шундай қилиб биз яна бир карра икки кун ичида шундай муоммоларни вужудга келтирамизки, Президентни фақат беш йилдан кейингина сайлашимиз мумкин бўлади. Бундай ҳаракат қилиш сира мумкин эмас, эртага халқ депутатларининг съезди очилади, бу ерда биз ғалаба қилишимиз керак. Чунки мағлуб бўлсак халқ бизни сира кечирмайди.

КПССдан СССР халқ депутатини сайлаш тўғрисидаги масала хусусида сайлов комиссиясининг раиси **В. А. Коптюг** ахборот берди. Л. И. Абалкин СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари этиб сайланганлиги муносабати билан КПССдан сайланган СССР халқ депутатининг ўрни бўшаб қолди ва Қонунга биноан ана шу бўшаб қолган ўринга Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан сайлов ўтказиш лозим бўлади, деб эслатиб ўтди у.

9 декабрь куни Марказий Комитет Пленуми КПССдан СССР халқ депутатлигига Москвадаги СССР 50 йиллиги номли автомат линиялар заводининг слесари П. А. Абросов, Горький шаҳридаги автомобиль заводининг темирчиси Н. П. Кустарев ва Москвадаги «Станкоконструкция» заводининг электр монтажчи слесари А. П. Шустов номзодларини кўрсатди.

Сайлов комиссияси декабрь Пленумининг қарорини, шунингдек номзодларни кўрсатилган ўртоқларнинг КПССдан СССР халқ депутатлигига номзодлар сифатида овозга қўйишга розилик берганликлари тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиб, номзодларни кўрсатиш СССР халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги Қонунга тўла мувофиқ тарзда ўтказилганини аниқлади.

Комиссия номзодларни Қонунда белгилаб қўйилган муддатларда рўйхатга олди. Сайлов ҳақидаги Қонунга биноан халқ депутатлигига номзодлар меҳнат коллективлари, коммунистлар ва жамоатчилик билан учрашувлар ўтказишди. Барча учрашувлар ошкоралик, хайрихоҳлик вазиятида, жонкуярлик билан амалий фикр алмашув руҳида ўтди. Сўзга чиққан кишилар КПССдан халқ депутатлигига номзодларни асосан қўллаб-қувватладилар, уларни замонавий фикр юритадиган, ғайратли кишилар, деб таърифладилар. Ушбу номзодлар қайта қуриш ғояларини ҳимоя қилиб, мамлакат давлат ҳокимиятининг олий органида фаол ишлашга қодирдирлар.

Учрашувларда партиянинг обрўсини ошириш ҳақида, бунда КПССдан сайланган СССР халқ депутатлари муҳим ўрин тутишлари лозимлиги ҳақида гапирилди. КПССдан сайланган барча халқ депутатлари ҳам Съезд ва сессияларда етарли даражада фаол ишлашмаётгани айтиб ўтилди, бу ўринда ҳойнаҳой, КПСС Марказий Комитети раҳбариятининг ҳам муайян айби бор, чунки бу раҳбарият ана шу депутатларнинг ишини ташкил этишга яхшироқ ёрдам бериши мумкин эди.

Сўнгги учрашувларда КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳаси ва мазкур съездга тайёргарликнинг бориши диққат марказида бўлди. Коммунистлар лойиҳани умуман қўллаб-қувватлаб, тайёргарликни активлаштириш лозимлигига доир, ҳозир одамларни ҳаяжонга солиб турган асосий масалалар, яъни иқтисодиётнинг, ҳуқуқ-тартиботнинг аҳволига доир ана шундай саволларга жавоб бериш лозим, ижтимоий-снёсий тенденциялар ва кайфиятларга баҳо бериш керак, деб ўз мулоҳазаларини айтдилар.

Сайлов кампанияси чоғида гражданлардан сайлов комиссиясига бирон-бир хат ёки оғзаки мурожаат бўлмади. Номзодлар хусусида танқидий мулоҳазалар ҳам айтилмади.

Сайлов комиссияси номидан Раис сайловни ўтказишнинг қуйидаги тартибини белгилаб қўйишни таклиф қилди: СССР халқ депутатлигига номзодларнинг ҳар бирига Пленумда сўзга чиқиш имконятини бериш, сўнгра номзодларни муҳокама қилиш ва уларга овоз бериш керак. Бу таклиф қабул қилинди.

Минбарга **П. А. Абросов** чиқади. У жумладан бундай деди: ёшим 45 да, Москвада туғилганман. Саккиз йиллик мактабни битирганимдан кейин техника билим юртида ўқидим, уни тугатиб автомат линиялар заводига ишга келдим, тақдирим ва ҳаётим ана шу корхона билан боғлангандир. Армияда хизмат қилдим. Хизматдан кейин кечки мактабни, Москва станоксозлик техникумини битирдим, ҳозир ҳам заводда ишлаб турибман. Шу корхонада 29 йилдан бери меҳнат қилмоқдаман. 1973 йилда КПСС сафига кирганман. Завод партия комитети аъзосиман, Таганск район партия комитети бюросининг аъзосиман, Уйланганман, ўғлим бор.

Нотиқ бир неча бор меҳнат коллективлари билан учрашганини, коммунистлар билан суҳбатлашганини, йиғилишларда сўзга чиққанини, марказий ва маҳаллий матбуотда мақолалари босилганини айтди. Учрашувлардан чиқарган хулосам шундан иборат бўлдики, омма снёсат майдонига чиқиб келмоқда, қайта қуришни қўллаб-қувватламоқда, деди у. Ер ҳақидаги, Мулкчилик тўғрисидаги қонунлар, КПСС Марказий Комитетининг XXVIII съездига Ҳаракат дастури лойиҳаси зўр қизиқиш билан муҳокама қилинмоқда. Президентлик ҳокимиятини жорий этиш тўғрисидаги лойиҳа ижобий кутиб олинмоқда, мамлакатдаги аҳволни барқарорлаштириш, снёсий ва иқтисодий тангликдан қутилиш Президент бошқарувига боғлиқлиги айтилмоқда. Аммо кўп нарсалар ташвишга ҳам солиб турибди.

Нарх-навонинг кўтарилиши, пулнинг қадрсизланиши, пештахталарнинг бўм-бўшлиги ташвишлантирмоқда. Ҳукумат ишчилар синфининг туб манфаатларини акс эттираётган тадбирларни зарур даражада рўёбга чиқараётгани йўқ, бу эса ҳақконий норозиликка сабаб бўлмоқда. Меҳнат дуруст ташкил этилмаганлиги сабабли меҳнаткашлар асосий оммаси ўз меҳнатидан қониқиш ҳосил қилмаяпти. Жамиятда ишончсизлик, беҳаловатлик ортиб боряпти, давлат корхонасида ишлаётган меҳнаткашларнинг серунум, самарали меҳнатдан бевосита манфаатдорлиги йўқ.

Меҳнат коллективларида бўлган учрашувларда партиядан депутатликка номзод сифатида менга кўпинча қуйидаги саволларни беришди: эҳтимол меҳнаткашларнинг манфаатларини тўлароқ ифодалашга қодир бўлган бошқа бирор ташкилот зарурдир? Мен қуйидагича жавоб бердим: партиямиз ишчилар синфининг партияси сифатида пайдо бўлган эди ва мен қайта қуриш жараёнида партиянинг манфаатлари меҳнаткашларнинг манфаатларига зид бўлиб турганлигини кўраётганим йўқ. Равшанки, халқ депутатлигига номзод сифатида менинг позициям меҳнат кишиларининг фикри, наказларини жамлаган, уларнинг кайфияти ва эҳтиёжларини акс эттиради.

Агар мен СССР халқ депутатлигига сайланадиган бўлсам, қуйидаги бош принципларни ҳимоя қилишни ўз мақсадим, деб биламан. Меҳнат кишиси учун бўш вақтни кўпайтиришга эришмоқчиман, чунки бу вақт умумий таълим ва маданий савияни ошириш, дам олиш, болаларни тарбиялаш учун зарурдир. Меҳнат унумдорлигини ўстиришга меҳнатнинг илғор усулларини амалга ошириб, истиқболни ўйлаб, фан-техника ютуқларини жорий этиб эришиш мумкин. Пенсионерлар ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилинйши, уларга тиббий ёрдам яхшиланиши лозим, пенсия таъминотида пулнинг қадрсизланиши ҳисобга олиниши керак. Мен шуларга эришмоқчиман. Энди ёшлар ҳақида гапирадиган бўлсак, фан-техника, жаҳон маданияти ютуқларидан фойдаланишга асосланган таълимнинг замонавий усулларини жорий этиш керак, ёшлар мамлакатнинг ижтимоий-снёсий ҳаётида, ижтимоий-маиший муаммоларни ҳал этишда ҳақиқатан ҳам иштирок этишлари даркор.

Жамият бугунги кунда мураккаб вазиятни бошидан кечирмоқда, деди **Н. П. Кустарев.** Ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш ҳолатига тобора кўпроқ танқидий баҳо берилмоқда. Ленинга, Октябрь инқилоби ғояларига рўй-рост ҳужум қилинмоқда, партия ва мамлакатимизнинг тарихий ўтмишига берилган баҳоларни тубдан ўзгартириб юборяётган назарий концепциялар ўртага қўйилмоқда, халқларимиз эришган зафарлар йўққа чиқарилмоқда. Шунинг учун ҳам ҳозир гражданлик позициясини танлаб олиш, ким билан бориш, кимни қўллаб-қувватлаш ва қандай кучларга таяниш кераклиги хусусидаги масалалар биринчи ўринга чиқмоқда.

Мен ўз маслагим ва эътиқодимни яшириб ўтирмайман, Улуғ Октябрнинг тарихий аҳамияти, халқимиз ютуқларини сохталаштиришга, КПССнинг жамиятни ўзгартиришдаги ролини бузиб кўрсатишга, социалистик қадриятларни капиталистик қадриятлар билан алмаштиришга уринишларни қатъиян рад этаман. Мен ривожланиб бораётган демократик жамият сифатидаги социализм тарафдориман. КПССнинг қайта қуриш, жамият турмушининг барча соҳаларини янгилаш ва соғломлаштиришга қаратилган принципиал йўлини қўллаб-қувватлайман, бу йўлнинг пировард мақсади халқ фаровонлигини оширишдир.

Шундан кейин Н. П. Кустарев КПССнинг миллий снёсат юзасидан Ҳаракат дастури билан бирдам эканлигини, барча миллатларга мансуб кишиларнинг манфаатларини ҳисобга олиб, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш ва миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қаттиқ зарба бериш тарафдори эканлигини айтди. У совет жамиятини демократиялаш, «Бутун ҳокимият Советларга!» снёсий шиорини тўлатўкис амалга ошириш бош йўналиш бўлиши лозимлигини таъкидлади.

Номзод ўз программасида устун йўналишларни алоҳида ажратиб кўрсатди: булар уй-жой шароитини яхшилаш, ижтимоий соҳани ривожлантириш, меҳнаткашларни озиқ-овқат ва халқ истеъмоли моллари билан таъминлаш, атроф-муҳитнинг ҳолатини яхшилаш, ёшларга таълим ва тарбия бериш, армияни бадном этишга қарши кескин курашиш, ҳуқуқ-тартибот ва интизомни мустаҳкамлашдир. Агар интизом ва тартиб бўлмаса, олтинга баравар қонундан ҳам наф бўлмайди, деб таъкидлади у.

Сўз **А. П. Шустов**га берилади.

Ишчи аввало ўзи ҳақида қисқагина сўзлаб берди. Москвадаги мактабни битирганман, шундан кейин «Станкоконструкция» заводига келиб слесарь, электр монтажчига шогирд тушдим, ҳозир олий разрядли ишчиман, деди у. 1961 йилда комсомол сафига, 1969 йилда КПСС сафига кирдим. Ҳозир Москвадаги Октябрь район партия комитети бюросининг аъзоси, шаҳар партия комитетининг аъзосиман. Ишимда ҳам, сайловолди режамда ҳам халқ депутатлигига сайланган коммунист ўз фаолиятида КПССнинг Ҳаракат дастурига амал қилиши керак, деган эътиқодга асосланаман.

Партиянинг ҳозир муҳокама қилинаётган XXVIII съездга Ҳаракат дастури лойиҳаси жамиятимиздаги муаммоларнинг мураккаб мажмуини акс эттиради, янгиланиш йўлларини белгилаб беради. Назаримда, мазкур ҳужжатда аниқ-равшанлик, баъзан эса дадиллик етишмайди, деди сўнгра нотиқ. Нотиқнинг фикрича, жамиятда меҳнат мавзуи, меҳнатга таяниш кераклиги дурустроқ таъкидланаётгани йўқ, шу муносабат билан ишчи хавотир бўлаётганини айтди. Чунончи, Олий Советнинг мажлисларида, халқ депутатларининг съездларида ҳам шу мавзу батафсилроқ тилга олинаётгани йўқ.

Шундан кейин ишчи ускуналар, технологиялар эскириб қолганига, вазиятдан жозиба йўқолгани ва маданиятнинг пастлигига эътиборни қаратди, кўпгина корхоналарда одамлар ана шунга дуч келмоқдалар. Бунинг устига хўжасизлик, бекор туриб қолишлар, ҳайбаракаллачиликлар ҳам бор.

Корхона яхши жиҳозланмаган бўлса иш учун рисоладагидек шароит бўлмайди, ишда барака ҳам йўқолади, бунга эришиш учун эса фан-техника тараққиётига суяниш керак. Фан-техника тараққиёти муаммоларига эътибор сусайгани сабабли яна қолоқлик гирдобига тушиб қолишимиз мумкин, шу мени ташвишга солмоқда, деб уқтирди ишчи. Шунга ишончим комилки, фан-техника тараққиёти негизида ва хўжалик ислоҳотини амалга оширибгина замонавий иқтисодиётни вужудга келтириш мумкин, бундай иқтисодиёт етилган вазифаларни ҳал этишга ва жамиятимизнинг келажакдаги тараққиётини таъминлашга қодир бўлади.

Иқтисодиётни бошқаришни қайта қуриш юзасидан белгиланган туб тадбирлар, ҳукумат илгари сурган программалар, ўйлашимча, аҳволни ўнглаши керак. Ҳозирча эса хўжалик ислоҳоти ишчига тузукроқ наф бергани йўқ. Меҳнаткаш киши аслида бирор бир нарсани беришларига муҳтож ҳам эмас. Совет ҳокимияти ва унинг идораларининг биринчи галдаги бурчи инсон имкониятларини рўёбга чиқариш ва шу асосда ўз эҳтиёжларини қондириш учун қулай шарт-шароитлар яратишдан иборат. Муштарак ишга ўз меҳнати ва билими билан ҳисса қўшаётган кишиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ишчи сифатида мен учун ҳам жуда муҳимдир.

Ўз зиммамизга янгиланган социализмни қуришдек вазифани олар эканмиз, деди пировардида нотиқ, менинг фикримча, биз коммунистик идеаллардан воз кечмаслигимиз керак. Ижтимоий адолат тўғрисидаги тасаввурларнинг олий босқичи бўлган ана шу коммунистик идеаллар умумжаҳон мулки бўлиб қолди. Биз умуминсоний қадриятларнинг афзаллигини эълон қилиб, ўз идеалларимиз томон қадам ташламоқдамиз. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлигига номзод сифатида менинг позициям мана шундай.

Яширин овоз бериш натижаларига кўра **Н. П. Кустарев** СССР халқ депутати этиб сайланди.

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми 14 март куни Коммунистик партиядан СССР Президенти лавозимига номзод кўрсатиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Украина ССР Министрлар Советининг Раиси **В. А. Масол** шу масала хусусида биринчи бўлиб сўзга чиқди. У Президент лавозимига М. С. Горбачев номзодини таклиф қилди ва Пленум аҳлини ушбу номзодни қўллаб-қувватлашга даъват этди.

Нотиқ асосан иқтисодиёт муаммоларини тилга олди, чунки ҳозир асосий вазифани, яъни миллий даромадимизни ва ялпи ижтимоий маҳсулотни кўпайтириш вазифасини ҳал этмасак, ҳар қандай снёсий ислоҳот путурдан кетади, албатта.

Нотиқ бўлажак Президентга иқтисодиёт масалаларида собит позицияни эгаллашни, республикаларнинг фикрига қулоқ солишни тилади.

Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Г. Г. Гумбаридзе**, бундай деди: М. С. Горбачев снёсимосида бутун партия, халқимиз партияда ҳам, бутун жамиятда ҳам янгиланиш жараёнларининг ташаббускори ва раҳбари бўлган кишини кўрмоқдалар. Фикримизча, мамлакат Президенти лавозимига сайланганидан кейин унинг обрўси Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг обрўси ва таъсирининг ўсишига кўп жиҳатдан ёрдам беради, деб таъкидлади Г. Гумбаридзе. У Пленумда айтилган қуйидаги истакларга қўшилди: бундан буён ҳам иттифоқдаги муносабатларни уйғунлаштириш, иттифоқдош республикалар мустақиллигини мустаҳкамлаш, уни реал мазмун билан бойитиш юзасидан ишни изчиллик ва собитқадамлик билан давом эттириш керак.

КПСС Чита область комитетининг биринчи секретари **Н. И. Мальков** қуйидагиларни таъкидлади: Забайкалье коммунистлари ва аксарият меҳнаткашлар мамлакат Президенти лавозимига кўрсатилажак номзод хусусида яқдил фикрни билдирмоқдалар. Маҳаллий Советлар, ҳокимиятнинг республика органларига сайлов кампанияси ҳам шундан далолат бериб турибди. Айни вақтда нотиқ қуйидаги саволни берди: КПСС раҳбари партия ва давлат раҳбари лавозимларини бирга қўшиб олиб бориш хусусида эртанги кун позициясида собит турибдими? Нима бўлганида ҳам, деди область партия комитетининг секретари, нуқтаи назаримизнинг фикримизнинг заифлашишига ва шу масала хусусида бирор бир бошқача қарор қабул қилинишига йўл қўйиб бўлмайди: давлат раҳбари партиянинг раҳбари бўлиб қолиши керак. Мабодо шундай бўлмаса, ҳукмрон партия сифатида партиянинг аҳволи жуда путурдан кетади.

Биз қайта қуриш снёсатини қарор топтириш ва Совет Иттифоқининг янги сиёсосини яратишда жуда масъулиятли, ҳал этувчи босқични бошимиздан кечирмоқдамиз, деб таъкидлади СССРнинг АҚШдаги элчиси **Ю. В. Дубинин.** СССРда Президент лавозимини жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилиниши билан мамлакатимизнинг бутун тарихида биринчи марта чинакам умумхалқ давлатини вужудга келтириш якунланмоқда. Бу барча совет кишилари учун, партиямиз учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Ташқи снёсат тўғрисида гапирадиган бўлсак, янгича фикрлаш снёсатини кенг кўламда ишонч билан ўтказиш учун конституцион негиз барпо этилмоқда. Шундай қилиб, ҳамкорлик ва умуминсоний қадриятлар негизида тинчликни, чинакам тинчликни бунёд этиш учун мисли кўрилмаган имкониятлар пайдо бўляпти. Халқлар шуни кутмоқда.

Бу мақсадлар демократик социализм ғояларининг манбаларидан куч-қудрат олади. Энг асосий вазифа шундан иборатки, қайта қуриш снёсати мамлакатимиздаги барча халқлар учун улар ҳаёти ва фаолиятининг ҳамма соҳаларида имкони борича салмоқлироқ амалий натижалар бериши керак. Нотиқ ишонч билан қуйидагиларни уқтирди: М. С. Горбачевдек обрўли ва тафаккур уфқи кенг снёсий арбобнинг номзоди Совет Иттифоқи Президенти лавозимидан шундай мақсадларда самарали фойдаланиш вазифасига жуда муносиб жавоб беради.

Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **П. К. Лучинскийга** сўз берилади. У, жумладан, бундай деди: учинчи бўлим хусусида овоз берилганидан кейин биз бирбиримизни қутлаган эдик. Дарҳақиқат, бу катта ғалаба, деб ўйлайман. Бизнинг депутатларимиз М. С. Горбачев учун овоз берадилар.

Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Я. Я. Вагрис** республика Компартияси вакиллари номидан сўзга чиқиб, М. С. Горбачевнинг Президент лавозимига кўрсатилишини қўллаб-қувватлади. Иттифоқнинг янги модели тўғрисидаги қонунни пайсалга солмай тайёрлаш керак, деб у Михаил Сергеевичга ўз истагини айтди. Буни галга солиб бўлмайди, масалани кўриб чиқиш керак, иттифоқнинг янги шартномаси лойиҳасини тезроқ ишлаб чиқиш лозим, деб уқтирди у.

КПСС Марказий Комитети Снёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси **Н. И. Рижков** минбарга чиқади. Ҳукумат бошлиғи Пленум аҳлига Снёсий Бюронинг яқдил нуқтаи назарини айтди, мамлакат Президентлигига Михаил Сергеевич Горбачевни тавсия этиш ва унинг сайланишига эришиш керак. Фақат угина ҳозир мамлакатга бошчилик қилиши мумкин, деб таъкидлади Н. И. Рижков.

Съезд ишлаб турган вақтдаги «ўзаро илтифотлар» хусусида (ўртоқлар буни шундай деб аташибди) жуда бўлмаганда мажлис аҳлида асорат қолишини истамас эдим, деб сўзини давом эттирди Министрлар Советининг Раиси. Биз Михаил Сергеевич билан дўст ва маслакдошмиз. Кўп йиллардан буён ёнма-ён ишлаяпмиз. Биз фақат бир-биримизнинг бошимизни силаяпмиз, дейишга тилим бормайди. Принципиал масалаларни биз принципиаллик билан муҳокама қилмоқдамиз. Лекин шуни айтишим керакки, биз стратегик масалаларда маслакдошмиз. Бугунги воқеа, хойнахой, менинг айбим билан бўлди чоғи. Сўзга чиққан ўртоқ асабларимга таъсир этди, эҳтимолки, шунинг учун бўлса керак, нутқим ўта қаяжонли бўлди. Бу ўртоқ жуда тез-тез минбарга чиқяпти-да.

Мен бу ўринда нутқимнинг дебочаси ҳақида гапиряпман, шу қисми Марказий Комитет аъзоларида ҳам, бошқа ўртоқларда ҳам муайян асорат қолдирди. Нутқимнинг қолган қисми ҳақида шуни айтмоқчиманки ҳозир ҳам уни қайтаришга тайёрман. Ўртоқлар шуни билишларини истар эдимки, менинг позициям қатъий — мен Горбачев билан бирга боряпман.

(ТАСС).

Бугун—Савдо, аҳолига маиший хизмат ва уй-жой-коммунал хўжалиги ходимлари куни

ОДАМЛАР ХИЗМАТИДА

Партия ва ҳуқуматимиз аҳолига хизмат маданиятини яхшилаш, сифатини ошириш, хизмат соҳаси корхоналари ишини ташкил этишни такомиллаштириш, хизмат турларини кўпайтириш, шу тармоқ меҳнаткашларга қулайлик яратиш ҳақида ғамхўрлик қилмоқда. Совет савдоси илмий-техника асосида ривожлантирилмоқда. Унинг моддий базаси мустаҳкамланмоқда.

Меҳнаткашларнинг турли молларга бўлган эҳтиёжи тобора ошмоқда. Бугун уларга йирик магазинлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ярмаркалари, фирма магазинларида ва савдо марказлари хизмат кўрсатаётир.

Қатор давлат савдоси ва умумий овқатланиш корхоналари жумҳуриятимиз бўйича ўтказилган социалистик мусобақада яхши натижаларга эришдилар. 1989 йилнинг 4 квартали якунлари бўйича Тошкент шаҳар ижрокоми умумий овқатланиш бош бошқармаси, Фарғона вилояти ижрокоми савдо бошқармасига қарашли Марғилон шаҳар саноат моллари савдоси идораси, Андижон вилояти ижрокоми савдо бошқармасининг Андижон шаҳар озиқ-овқат савдоси коллективлари жумҳурият Савдо министрлиги кўчма Қизил байроғи ҳамда давлат ва матлубот кооперацияси ходимлари касаба союзи республика комитетининг пул мукофотига сазовор бўлдилар. Бундан руҳланган коллектив аъзолари келгуси йил топшириқларини ҳам муваффақ

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисида»ги Қонунни рўёбга чиқаришга оид давлат программаси ҳақида» қарор қабул қилди.

Программада «Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисидаги Қонун»ни рўёбга чиқариш юзасидан аниқравшан ташкилий тадбирлар белгиланди, ўзбек тилини илмий ўрганиш, ўзбек тилини ўқитиш ва тегишли кадрлар тайёрлаш, ўқув ҳамда методик адабиёт ва қўлланмалар нашр этиш масалалари аниқланди, оммавий ахборот воситаларининг ана шу йўналишдаги вазифалари кўрсатиб берилди. Программада иш юритишни ва ахборот хизматини республика давлат тилига ўтказиш, ана шу жараённи моддий-техникавий жиҳатдан таъминлашнинг асосий йўналишлари режалаштирилган. Миллатлараро муомала тилининг ва Ўзбекистон ССР территориясида жам бўлиб яшайдиган бошқа миллатлар тилларининг амал қилишига оид тадбирлар ҳам белгиланди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети халқ депутатлари Советлари область, шаҳар ва район ижроия комитетлари, министрликлар, давлат комитетлари, идоралар, корхоналар, совхозлар, муассасалар ва ташкилотлар зиммасига улар қайси идорага бўйсунишидан қатъи назар давлат программаси амалга оширилишини, республиканинг давлат ва жамоат фаолиятининг расмий соҳаларида ўзбек тили тўла ҳажмда амал қилишини, шунингдек СССР халқларининг миллатлараро муомала тили сифатида рус тилидан эркин фойдаланиш ҳамда Ўзбекистон территориясида истиқомат қилаётган барча миллат ва элатлар тилларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни таъминлаш вазифасини юклади.

Республика халқ хўжалигининг барча бўлинмаларида «Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисида»ги Қонунни ўз вақтида рўёбга чиқариш юзасидан идоравий доимий комиссиялар тузиш, улар зиммасига Қонунни қўлланишга оид маслаҳат ва назорат вазифаларини амалга оширишни ҳам юклаш керак.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг тегишли бўлимларига республиканинг давлат тили билан бир қаторда рус тилида ва Ўзбекистонда яшовчи бошқа халқлар тилларида иш юритилиши лозим бўлган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар рўйхатини тайёрлаш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон ССРнинг бош архив бошқармаси СССР давлат стандарти Ўзбекистон республика бошқармаси ҳамда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Пушкин номли тил ва адабиёт институти билан биргаликда министрликлар, идоралар, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларида, республика корхоналари, муассасалари ва ташкилотларида ўзбек тилида иш юритишга доир янги намунавий қўлланмани ишлаб чиқиб тасдиқлашлари лозим.

Ўзбекистон ССР Давлат статистика комитетига министрликлар, идоралар, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, корхоналар ва ташкилотлар билан биргаликда давлат тилида иш юритиш учун статистикага оид ва молиявий ҳужжатларни ҳисобга олиш ва ҳисобот беришнинг тегишли шакл ва варақаларини тайёрлаш топширилди.

Ўзбекистон ССР Молия министрлиги министрликлар, идоралар, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари ҳамда иттифоққа бўйсунувчи корхоналар ва ташкилотлар билан биргаликда моддий-техникавий ресурсларни харид қилиш учун сарфланадиган харажатларни аниқлаш, уларни пул билан таъминлаш манбаларини белгилаши ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советига таклифлар киритиши лозим.

Ўзбекистон ССР Давлат план комитети билан Давлат моддий-техника таъминоти комитети министрликлар ва идоралар тақдим этган талабномалар асосида моддий-техникавий ресурсларни ажратиш масалаларини ҳал этиш имкониятларини қидириб топишлари зарур.

«Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисида»ги Қонунни рўёбга чиқариш давлат программасини ишлаб чиқувчи республика комиссиясининг ваколатлар муддати Қонуннинг барча моддалари кучга киритиладиган даврга қадар узайтирилди. Мазкур комиссия ана шу Қонунни рўёбга чиқарувчи республика комиссиясига айлантирилди. Комиссия зиммасига ишларни мувофиқлаштириш ва давлат программаси амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси юкланди.

* * *

«Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисида»ги Қонунни рўёбга чиқаришга оид давлат программасининг тўла матни оммавий нусхада алоҳида китобча қилиб нашр этилмоқда.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш «Улуғбек номли Ўзбекистон республика фондини ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Республикада истеъдодли ёшлар билан муайян иш олиб борилмоқда. Шу билан бирга мазкур ишни бундан буён ҳам такомиллаштириш йўлида бир қанча муаммолар, аввало молиявий ва моддий-техника таъминоти муаммолари кўндаланг бўлмоқда. Шу мақсадлар учун бюджетдан ажратилаётган маблағ етарли эмас. Истеъдодли ёшларнинг маълумот олиши, малакасини ошириши, илмий фаолиятини моддий ва молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун министрликлар, идоралар, корхоналар ва муассасалар, жамоат ташкилотлари кўнгилли асосда ўтказаётган маблағларни, шу жумладан валюта тарзидаги пулларни, гражданларнинг, чет эл ташкилотлари ва хусусий шахсларнинг хайр-эҳсонларини бирлаштиришга кучли эҳтиёж бор.

Министрлар Совети қарор қилади:

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг илмий, инженер-педагог ва бошқарув кадрларини тайёрлашни мувофиқлаштириш комиссиясининг, Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг, Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлигининг, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг, илмий жамоатчиликнинг, ижодий уюшмаларнинг, иттифоққа ҳамда иттифоқ ва республикага бўйсунувчи корхоналарнинг истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек номли Ўзбекистон республика фондини таъсис этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Улуғбек номли фонд фаолияти тўғрисидаги низом ва ташкилот комитетининг состави тасдиқланди.

Фонд ташкилот комитетига 1990 йил 30 мартга қадар таъсис конференциясини ўтказиш, унда фонд кенгашини ташкил қилиш ҳамда унинг низомини тасдиқлаш топширилди.

Ўзбекистон Уй-жой-социал банки, СССР Ташқи иқтисодий банкининг Ўзбекистон бўлими совет ва чет эл гражданлари ҳамда ташкилотларидан сўм ва чет эл валютаси тарзида тушадиган маблағлар ўтказилиши учун белгиланган тартибда махсус счётлар очишлари керак.

Ўзбекистон ССР Молия министрлиги, Ўзбекистон Давлат банки совет ва чет эл гражданларидан фондга келадиган қимматбаҳо металлар, тошлардан ясалган буюмлар ва бошқа қимматбаҳо нарсаларни, шунингдек чет эл валютаси билан юборилиадиган бадалларни қабул қилиш тартибини белгилашлари керак.

Ўзбекистон Давлат банки Ўзбекистон ССР Молия министрлиги билан биргаликда фондга корхоналар, ташкилотлар ва айрим шахсларнинг ишлатилмаётган молиявий ресурсларини фонд программалари ва лойиҳаларини амалга ошириш учун қарз беришга сарфлаш билан шуғулланадиган ёшлар инновация банкини ташкил қилишда ёрдам берсин.

Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар министрлиги Улуғбек номли фондни халқаро алоқаларни амалга оширувчи ташкилотлар сафига киритсин, чет элдаги шунга ўхшаш фондлар ва бошқа ташкилотлар билан алоқа ўрнатилишини таъминласин, уларнинг ЮНЕСКО программаларида ва бошқа ҳукуматлараро программаларда ҳамда фан, таълим, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш соҳасидаги битимларда иштирок этишига кўмаклашсин, иттифоқ давлат органлари, хорижий мамлакатлар, ташкилотлар ва фирмаларнинг ваколатхоналари билан ҳамкорлик қилишида ёрдамлашсин.

Истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек номли Ўзбекистон республика фондига иқтидорли болалар учун мўлжалланган махсус мактаб-интернатларни оталиққа олиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги фонд билан биргаликда уч ой муддат ичида Тошкент шаҳар Куйбишев районидаги 21-болалар уйи негизида иқтидорли етим болалар ва отаона васийлигисиз қолган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернат ташкил этиш тўғрисидаги масалани ҳал қилсин.

Республика министрликлари ва идоралари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари фонд фаолиятига ҳар томонлама ёрдам берсинлар.

Тошкент шаҳар ижроия комитети билан Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги уч ой муддат ичида фонд учун бино ажратиш, уни замонавий алоқа воситаларидан фойдаланиш имконияти билан таъминлаш тўғрисидаги масалани ҳал этсинлар.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети, «Ватан» жамияти, газеталар ва журналларнинг редакциялари фонд ишини кенг ёритиб борсинлар, уни тарғиб қилсинлар, маблағларни қаерга жўнатиш тўғрисида кенг маълумот берилишини таъминласинлар.

Фонд фаолиятини Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг илмий, инженер-педагог ва бошқарув кадрлари тайёрлашни мувофиқлаштириш комиссияси йўналтириб туради. Фонд таъсисчилари бўлган бошқа муассасалар ва корхоналарнинг вакиллари ҳам комиссия составига кирадилар. Фонд маблағлари илмий кадрлар тайёрлаш миллий программасини амалга ошириш ва истеъдодли ёшларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ тадбирларни пул билан таъминлашга сарфланади.

ДАСТУРХОН ЎРКИ

Нон қадим-қадимдан дастурхон ўрки. Мазали, тўйимли нону кулчалар ёпиш алоҳида санъат ҳисобланиб, новвойлар меҳнати беҳад қадрланган.

Пойтахтимиздаги 1-нон маҳсулотлари заводи қошида «Иссиқ нон» ўзига хос магазини очилганига ҳали кўп вақт бўлганича йўқ. Новвойлар эл ташаккурига сазовор бўлишяпти. Бу ерда кунига 1,5 минг сўмликдан эмёд маҳсулот тайёрланаётир.

Бу ерда батон нони ёпиш цехи ҳам очилган. Цехда Югославия ускуналари ўрнатилган. Натижада ҳар куни қўшимча 800 килограмм нон тайёрлашга эришилмоқда. Ускунани уч киши бошқаради. Кейинчалик бу ерда яна шундай яна бир қурилма ишга туширилади.

Суратда: новвой Галина Алишулина.

В. МИЛЕНЬКИЙ сурати (ЎзТАГ).

Ўзбекистон ССР территориясида «Ёзги» вақтга ўтишни бекор қилиш ҳақида

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика турли минтақалари меҳнаткашларининг кўпдан-кўп илтимослари ва истакларини эътиборга олиб, СССР Министрлар Совети билан СССР Ягона вақт ва эталон частоталар давлат комиссиясидан Ўзбекистон ССР территориясида «ёзги» вақтга ўтишни бекор этишни илтимос қилди.

Тажриба тариқасида республикани минтақа вақтига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу муносабат билан 1990 йил 25 март куни Ўзбекистонда соат миллари бир соат олдинга суриб қўйилмайди.

Бу қарор министрликлар, идоралар, корхоналар, ташкилотлар, маҳаллий Советларнинг бутун халқ хўжалиги комплексининг янгича вақт ҳисобидан узлуксиз ишлашини ва унинг мамлакатдаги соат миллари бир соат олдинга суриб қўйиладиган минтақалари билан ўзаро алоқасини таъминлаш юзасидан зарур тадбирларни ҳеч кечиктирмай бажаришларини тақозо этади.

ХАЙРЛИ КУНЛАРДА

Ўзбек халқининг ажиб анъаналари бор. Улардан бири байрамлар, хайрли кунлар арафасида отаоналар, қариндош-уруғлар, бева-бечора ёки ночор кишилар ҳузурига бориб, уларнинг кўнглини хушнуд қилишдир.

Ўзбекистон Меҳр-шафқат ва саломатлик жумҳурият жамғарма фондининг Тошкент шаҳар бўлими Наврўз байрами арафасида хайрли ишга қўл урди. Фонд шаҳардаги барча маҳаллаларда ўзининг бошланғич ташкилотларини тузмоқда. Улар ёрдамида маҳаллалардаги меҳр-шафқатга муҳтож оилаларни аниқлаб, яқиндан ёрдам кўрсатишга киришилди.

Акмал Икромов районидаги Учтепа маҳалласида тузилган меҳр-шафқат ва саломатлик группаси ёрдамида даромади кам хонадонлар аниқланди. Улардан П. Асатуллаева, Т. Тошпўлатова, Н. Аҳмедова, М. Абдусоатовлар оилаларига 100-150 сўм миқдорида пул, бошқа хонадонларга эса зарур буюмлар ҳиммат қилиб берилди.

Шу райондаги «Партия XXIII съезди», Октябрь районидаги «Авангард» маҳаллаларидаги камқувват оилаларга ҳам ёрдам кўрсатилмоқда.

Б. ИСМОИЛОВА.

Ўзбекистон ССР Давлат статистика Комитети маълум қилади

Самарадорлик — бош мезон

Ўзбекистон ССР саноатининг 1990 йил январь—февраль ойларидаги иш кунлари тўғрисида

Республика саноатида 1990 йилнинг январь — февраль ойларида маҳсулот ишлаб чиқариш (ишлар, хизматлар) ҳажми ўтган йилнинг январь — февраль ойларига нисбатан 3,9 фоизи кўпайган. Шу билан бирга давлат агрохимия «Агрохим» уюшмаси, СССР Оғир машинасозлик министрлиги, СССР Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлиги корхоналарида, «Ўзбеклес» ишлаб чиқариш бирлашмасида, Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлиги, Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги давлат комитети, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги корхоналарида ва бошқа корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми камайишига йўл қўйилган.

Саноат маҳсулоти энг муҳим турларининг учдан бир қисми бўйича топшириқлар бажарилмади, уларнинг 41 фоизи юзасидан ишлаб чиқариш ҳажми пасайган.

Маҳсулот етказиб бериш шартномавий мажбуриятлари 99,3 фоиз (1989 йил январь — февраль ойларида 99,0 фоиз) бажарилган. Бирлашма ва корхоналарнинг 11,8 фоизи давлат буюртмаларида ва истеъмолчилар билан бевосита алоқаларда белгиланган шартномавий мажбуриятлар бажарилишини таъминламадилар. Истеъмолчиларга январь — февраль ойлари мобайнида 23,8 миллион сўм қарз бўлиб қолинди.

Металлургия (шартномавий мажбуриятлар 98,0 фоиз бажарилган, 4,6 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмаган) ва машинасозлик комплекслари (шартномавий мажбуриятлар 99,4 фоиз бажарилган, 1,3 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмаган) ишида асоратлар давом этмоқда. Қорақалпоғистон АССР корхоналарида (99,0 фоиз), Андижон (99,2 фоиз), Бухоро (99,2 фоиз), Сурхондарё (99,1 фоиз) ва Тошкент (98,7 фоиз) областларининг корхоналарида шартномавий мажбуриятларни бажариш даражаси паст. Даромадларни норма билан тақсимлаш (хўжалик ҳисобининг иккинчи модели) шароитида ишлаётган 101 та саноат корхонасида ишлаб чиқариш ҳажми 1989 йилнинг январь — февраль ойларидагига нисбатан 6 фоиз ўсган. Бу эса умуман республика саноатининг ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан 1,5 баравар юқоридир.

Маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномавий мажбуриятлар 99,8 фоиз бажарилди, 3 та корхона истеъмолчилар олдидаги мажбуриятларини уддаламади, истеъмолчиларга етказиб берилмаган маҳсулотнинг умумий ҳажми 235 минг сўмни ташкил этди.

Ижара муносабатлари шароитида ишлаётган 23 та корхонада ишлаб чиқариш умумий ҳажми 10,1 фоиз ўсган.

Шундай шароитда ишлаётган корхоналар маҳсулот етказиб бериш шартномавий мажбуриятларини 99,6 фоиз бажарганлар, истеъмолчиларга 152 минг сўмлик маҳсулот кам етказиб берилган.

Қуйида Ўзбекистон ССР, Қорақалпоғистон АССР, областлар ва Тошкент шаҳри саноати иши тўғрисидаги маълумотлар (фоиз ҳисобида) келтирилган:

	Маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши	Истеъмолчиларга етказиб берилмаган маҳсулот, миллион сўмлик	Шартномавий мажбуриятларни бажармаган корхоналар улуши	Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмини ўстиришнинг амалдаги суръатлари
Ўзбекистон ССР	99,3	23,8	12	3,9
Қорақалпоғистон АССР	99,0	1,0	9	1,9
Андижон области	99,2	1,8	12	14,2
Бухоро области	99,2	1,9	8	4,4
Қашқадарё области	99,9	0,1	1	—0,9
Наманган области	99,3	1,4	13	3,6
Самарқанд области	99,6	1,3	13	6,7
Сурхондарё области	99,1	1,0	13	0,5
Сирдарё области	99,6	0,5	7	10,6
Тошкент области	98,7	7,7	20	4,1
Фарғона области	99,5	2,1	13	0,9
Хоразм области	100,0	—	—	10,3
Тошкент шаҳри	99,3	4,5	11	1,7

Январь — февраль ойларида 2,2 миллиард сўмлик (чакана нархларда, шу жумладан спиртли ичимликлар ва мева-сабзавот маҳсулотлари ҳамда тухум бозор фонди) халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилган, бу эса 1989 йилнинг январь — февраль ойига нисбатан 156,4 миллион сўм ёки 7,6 фоиз кўпдир.

Бутун ўсиш ҳажмининг қарийб учдан бир қисмига спиртли ичимликлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига (45 миллион сўм) эришилган.

Корхоналар молларнинг умумий группалари ва айрим группалари юзасидан қабул қилган халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш планларининг бажарилиши таъминланган.

1990 йил январь — февраль ойларида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш қуйидаги маълумотларда ифодаланган (чакана нархларда, миллион сўм):

	Амалда ишлаб чиқарилгани	Корхоналар қабул қилган планнинг бажарилиш фоизи	1990 йилнинг январь-февраль ойларида 1989 йилнинг январь-февраль ойларидагига нисбатан фоиз ҳисобида
Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш	2098,7	102,9	108,0
Шу жумладан:			
Озиқ-овқат маҳсулотлари	688,3	103,6	101,3
Спиртли ичимликлар	281,8	102,5	119,1
Ноозиқ-овқат моллари	1128,6	102,6	109,9
Шулардан енгил саноат моллари	746,5	102,3	106,0
Ноозиқ-овқат моллар юзасидан давлат буюртмаси	354,3	103,6	121,3

Енгил саноат моллари ишлаб чиқаришининг ўсиши ўтган йилнинг январь — февраль ойларига нисбатан 42,4 миллион сўмни ташкил этди.

Асосий номенклатура юзасидан, ип-газламалардан ташқари (96,6 фоиз), январь — февраль топшириқлари бажарилди.

Минерал сувлар, шампань виноси ишлаб чиқариш топшириқда кўзда тутилган даражага етмади. Колбаса маҳсулотлари, мол ёғи, консервалар, макарон маҳсулотлари, ўсимлик мойи, шампань виноси ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан пасайган.

Қуйида халқ хўжалиги комплексларининг 1990 йил январь — февраль ойларидаги фаолият кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар (фоиз ҳисобида) келтирилган:

	Маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши	Истеъмолчиларга етказиб берилмаган маҳсулот, миллион сўмлик	Шартномавий мажбуриятларни бажармаган корхоналар улуши	Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмини ўстиришнинг амалдаги суръатлари
Ёқилғи-энергетика комплекси	99,96	0,06	6	5,6
Металлургия комплекси	98,0	4,6	36	12,2
Машинасозлик комплекси	99,4	1,3	22	1,5
Химия-ўрмон комплекси	99,3	2,3	12	1,3
Агросаноат комплекси	99,7	4,9	9	4,1
Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги	99,6	2,4	7	2,9
Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрлиги	99,8	02	2	7,1
Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги	93,4	1,6	55	—5,5
Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлиги	98,1	1,5	22	9,6

Ёқилғи-энергетика комплексида нефть ва газ қазиб чиқариш топшириқлари бажарилиши таъминланган, ўтган йилнинг январь — февраль ойларига нисбатан нефть ва газ қазиб чиқариш кўпайган.

Металлургия комплекси корхоналарида истеъмолчиларга маҳсулот етказиб беришдаги қарз январь ойига нисбатан кўпайган ва 4,6 миллион сўмни ташкил этган. Ўзбекистон металлургия заводи прокат ишлаб чиқариш топшириғини бажармади.

Машинасозлик комплексида машина ва ускуналарнинг бир қанча турларини ишлаб чиқариш ҳажми ўсди. Белгиланган топшириқларга мувофиқ енгил саноат, агросаноат комплексининг қайта ишлаш тармоқлари учун технология ускуналари ишлаб чиқарилган.

Айни вақтда топшириқлар бажарилиши таъминланмаган ва ўзгарувчан ток электр двигателлари, экскаваторлар, трактор культиваторлари ишлаб чиқариш камайган.

СССР Электрон техника асбоблари саноати министрлигининг ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари (0,8 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмаган), СССР Қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлигининг ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари (0,4 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмаган) маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномавий мажбуриятларни бажаришда энг кўп қолоқликка йўл қўйишган.

Химия-ўрмон комплекси корхоналари минерал ўғит, қоғоз ишлаб чиқариш топшириқларини бажардилар. Шу билан бирга кимёвий тола, капролактам, резина пойабзал ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш плани бажарилмаган.

СССР Химия ва нефть саноати министрлиги корхоналари маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартномавий мажбуриятларни бажаришда энг кўп (2,1 миллион сўм) қарздор бўлиб қолганлар.

Бинокорлик материаллари саноати корхоналари қурилиш ғишти, томга ёпиладиган юмшоқ материаллар ва изол ишлаб чиқаришнинг планлаштирилган ҳажмини таъминламаяптилар.

Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари саноати министрлигининг корхоналари январь — февраль ойларида истеъмолчиларга 1,5 миллион сўм қарз бўлиб қолдилар. Корхоналарнинг тўртдан бир қисми мажбуриятлар бажарилишида узилишга йўл қўйган. Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги корхоналарининг қарийб ярми истеъмолчилар олдидаги мажбуриятларини бажармаяпти. Умуман министрлик бўйича январь — февраль ойларида 1,6 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмаган. Шу жумладан 1-Тошкент тажриба-механика заводи 463 минг сўмлик кам маҳсулот етказиб берган.

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

«Ўсарфильм» муаллиф бирлашмаси

Ассалому алайкум, севги дардига мубтало бўлган азиз «Фарҳод» ва «Ширинлар», «Лайли ва Мажнунлар», «Тоҳир ва Зуҳролар!»

«Ўсарфильм» сизларни тўрт фаслдан буён интиқ бўлиб кутмоқда... Сизлардан эса ҳамон дарак йўқ... Қайдасиз?! «Тўй»имизга Сиз, Келин-куёвдан бошқа ҳамма йиғилди... Ахир келин-куёвсиз «Тўй» тўй бўлармиди?! Биз Сиз, Келин-куёвни жуда соғинганимиздан, ичикиб бетоб бўлиб қоляпмиз. Бизларни ҳадеб қийнайвермасдан тезроқ келинглар энди!!!

Сизларни «Ўсарфильм»да суратга олинётган «Тўй» номли тўлиқ ҳажмли бадиий фильмнинг КИНОСИНОВ РЕПЕТИЦИЯЛАРИ ВА КИНОСИНОВЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

23, 24 март кунлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида яшовчилар учун, 25, 26 март кунлари эса узоқ вилоятлардан келганлар учун КИНОСИНОВ РЕПЕТИЦИЯЛАРИ ўтказилади.

Март ойининг 27, 28, 29, 30 кунлари киносинов репетицияларидан муваффақиятли ўтган кишиларни КИНОГА ОЛИБ, КИНОСИНОВЛАРДАН ЎТКАЗАМИЗ.

Киносиновлардан муваффақиятли ўтган истеъдодли кишиларни «Ўсарфильм» Президиуми ролларга тасдиқлайди.

Суратга олаётган киномизнинг мавзуси азалий ва абадий мавзу — муҳаббатдир... Бу кинофильм Сизнинг ва бизнинг севгимиз ва ҳаётимиз ҳақида... Ишқилиб севишганларнинг ҳаммасини тўйга етказсин! Келинглар, «Тўй» номли киномизни бирга яратайлик!

Сценарий муаллифи ва саҳналаштирувчи кинорежиссер — «Ўсарфильм» муаллифи Санд УСАР БЕК.

Бастакор — «Ўсарфильм»инг мусиқа раҳбари — Даврон ҒОЙИПОВ.

Саҳналаштирувчи кинооператор — Ҳамидулла ҲАСАНОВ.

Саҳналаштирувчи кинорассом — Қаҳрамон НУРИДДИНОВ.

«Ўсарфильм» қўнимгоҳи: 700000, Тошкент шаҳри, Инқилоб хиёбони (метронинг «Октябрь инқилоби» бекати), Ленинград кўчаси, 48-уй (Техника уйи), телефон 32-01-29 (навбатчилик кечаю-кундуз).

Р. — 02162. № 65 — 66. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12